



l
Эй яши отинг била сарогоз,
Анжомигаким етар хар оғоз.

Эй сендин улус хужаста фаржом,
Оғозингга акл тоимай анжом.

Эй ақлга фоизи маоний,
Бокийсену борча халк фоний.

Эй элга адам бакони айлаб,
Зотингга фанони фони айлаб,

Эй илмингга гайб сирри маълум,
Мавжудсен, ўзга борча маълум.

Эй йўк килибон адамни будунг,
Йўклогни адам килиб вужудунг.

Эй хусни дилпазир килгон,
Эл кўнглин анга асир килгон.

Эй хуснга айлаганни шайдо,
Мажнунлуг ила килиб хувайдо,

Эй ишк ўтин айлаган жахонсўз,
Хар бир шарарини хонумонсўз,

Эй ўртаб ул ўтка хонумонлар,
Не хону не монки, жисму жонлар,

Эй кимники айлабон париваш,
Мажнун анга юз асири гамкаш,

Эй кимни килиб парига Мажнун,
Ашки суйин окизиб жигаргун.

Эй хар сориким килиб тажалли,
Ул мазхар ўлуб жахонда Лайли.

Эй оники Лайли айлаб отин,
Мажнун килмок килиб сифотин,

Эй Мажнунунг хираддин озод,
Охи берибоп хирадни барбод,

Эй акл сенинг йўлунгда гофил
Ким, телба сенинг йўлунгда окил.

Эй бандаларига жовидона,
Омурзиш учун тилаб бахона,

Эй ашк суйидин айлабон паст
Дўзах ўти шуъласини пайваст.

Кўк ер киби пасту муртафиъсен,
Балким еру кўкка мухтариъсен,

Сунъунг била тўрт зид мувофик,
Хукмунг била етти кўк мутобик.

Тун-кунки килур сипехр новард,
Сенинг талабингдадур жахонгард.

Бошдинки кадам килиб дурур мехр
Истаб ссни бўлди заъфарон чехр.

Бордур талабингга борча мойил,
Лекин сепи тоимок асру мушкил.

Хар негаки деса ўхшамассен,
Сендин дурур ул сен ул эмассен,

Харне сени деса ройи сойиб,
Ул сендину сен арода гойиб,

Гойибсен ангаки бўлса нозир,
Нозирга доги бор ишда хозир.

Афлокка сен шитоб бердинг,

Анжумга бу нуру тоб бердинг,

Кун юзини айладинг мушаккал,
Тун кўзини айладинг мукаххал.

Эй сиймини айладинг зарафшон,
Туннинг шабъасини гавхарафшон

Токка берибон либоси хоро,
Заррин камар эттинг ошкоро.

Киш меҳрини чун итикрок эттинг,
Корнинг садафин арусак эттинг.

ЁЗ ёмгури етгач айладинг бот,
Ер чакманини яшил сакарлот.

Лола кадаҳини тошка урдунг,
Жола гуҳарини бошка урдунг,

Гул ёфрогини хавога сочтинг,
Гунча карамин сабодин очтинг,

Гулга бсрибон зумуррадий тахт,
Гунча киби айладинг жавонбахт.

Кеча анга бўлмасун дебон бийм,
Бердинг наргисга машъали сийм,

Чун кўкни хусуфзод килдинг,
Ойнинг кумушин савод килдинг.

Гоҳики касофат этти махтоб,
Меҳр олтунин айладинг сияхтоб.

Бердинг чу жихатка зеб ила фар,
Боши уза тиктинг олти гавхар.

Унсурни тузук сарой килдинг,
Деворини чордой килдинг.

Кийдурдинг зийнат айламакдин,
Тўкуз хилъат анга фалакдин,

Кўк атласу бори зархал этган,
Анжум дуридин мукалал этган,

Жайби аро тугма тийру Нохид,
Эгнида тирози Ою Хуршед,

Йўк, йўкки, бу етти жирми мовий.
Анда етти чобуки самовий

Ким, борчаларини фоил эттинг,
Сайру харакатга шогил эттинг,

Обо чу буларга от бўлди,
Ул тўрт хам уммахот бўлди.

Айлаб бу ато, анога пайванд,
Уч килдинг аролариди фарзанд.

Хар бирининг ўзгача сифоти,
Хайвонию конию наботий.

Андок чу тузилди кадхудолик,
Бу навъ ўлди ато-анолик.

Бир кимсага тўрт агар тарабдур,
Етти аро тўрт бас ажабдур.

Хар майлга тоқдинг, икки занжир,
Килдинг лакабин казову такдир.

Гардунни сен айладинг сабук санг,
Давронни сен айладинг кухан ланг,

Гар бўлса сипехру арз бир-бир,
Чун сендин эрур сенга не тағйир.

Вар топса бакойи лониhoяx
Ким, сендин эрур ўшул инояx.

Хар шохки андин эл харосон,
Йўк килмок ани қошида осон.

Ё кайси гадоки нони йўк-йўк,
Шох этсанг аниким, этай йўк.

Зохидки улуска килгай иршод
Солсанг томуг ичра кимга ирод?

Фосикки эрур бор иши мухмал,

Ёрликасанг они кимга мудхал?

Бас олам ичини айладинг кон,
Бир дукма ютарга ютти минг кон.

Бас жохил эрурки бегаму ранж,
Тўктунг этагига махзану ганж,

Бу ишта не билсун эл камохий,
Не эркани хикмати илохий.

Лекин бу тараф кўнгулга йўлдур
Ким, харнеки айладинг иш улдур.

Кимни недин айладинг навосоз,
Топкон анга не кўп эрди, не оз.

Хар кимга не берганинг бас эрди,
Андин кўпу оз керакмас эрди.

Топконга каноат улки килмас,
Ўз маслахатини сенча билмас,

Биздин неки келса бежihatдур,
Сепдин неки бўлса маслахатдур.

Дойим килибон савол варзиш,
Хони карамингдин офариниш.

Кундуз санга бир гадои руси,
Хуршеддин эгнида кадуси.

Тун даргахингга тиланчи занги,
Эгнида терисидур паланги.

Дарё санга толиби навола,
Кишти кафида йигоч пиёла.

Тоглар тутуб нечукки сойил,
Очиб этагин тиларга мойил,

Яъни бори узрадур панохинг,
Бор улчаки бор гарди рохинг.

Мулкунг ики боги икки олам,
Султонлиг эрур санга мусаллам.

Богинг ики варди меҳр ила мах,
Не богу не вард, аллах, аллах.

Шонин билмай хирадга андух,
«Жаллат олоуху ва шаънух» .

II

Пастлиг юзидин муножот Ул рафиуддаражот хазратидаким, саносида акли кулл, тили лол, балки акли кулл тили шикаста макол келди ва ул бобда маъзиратни унутмок ва узр демокдин ўзни маъзур тутмок ва ажз ва номуродлиг кўйига кочмок ва гадолик ашкин сочмок ва «шайан лиллах» овучин очмок

Поко сифатингда ахли идрок,
Сўз сурмади гайри «моарафнок» .

Хар навъки айласам хитобинг,

Юз онча бийикдурур жанобинг,

Улким, «ана афсах» этти даъво,
Фош этти бу давъви ичра маъно.

Кўргузди чу пукта ичра муъжиз,
Олам фусахоси бўлди ожиз.

Хамдингни демак чу бўлди коми,
«Ло ухси» эдн анинг каломи.

Ул ажзига эътироф килса,
Хамдингдин ўзин маоф килса,

Бас назмда сўз деган менингдек,
Мен худ неки, юз туман менингдек,

Сўз ажзини зохир айламак хам,
Уз ажзини зохир айламак хам,

Инсоф ила келди носазолик,
Йўк, йўкки, камоли беҳаёлик.

Чун хамду сано иши бу бўлди
Ким, акли кулл анда узр кўлди.

Хам гунги макол бўлмок авло,
Бу узрда лол бўлмок авло.

Килмай даъвийи хуш адолик,
Арз айла, Навоиё, гадолик.

Ёраб, эшигингда ул гадомен
Ким, боштин-аёккача хатомен.

Мушкум бу хатода бўлди кофур,
Кофур ила мушкум ўлди бенур.

Исён ўтидин куюб жахоним,
Дуди била тийра хонумоним,

Расволик ўтин жахонга сочиб,
Учкунларин осмонга сочиб,

Хам ушбу унум тошиб жахондин,
Хам учкуни ошиб осмондин,

Атфоли жунун жафо килиб фош,
Хар лахза бошимга ёгдуруб тош.

Мажнунлугум ичра гар кўруб дев,
Мендин кочарига айлабон рев.

Девоналигим нечукки мажнун,
Саргашталигим нечукки гардун.

Занжири жунун эрур нишони,
Андух сипехри кахкашони.

Жўлида сочим бор чарх аро тун,
Йўкким, бошима келиб каро кун.

Бу навъ каро кун ичра кориб,
Яъники, каро тунум окориб.

Зуннор белимга нафс этиб чуст,
Куфр ичра белимни боглабон руст,

Хар лахза ишимни чархи бебок,
Ул ришта била этиб гирихнок.

Яхшилик итиб бу нотавондин,
Холимни десам ёмонрок андин.

Холим шархики бас узундир,

Бу турфаки дам-бадам фузундур.

Бу ранжки келди жовидони,
Уздин бўлмас кетурмак они.

Мен килсам эди анинг давоси,
Бўлмак манга эрди мубталоси.

Хар неча эмас манга бу осон,
Лекин санга бордур асру осон.

Бок дарду малолатимг-а, ёраб,
Рахм айла бу холатимга, ёраб,

Лутф айла ўзум сори йўлум чек,
Чектинг чу йўлум тутуб кўлум чек.

Тортиб бу магоқдин чикоргил,
Гаркоби халокдин чикоргил.

Чун олима кўймадинг ёвуз йўл,
Сайр ичра насибим айла туз нўл.

Шукрунгга тилимни койил айла,
Саждангга бошимпи мойил айла,

Ўксутма хидоятингни мендин,
Кам килма иноятингни мендин,

Бўл рохнамун манга ул ишга
Ким, бўлса санга ризо ул ишга.

Ул иш манга кил муроду максуд
Ким, бўлсанг ўзунг ул ишта хушнуд

Бир ишки эмас ризоси сендин,
Эрмас бу кул илтимоси сендин,

Хар киссада шукр сол тилимга,
Хар гуссада сабр бер илимга.

Хар зухдки ужб эрур анга зам
Кўнглум харамига килма махрам.

Хар журмки узр эрур анга ёр,
Ул журмни айлагил манга ёр.

Гар учмогу гар томуг дурур йўл,
Сен лутф ила анда йўлдошим бўл.

Раддимга кабулни мутиъ эт,
Журмумга расулни шафиъ эт.

III

Ул рисолат сипехрининг куёши наътидаким, магриб соридин тулуъ килиб, Макка авжида камол тутти, балки анвори ашроки била машрикдин магрибкача «Кашшамси нисфуннахор» ёрутти ва куфр шомида ислом шамъи ёкти ва жомга якин уёкти

Эй жилвагахинг сипехри ахзар,
Рахшинг изи рашки мехри анвар.

Эй машъали мехр шамъи жохинг,
Бал мехру сипехр хоки рохинг.

Буким санга чарх хоки рахдур,
Меърож туни мунга гувахдур.

Эй рифъатинг олида фалак паст,
Умматларинг анбиёга хамдаст.

Оламда рисолатинг навиди,
Одамга шафоатинг умиди.

Эй «кунту набийян» айлаб оғоз,
Чўп хилкатинг ичра айтибон роз.

Одам шажарингга мева монанд,
Фарзандингга олам ахли арзанд.

Эй нурунг ўлуб жахонга собик,
Балким тўкуз осмонга собик.

Зотинг била муфтахир жахон хам,
Сайринг била тўкуз осмон хам.

Эй рутбада хайлинг офариниш,
Йўк, йўкки, туфайлинг фариниш.

Хар неча жахон бўлуб туфайлинг,
Бўлмай бу туфайл сори майлинг.

Эй зотинг номаи футувват.

Оркосида хотами нубувват,

Ул мухр хутути васфи зотинг,
Хотам алифию теси отинг.

Эй илм санга ладунни анжом,
Мактаб сори ранжа айламай гом.

Олингга вале келиб муаддаб,
Илм ахли нечукки, тифли мактаб.

Эй сунмай иликни хома сори,
Ул навъки хома нома сори.

Номанг вале андаким бўлуб фош,
Хаттидин Улус кўтармайин бош.

Эй пўяда маркабингга таъжил,
Олингга хакир пайки Жибрил.

Худхудга не моя, кадру сомон,
Сайр айласа ер уза Сулаймон.

Эй зумраи анбиё шафии,
Олам эли буйругунг мутии.

Буйругларинг элга карз янглиг,
Суннатларинг улга фарз янглиг.

Кадринг ети чархдин муалло,
Зотинг худ икки жахондин аъло.

Сен бўлмасанг анбиёда кимдур
Ким, нутки жавомиул-калимдур.

Вах-вах, не каломи муъжиз ойин
Йўк ўйла русулга харгиз ойин.

Ахкоми била жахон низоми,
Назми ики олам интизоми.

Хар бир алифи килиб сипон тез,
Куфр ахлига ул синони хунрез.

Микроз ила лом-алифлари руст,
Таън ахли тилин тутуб кесиб уст.

Бу номага нусха зоти поки,
Тенгри сўзидин улуска хоки.

Сунъ илги чекиб бу номага там.
Оркосига бости накши хотам,

Хотам дема они, мушки тар де,
Йўк мушкки, мунхасиф камар де.

Рухсорики келди курси хуршед,
Ул меҳр камарваш ўлди жовид.

Чун жисми жихоти бўлди хойил,
Нури бу камарнинг ўлди зойил.

Ул меҳрга гарчи мунхарифдур,
Чун хойили бор муихасифдур.

Хойил дема, бу жахони сугро,
Сугро эмас, ул хужаста тугро.

Ким зоти қошида етти торам,
Торам дема, балки арши аъзам.

Меърож туни табох бўлди,
Барча анга хоки рох бўлди,

Бас оламе ўлди зоти кубро,
Юз ончаки, ушбу жирми габро.

Габро неки минг сипехр чоғлик,
Нур ичра туман бу меҳр чоғлик.

Ер узра келиб жахондин ортук,
Чарх узра эканда андин ортук.

Бўлмаса жахондин ортуғ ул пок,
Бас бўлмас эди матофи афлок.

Бўлмаса сипехрдин кироми,
Арш ўлмас эди анинг макоми.

Гар меҳрдин ўлмаса мунаввар,
Килмас эди ломаконни анвар.

Гардундин ўтар замон буроки,

Ой-кун бўлубон ики жуноки.

Ислом танига ул келиб рух,
Асхоби анга фидо килиб рух.

Ун ёри жавохири нафойис,
Зохир килиб ул баданга ўн хис.

Ул тўртки динга келди носир,
Бу рух тани учун аносир,

Ул руху хавосу тўрт унсур
Ким аклга солдилар тахайюр.

Бу жисмга мустадом бўлсун,
Сухбатлари бардавом бўлсун.

Олики, риёзига шажардур,
Авлоди шажар уза самардур.

Борясига хар гузин авкот,
Юз минг салавот ила тахиёт,

IV

Ул шоми висолнингким, «Вал-лайли изо ягшо» ояти бўла олгай анинг шонида саводи
ёзилмоги ва мунунгдек шомда ул мусофири самовийнинг шабгир баланд килмоги ва субхи
висол эшиклари юзига очилмоги ва мехри мурод топилмоги

Гам шомида зору ранжпарвард,
Кезмак неча ой хаёли шабгард.

Неча гам аро тузуб тарона,
Бу шомдин айтмоқ фасона

Ким, тули хаётим этти нобуд,
Савдосида ҳеч тоимадим суд.

Вах, не кечақим, каро балойи,
Кун ганжини кўмган аждахойи.

Дилбар сочидек хароси жонда,
Мен мунда, нечукки кўнглум онда,

Бу шом фасонаси узундур,

Хаддин каро кайгуси фузундур.

Фикрида тутар кўнгулни кайгу,
Савдосида кўз бўлур каронгу,

Жон меҳнати келди зикри онинг,
Умр офати бўлди фикри онинг.

Бу шомга истасанг ниҳоят,
Ул шомдин айлагил хикоят.

Ким ранги эди чу мушки ноби,
Хар юлдузи рашки офтоби

Шабнамлариким, сочиб заройир.
Оламини тутуб нужуми сойир.

Тун гардин шабнами килиб гум,
Гам тийралигин доғи ул анжум.

Гардун чикориб кеча палосин,
Давронга ёпиб сахар либосин.

Тун даҳр юзидин оришиб менг,
Кундузни ўзига тутмайин тенг.

Кундуз уёлиб бу холатидин
Ким, ерга кириб хижолатидин,

Бу ишга кулуб сипехри хазро
Ким, тишларин айлаб ошкоро.

Атфоли нужум айлабон майл
Уқургаву ўқумоғи «Вал-лайл».

Чун лаъбу нишот аларга оршиб,
Устоди казо фалакка торшиб,

Йўқким бори ранжу гуссадин шод,
Яъники фалак гамидин озод.

Колмай фалак ичра зулмат оти,
Борин супуруб, малак каноти.

Дегилки хавода юз туман хур,
Оразларидин сочар эди пур.

Ораз хайидин сочиб нихони,
Шудрун киби оби зиндагони.

Исони таажжуб айлабон лол,
Харён фалак узра музтариб хол.

Бот-ботки олиб дами равонбахш,
Оламга эсиб насими жонбахш.

Окшом дсмагилки, субхи уммед,
Не субхи умед, субхи жовид.

Мундок кеча шамъи жилвасози.
Не шамъки, машъали тирози.

Машъал демагил, махи мунаввар,
Не машъалу маҳки, меҳри анвар.

Тун ўйлаки, меҳри осмони,
Олам элидин бўлуб ниҳоий.

Бир хобгаҳи ниҳони ичра,
Манзилгаҳи уммаҳони ичра.

Бор ишдин этиб ўзини маъзул,
Маҳбуб хаёли бирла машгул,

Ким етти бариди нур баҳши,
Хамроҳ анга маҳз нур раҳши.

Пайкига вужуд то адам гом,
Ул пайкка раҳш доғи хамгом.

Хар ергаки кўзлари тушуб тез,
Ул ергача иккисига бир хез.

Чун етти равандаи самовий,
Ул меҳри самога бўлди ровий

Ким, васлингга ҳақдур орзуманд,
Бўл сен доғи васлидин баруманд.

Бу раҳшки барки гармравдур,
Иўк-иўкки, буроки барқдавдур.

Хилкат аро нурдин сиришти,

Не нур, фариштаи бихишти.

Йўк жисмига кимса хамлидин дард,
Не кимсаки, анда кўнмайин гард,

Лойик санга келди бу жанибат,
Отланки, махал эрур ганимат.

Бу сўзни эшитгач ул ягона,
Гўёки тилар эди бахона,

Маркаб уза чикти секрибон бот.
Йўлдош ила йўлга тушти хайхот.

Кўкта тилагани ерда топти,
Чун ер уза минди кўкка чопти.

Ул пўяда маркаби сабукпай,
Олам-олам килур эди тай.

Гардунки кўзин юзига очти,
Анжум дирaмин бошига сочти.

Чун кўрди фуруг талъатини,
Ой чекмади меҳр миннатини.

Мукший кўрубон хати саводин.
Кайвон юзига сочиб мидодин.

Зухра йўлида тузуб навозир,
Мутриблардек бўлуб миёнгир.

Исога етиб чу кимиёси,
Зарбафт бўлуб куёш либоси.

Баҳром кўруб бийик жанобин,
Ташлаб киличин, ўпуб рикобин.

Биржиска чун етиб рикоби,
Иш анга саодат иктисоби.

Сойислигига Зухал уруб фол,
Газдаста била кўлида гирбол.

Савру Хамал айлабон фиғонлар,
Курбони анинг килурга жонлар.

Жавзо кўзи тўрт ўлуб Бакардин,
Топиб Саратон ҳам ул назарднн.

Хам Шер тутуб йўлида гўша,
Хам Хўша бўлуб отига тўша,

Жон санж ўлуб изидин Тарозу,
Акраб топиб анда нўш дору.

Ёй гўша тутуб коши хамидин,
Кўчкор ўлуб ўчку макдамидин.

Кўбка суйи оби зиндагоний,
Ул сув била тоза Хут жони.

Бўлмай чу бу буржларда собит,
Дурлар йўлига сочиб савобит.

Колиб чу ўтиб фалак наварди.
Гард ичра сипехри ложувардий.

Чун юкори секретиб самандин,
Арш згнига беркитиб камандин,

Курси доги лавх ила калам хам,
Рахши изидин бўлуб мукаррам.

Рафраф йўлига кадамни солиб,
Бир-бир оти бирла пайки колиб.

Борлиг тўнин эгнидин солиб чуст,
йўклог камарини боглабон руст.

Даврида жихотдин асар йўк,
Унсурдин жисмига хабар йўк.

Не даврида олтидин маосир,
Не жисмида тўртдин аносир.

Тан бирла бориб, вале борур чоғ,
Не ўту не сув, не ел, не туффроғ

Ким, тан анга жондин ортуғ эрди,
Жон икки жахондин ортуғ эрди.

Солиб ўзин анда бехудона,

Ўздин чикибон бўлуб равона.

Колиб ўзи, ул ўзида колмай,
Солиб ўзину ўзини солмай.

Бир ерга етибки, акл етмас,
Ул важх ила акл бовар этмас.

Поя топиб анда коба кавсайн,
Дийдор ўлуб анга курратул-айн.

Тун анбари зулфини карортиб,
«Мозог» кўзига сурма тортиб.

Очкоч басарин бу тўтиёдин,
Равшан килибон «ва мо таго»дин.

Чун кўрди бу сурмадин очилди,
Максуд тилаб назора килди.

Фахм эттики жилва килмиш ойин,
Шодурвони жалолу тамкин.

Хак очиб ўз олидин никобин,
Етмиш минг пардаи хижобин,

Чекги ани ул харамга онсиз,
Не жисму не жон, не жисму жонсиз.

Кўргач ўзин ул харамда махрам,
Махв ўлди бу махрам, ул харам хам.

Чун ёр кошинда бор топти.
Ўзни тилагонча ёр топти.

Ўзни чу кўруб арода нобуд,
Изхор этиб ўзга арзи максуд.

Хакдин неки фахм этиб хитобин,
Хам хак сўзидин топиб жавобин,

Хак хар не ато килиб насиби,
Хам хак билибу билиб хабиби.

Хар неки алардин ўзга агёр,
Балким йўк алардин ўзга дайёр.

Бал келди алар демак хатодин,
Иснайният чикиб ародин.

Айлаб ўз-ўзига арзи максуд,
Максуди бўлуб ўзида мавжуд.

Уммат ёзугин тилаб тамомий,
Топиб тилагонни улча коми.

Харнеки тилаб хужаста сойил,
Бўлмай нема тоимогига хойил.

Хар неча талаб килиб фузунрок,
Истардин ани топиб бурунрок.

Топкоч неки ҳақдин истаб они,
Авд айлади мохи осмоний

Юз кўйди бу коргахга пур жўш,
Беҳуш ва лек юз жахон хуш.

Ой бордию келди меҳри рахшон,
Дур бордию келди баҳри Уммон.

Борурда эду чу дастаи вард,
Чун келди баҳори нозпарвард.

Хак лутфидин илгида бароти,
Мазмуни бори улус нажоти.

Хат жайбида афв хомасидин,
Эл махласи накш номасидин,

Бориб келури бўлуб ики гом,
Кай бир бурун эрканида ибхом.

Эй гамзада калблар давоси,
Мотамзада жисмлар шифоси.

Хар ишки гирих калиди сендин,
Хар кимдаки бийм — умеди сендин.

Мен хастаки хору зор эрурмен,
Лутфунгдин умедвор эрурмен.

Элга назаринг чу чорарасдур,

Мен хастага бир кўз учи басдур,

Бахри караминг чу бўлди маълум,
Бир катрадин этма бизни махрум.

V

Сўз гавхари васфидаким, гавхар сўзи анинг қошида гавхар олида бир катра сувдек бўла олгай, бир неча сўз сурмок ва Ганжа хаками таърифидаким, ганжи Корун анинг «Панж ганжи» қошида ганж олида вайронадек кўрунгай — ганжфишонлик килмок ва Хинд сохириниким, Кашмир жодулари анинг олида ип эша олмаслар — анинг гавхари силкига тортмок ва ўз назмининг чурук риштасин ва узук торин хам аларга уламок

Улдамки йўк эрди буду нобуд,
Маъдум эди эмди харне мавжуд,

Хак кавнга солмамиш эди пай,
«Коналлоху ламякун маах шай».

Аввалги насими офариниш,
Ким килди вужуд сори жунбиш.

Инсоф ила хар киши солур кўз,
Англаз сўз эдию мунда йўк сўз,

Ким бўлди чу амри «кун» хувайдо,
Бўлди «фаякун» гулуси пайдо.

Бас аввалги садо сўз ўлгай,
Хар савтка ибтидо сўз ўлгай

Эй сўз, не бало ажаб гухарсен,
Гавхар неки, бахру мавжварсен.

Ул бахрки, мунча накши дилкаш,
Бир мавж ила айлади мунаккаш.

Ер каърию токи чарх авжи,
Мажмуи анинг бурунки мавжи.

Дерлар сени дур, савоб эмас бу,
Сен жавхари руху дур курук сувб,

Демакки санга шабих эрур дур,
Ул навъдурурки, дурга мўлдур ,

Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб курумас хизона сен-сен.

Олам эли зарра йигса жовид,
Нурини кам айлагайму хуршид.

Игна учи бирла жазб этиб нам,
Ким бахр суйини айлагай кам.

Хам кадру атода бахри афлок,
Хам лутфу бахода гавхари иок.

Хома била улкн сепи сизди,
Гавхарни каро ипакка тизди.

Тил зикринг ила чу топти таржих,
Тишлар анга бўлди инжу тасбих .

Бу тил била кимса тоимади ком,
Жуз ганж фишони Ганжа ором.

Айвони шараф нухуфта ганжи,
Мизони лут(у)ф хизона санжи.

Маъни дирамига сиккапардоз,
Узлат харамиди махрами роз.

Сарриштаи диккати гирихнок,
Хар бир гирихида юз дури пок.

Ганжинаи фикри гавхар ойин,
Андин бори халк ўлуб гухарчин.

Кўнгли садафи бўлуб гухаррез.
Килки камиши доги шакаррез.

Вахдат гухарин элига олгон,
Узлат камарин белига чолгон.

Маъни харамин мусаххар этган,
Сўз бикрини гарки зевар этган.

Хам Тури фазилат узра Мусо,
Хам Кофи каноат узра Анко.

Мусо змас эрса килки ногу

Жавфи аро музмар этти жоду.

Анко гар эмас недин хамиша,
Сўз Кофида узлат этти пеша.

Назм ахлининг афсахул-каломи,
Сўз дуррига мунтазим Низомий.

Ул Ганжада ганждек нихони,
Беш ганж кўюб, вале нишони.

Хар ганжида сайрафийи идрок,
Хадсиз топибон жавохири пок.

Хар жавхари мулклар хирожи,
Шахларнинг зебу фарри тожи.

Маъни дуридин бу ганж кисми,
Алфозу иборати тилисми.

Улким кўли очса оханин диз,
Лекин бу тилисм очарга ожиз.

Кўргач бу тилисм сохири Хинд,
Жодулиг ишида мохири Хинд.

Кнлки учи сафхага фусунрез,
Ул сафха жахонга фитнаангез.

Хар сафхаи назми гохи тахрир,
Фитна аро бир саводи Кашмир .

Хар нукта бу сафхада балое,
Рухсор уза холи дилрабое.

Хам хатлари шохрохи Бобул.
Хам килкида жавф чохи Бобул .

Хам сохири хомаси фусунсоз,
Хам жодуви табъи сихрпардоз.

Айлаб бу тилисмона ожиз,
Сохир нетгай чу кўрди муъжиз.

Кочмай вале ўйлаким забуне
Ул хам килиб ўтруда фусуне.

Беш калъаки барча эрди хоро,
Беш махфи ганжи ошкоро.

Ўтруларида тугатди беш каср,
Ким хар бири келди зийнати аср.

Хам тошида накши дилкаш этти,
Хам ичларини мунаккаш этти.

Эъжоз ила сихр аро тафовут,
Бор ончаки Каъба оллида бут.

Лекин бут ўлуб эмас жамоди,
Йўйгон ани бутгар устоди.

Бор ул бут гулрухи париваш,
Савдосида юз хирад мушавваш.

Бори бошига тушуб хавойи,
Ул ўтруда урди дасту пойи.

Тенглик анга худ гумон эмастур,
Чун яхшидурур, ёмон эмастур.

Чун етти бу базмгахга Ашраф,
Бўлди ўзи хўрдига мушарраф.

Менким бу тараф гузор килдим,
Бу ранжни ихтиёр килдим.

Аввалда кўп айладим таамул,
То кўнглума кирди бу тахайюл

Ким, Ганжада ганжлар ёшургон,
Хар ганжигаким ясади кўргон.

Ё хинд нажоди хиндувийзод
Ким, касрларини килди обод.

Хам калъа учун керакдурур шахр,
Хам касрга богусабзадин бахр.

Бўлса менга фурсат ул кадар чоғ
Ким, шахр ила тарх солибон бог.

Богини риёзи хуррам этсам,

Шахрини саводи аъзам этсам.

Бу навъ эди доимо хаёлим,
То бўлди казодин ул мажолим.

Ким, икки бурунгига кўюб гом,
Ком ўлди манга раво саранжом.

Эмдики учунчи номаи дард,
Килди мени аклу хушдин фард.

Уммедки бу яна ики хам
Ким, эрмас ики бурунгидин кам.

Яъни хам онингки «Панж ганжи»,
Хам сўнгра мунунгки ганжи панжи.

Айтилгон икиси бетааммул,
Ул навъки айладим тахайюл.

Бўлгай бу муродга кушодим,
Етгай бу кушоддин муродим.

Бу комга етмайин не тадбир,
Чун мултафит ўлди холима пир.

VI

Валоят сипехрининг ахтари жахонтоби ва хидоят маъданининг гавхари сероби ва назм авжининг меҳри фалак эҳтишоми ва маоний жомининг ринди софий ошоми яъни Мавлоно Нуриддин Абдурахмон Жомий мадхида нукта сурмак ва анинг дурди жомин сумурмак

Сўз гулшанининг шугуфта варди,
Илм оятининг варакнаварди.

Кадрига ул авж узра поя
Ким, меҳр тутуб тагида соя.

Наълайнидин айлабон малак хал,
Суртарга судоъ бўлса сандал.

Хамдинки, асоси бошида тоб,
Чекмакка ики жахонни куллоб

Нўгида санин айлагач кин,

Кўр айлаб дев ила шаётин.

Юз донаки субхаси аро кайд,
Юз файз кушини айлабон сайд.

Ул торки доналар белига,
Бил хабли матинб жахон элига.

Ибрики вузуси бахри гардун,
Хар катраки томса дурри макнун

Лўла анга файзи жовидоний,
Андин окиб оби зипдагопий

Каъби ери давраи иродат,
Давр ахлига халкаи саодат.

Сажжода масжидида мехроб,
Каъба уйига кирарга абвоб.

Мехроби уза ёзилгон оллох,
Эвнинг ияси ишида огох.

Бошига чу билса сажда чогин,
«Хе» даврасидин сунуб аёгин.

Бал саждада жисми чун топиб хам,
Айлаб ани «хе» хамига мудгам.

Хар саждада хакка бўйла восил,
Не сажда доги бу васл хосил

Чолиб фалак узра кўси рифъат,
Айтиб малак ичра дарси химмат.

Сочиб лакаби жахон аро нур,
Зоти била нурун ало-нур.

Абдурахмондин оти номий,
Лекин топиб иштихор Жомий.

Эй илм юзига машъалафруз,
Файз ойинасига сайкаландуз.

Эй борча сулук ичинда муртоз,
Фойиз санга файзи бирла файёз.

Чун илминг бахрига тушуб мавж,
Бу етти хубоб уза тутуб авж.

Хомангдин дурри маъни окиб,
Сўз силкига нуткунг они токиб.

Килкинг жавфида сайр этиб ул,
Ул нову бу дур хиромига йўл.

Ул йўл аро корвони маъни,
Балким келибон жахони маъни.

Чун хавфдин айлабон кадам фард,
Олам юзида бўлуб жахонгард.

Яъни тутубон жахон юзини,
Бал арсаи осмон юзини.

Хам назминг насрдек келиб хуб,
Хам насринг назмдек дилошуб.

Бу назминг ила насринг сипохи,
Олам юзини тутуб камохи.

Гар «Хамса»ни этмай мураттаб,
Килкинг яна сўз килиб мураккаб.

Улдамки хороши хома килдинг,
Ўзга нима накши нома килдинг.

Лекин киши бўлса фикратандеш,
Ул ганжга хам эрур адад беш.

Чун «Силсила» айладинг хувайдо,
Юз аклни килдинг анда шайдо.

Чун «Тухфа»ни эл балоси эттинг,
Жон тухфаларин фидоси эттинг.

Чун «Субха»ни килкинг этти тавзих,
Солдинг малак ичра зикри тасбих.

Чун килдинг «Ахсанул-касас» фан,
Ул кисса улуска бўлди ахсан.

«Девон»иики айладинг мухайё,

Сочти бошига гухар сурайё.

Кўргуздунг тортмай гаму ранж,
Беш ганжларига бўйла беш ганж.

Назмнинг сифати баёндин ортук,
Насрингники дермен ондин ортук.

То нукта улуска ком бўлгай,
Файзи анингэлга ом бўлгай.

Файзинг била бахраманд олам,
Олам эли поймоли мен хам.

VII

Ул шох мадхидаким, Чин ва Хинд шохлари харакатдин муарро ва фалаки фарзинрав саркашликдин мубарродурур ва кўкбўз ашхаби оти олида бир пиёдарав анинг арсаи базмида шатранж шохларидек пили хамул пиллардек остонига рух кўюб сипехри тездав ва Бахром камар ноचाхи била

Чун ёварим ўлди бахти фаррух,
Кўйди манга фатх ила зафар рух.

Химмат тутубон Жунайди соний .
Очтим бу хазойини маоний.

Бор эрди чу кездим анда бебок,
Олам-олам жавохири пок,

Олдим бу жавохири саминдин,
Софий дуру лаъли оташиндин.

Жайбу этагимни айладим кон,
Йўк эрди кўтармак ўзга имкон,

Андин чиктим чу шоду хуррам,
Кўйнум тўла, жайб хам, этак хам.

Теграмда хужум этиб халойпк,
Меп кимса тилаб ул ишга лойик

Ким, арсаи базми ичра этсам,
Борини анинг нисори этсам.

Чун ёр эди бахти жовидона,
Тортар эди мени беҳудона.

То элтти бир хужаста манзил,
Хар навъ мурод анда хосил,

Жаннат киби анда базмгохе,
Тахт устида бир хужаста шохе,

Бахт айттиким, этак, қўюн оч.
Шах боши уза овуч-овуч соч.

Чун сочмогини шиор килдим,
Бору йўкини ннсор килдим,

Дедимки, билай не шох эрур бу,
Не арсаи боргоҳ эрур бу.

Бор эди шахи сипехр тамкин,
Яъники, муиззи давлату дин.

Дин нусратининг алам тироzi,
Яъни Султон Хусайни гози .

Шаънида нузул ояти шаръ,
Адли бўлубон химояти шаръ.

Дин илмининг андин интизоми,
Исломга пок зоти хомий.

Ислом алифи анга ливо бил,
Син кунгири касри аршсо бил.

Хам лом ливога зулфи пур хам,
Бу каср сутуни сўнг алиф хам.

Мимин килибон асо назири,
Мусодек иш ўлса дастгири.

Мусо киби ҳақ ишига маъмур,
Тахти ислом анга келиб Тур.

Бу Тур уза топкали тасалли,
Ҳақ хар нафас айлабон тажалли.

Кўкса анга тахтдин танаффуру,

Хак даргахи туфроги тахассур.

Олам уза шох зоти поки,
Дарвеш замири дардноки.

Пили фалак оллидин гурезон,
Пашша пари синса ашкрезон.

Шер узра киличи барк чокиб,
Мӯр ўлса шикаста ёши окиб.

Тиги гар этиб фано жахонни,
Хулки тузотиб яна жахонни.

Шахлар аро ўрни токи афлок,
Дарвешлар оллида овуч хок.

Кибр ахли кошида арши аъзам,
Фақр ахли кошида заррадин кам.

Дарвеш десам улус уза шох,
Шох дарвеш боракаллох!

Десамки, эрур сахо анга фан,
Демаклик эрур куёш равшан.

Десам бордур жаноби аъло,
Гардунни демак дурур муалло.

Умр этмай илм касбига сарф,
Бокмай варақ узра харф-бархарф.

Лекин зихни борин килиб хал,
Ул янглигим, набийи мурсале.

Хар илмда бир кишики аълам,
Етгач оча олмай олида дам.

Олам аро илм илмидиндур,
Дин илми фикх эрур яқиндур .

Базми аро хар фақиҳи мохир,
Бир масъала килди эрса зохир,

Юз шубха килиб бори муважжах,
Ким, нокил эмас биридин огах.

Чун масъалагў колиб муаттал,
Уз шубхаларин ўзи килиб хал.

Ул деб не ўкуб варақда мутлак,
Бу деб неки кўнглига солиб хак.

Чун масъала бобида сочиб дур,
Юз мужтахид айлабон тахайюр,

Хар ердаки ул дебон масойил,
Андин фукахо ёзиб расойил.

Кўнглига масойил онча маълум
Ким, бўлмаи юз кутубда маркум:

Кўшиш била они ёд тутмай,
Бир катлаки эшитиб унутмай.

Хар нуктаки кўргузуб вузухин,
Шод айлаб Абу Ханкфа рухин

йўк фикх факат хадису тафсир.
Хар кайдаки, дахл килди бир-бир,

Харёнки таважжух этти-етти,
Андокки керак такаллуМ этти.

Кўнглиники, шаръ бўлуб мупаззах,
Хайроти била улус мураффах.

Хар сори бино килиб масожид,
Одамча малойик анда сожид.

Ёлгуз демайинки киблагахлар,
Фақр ахлига турфа хонакахлар.

Хар шарбат аёги жоми Жамшед,
Хар садка фатири курси хуршед.

Маргуб гизо еб анда мухтож,
Матбуъ либос олиб ялангоч.

Хар йўлдаки офат эхтимоли,
Гардунга чекиб работи олий.

Бори сафар ахлига панох ул,

Хориб етганга такъя гох ул.

Чун топти мусофир анда ором,
Оч ўлса таому кирса хаммом.

Мулкида каёнки, эл хироми,
Сахройи адам тутуб хароми,

Чун жазм килиб бу ишни тожир,
Суд истаю мулкидин мухожир

Манзил килур ўлса тог уза бог,
Тамгодин кўнгли ичра йўк дог.

Дилхох ила тоимаса харидор
Колосини килмайин падидор,

Гар йигса бериб кумошига печ,
Таклиф эта олмайин киши хеч.

Шахр ичида хожавор жавлон
Айлаб не саломию не хавлон.

Тожир бу сифат яна раоё,
Бир нафъ фарог этиб мухайё

Ким, хар бири ўз ишига машгул,
Хосил килиб улча коми махсул.

Дона тутубон жахон юзин жум,
Ул навъки кўк юзини анжум.

Бугдой била арпа берса сойил,
Бўлмай агар унжу бўлса мойил.

Донага гадой майл килмай,
Бал шахрда бир гадо топилмай.

Бу амн ила адли бенихоят
Шахр ахлига боиси кифоят.

Хар судки бехасорат айлаб,
Бўстону саро иморат айлаб,

Ул элгаки дашт соридур майл,
Турку арабу булужу хар хайл,

Лола киби зохир айлабон кўрк,
Эгри кўюбон кизил тери бўрк,

Кўйга бўридин бўлуб амонлик,
Кўйчи ити бирла посбонлик.

Десам бу деганча ўну гар юз,
Мингдин бир эмас бу сўзни бил туз.

Бу турфаки ул жахон худованд,
Юз мунчага хам эмас ризоманд.

Ерабки, бер улча коми онинг

Олам юзин эт тамоми онинг.

Бўлмокка жахонда адлу доди,
Мундин доги кўп эса муроди,

Андокки тилар муяссар айла,
Оламни анга мусаххар айла.

VIII

Хилофат тахтига зеб ила зайн ва салтанат шахсига курратул-айн, яъни Султон Бадиуз-замон Баходир иби Абулгози Султон Хусайн Баходирхон «халладаллоху таоло мулкахумо ва султонахумо еа авзаха алал-оламина биррахумо ва эхсонахумо» хазратида ниёз арзи

Ким бахри сифотин этса идрок,
Тонг йўк сифат айласа дурин пок.

Гардун сўзин айлаган шимора,
Хуршед хадисидин нечора.

Гулшан сифатин дегонга бир-бир,
Гул васфин этарга кайда тадбир.

Айтилди чу шох учун саное,
Шахзодага хам керак дуое.

Шахзода неким, шаху шаханшоҳ,
Шахлар эшигида хоки даргоҳ.

Хам кишвари адл тоза боги,
Хам салтанат авжининг чароги,

Шахлиг чаманида сарви гулчехр
Адлу эхсон сипехрида мехр.

Олам эли ичра кахрамон ул,
Яъники, Вадиуз-замон ул.

Гар оти ўлуб замон бадии.
Зоти келиб инсу жон бадии.

Аллох, Аллох, не от эрур бу,
Не поку хужаста зот эрур бу.

Андокки малакваш ўлди зоти,
Келди малакий бори сифоти.

Жуди илойида тўккуз афлок,
Афлок кошида тўдан хок.

Ройи жанбида мехри анвар,
Мехр оллида заррадек мухаккар,

Адли ёрутуб жахопни жовид,
Ул адл бошида айни хуршед.

Чун кахри шарори кўкка рожиъ,
Ул шин уза нукта насри вокиъ.

Якрони бўлуб чу чарх паймой.
Нун ўрнига наъл анга янги ой.

Кин вактикн очилиб каманди,
Дол ўрнига фатх зулфи банди.

Ўки юнги шахпари малакдин,
Откоч ўтубон тўкуз фалакдин,

Чавгонга4 чу килса азми майдон,
Майдон аро килса майли чавгон.

Чавгони боши хилоли тоби,
Дафта анга хайати шихоби.

Майдон фалак этгали таку пўй,
Анжум талашиб бўлур учун гўй.

Хар кайсига текса савлажони,

Кадр ўткарибон фалакдин они.

Рамз ичра китоли умр фарсо,
Базм ичра жамоли олам оро.

Базмида сипехр хони мину,
Ул хонда нужум курси лиму.

Хунёгару нагмасоз Нохид,
Лекин даф анинг кўлида хуршед.

Тахтики келиб сипехр соя,
Чикмогига неча меҳр поя.

Хар пояки келди меҳр ё бадр,
Топиб бориб пойбўсидин кадр.

Бу поя била ясалгач ул тахт,
Тахт устида хусрави жавонбахт

Эгри кўюбон боши уза тож,
Юз тожвар итларига мухтож.

Кўлларин ковуштуруб йирокдин,
Фармониға мунтазир кирокдин.

Ўлтур, деб ангаки бўлса фармон
Ким, йўк анга мундин ўзга армон.

Бош ерга кўюб сано демакдин,
Турфа буки бош ўтуб фалакдин,

Базмида бу навъ дўш-бардўш,
Шахлар бори ёндашиб кадах нўш.

Сокийлари хур ё паридек
Кўк даврида меҳри ховаридек.

Май кимга тутуб бу навъ сокий,
Колмай анга аклу хуш бокий.

Май дема, зулоли зиндагоний,
Сокийси хаёти жовидоний.

Шахким ичиб ул майи равонбахш,
Базм ичра бўлуб хадиси жонбахш.

Гах сўз била элга жон багишлаб,
Бир сўз била гах жахон багишлаб,

То бўлгусидур жахон шохи,
Офоти замон учун панохи.

Хам шох жахон панох бўлсун,
Хам ахли жахонга шох бўлсун.

IX

Ул тун махобати таърифидаким, савдойи ишк аждахоси дами ўтининг бухори ва анжуми ул олам сўз ўтининг шарори эрди ва мундок тунда хаёл мусофири савдо адхамига миниб, хар ён азм этмок ва ишкнинг юз офатлик даштига етмок ва офат ёгинларидин бало тўфонига колмок ва бало чокинлари анинг жонига шавк ва мухаббат харорати солмок ва ишк дури шабчарогин ул кеча тоимок ва ул шамъи хидоят била сўз майдони жавлонига чоимок ва Лайли хаёли била кўрушмок ва Мажнун савдосига тушмок.

Утган кечаким сипехри пурфан,
Нур устига бўлди зулмат афган.

Дахр узра эсиб насими шабгир,
Кўк жавфи аро сочар эди кир.

Мен гунбази киргунда махбус,
Ул кир этибон эшикни мадрус.

Даврон уза абри кир монанд,
Тун кири юзига кир пайванд.

Жисмим бўлубон бу кир асири,
Кўнглумга макар сипехр кири .

Маркаб анга тавсани тахайюл,
Хар ён чопар эрди бетааммул.

Шабранги жахонда кўп югурди,
Чун барри арабка етти, турди

Ким, топти машоми ишкдин бўй,
Тарк этти, бу бўй ила таку пўй .

Чун водийи ишк топти манзил,
Утмаклиги мушкил эрди, мушкил.

Рокибга доги даранг бўлди,

Маркабнинг аёги ланг бўлди.

Хам сарсари ох этиб хаво
фош Юммай тўкар эрди хам булут ёш.

Яъни эсар эрди ел доги тез,
Ёмгур доги эрди вахштангез.

Тун тппралиги демакдин ортук
Кўзни юмуб истаган ёруглук.

Гах Тур уза ламъа кўргузуб барк,
Андок ёрубонкн, мехрдин шарк.

Ё Мусо этиб аён тамаино,
ак Тур уза айлабон тажалло,

Ул навъки Туру сохиби
Тур Бўлгон киби гарки лужжаи нур.

Гах Ясриб уза бу барк иниб тез
Зулматка ашиъаси зиёрез.

Андокки расули Хошимийкеш,
Хажр ичра чу бўлди вуслат андеш

Меърож тунпки авж тутти,
Юз ламъасидин жахон ёрутти.

Чун баркваш ўлди осмондав,
Ясрибка бу барки солди партав.

Гах кудс уза ул чокин сочиб нур,
Туп мушкига тўкар эрди кофур.

Андокки Халил ўтин замонаб,
Чектургай дуд аро забона.

Ё ўтка борурда барк кирдор,
Намруд юзига солиб анвор.

Хар лахза аён бўлуб Ямандин,
Ташлар эди оташин камандин.

Андокки Сухайл9 бўлса толиъ,
Бўлгай кара тун Яманга ломиъ,

Йўк, йўкки, Увайс кўнгли тоби,
Килгай кора тунни мохтоби.

Гах солиб Абукубайс уза тоб,
Андин бўлубон харам сафоёб.

Ё нур бўлуб харамга нозил,
Ул тог уза хам ёруб манозил.

Гохи Изам узра ламъа афган,

Шох узра печукки нори айман .

Андокки салам ёгочларин дур,
Зийнат бергай аён этиб нур.

Гах Наждн уза ўт чокиб жахонга,
Шуъла чекиб ул ўт осмонга.

Хнжрон кора шоми зору махзун.
Чеккан киби ўтлук ох Мажнун.

Гах Шом уза чатри бемадоро,
Субх айлабон анда ошкоро.

Андокки килиб карашма майли,
Зулф ичра жамолин очса Лайли.

Секрир эди ул чокип паёпай,
Андин кўрунуб кабилаву хай.

Йўкким чокилурда бетааммул,
Юз хайю кабилапи килиб кул.

Бўлгон сойи барк нур паррон,
Харён кўрунуб сибои даррон.

Коплон била бабру шери хунрез,
Кон тўккали чанглар килиб тез.

Ушшок таники бўлди туфрок,
Харён кўрунуб сўнгаклари ок.

Сўксўк кибиким чу бўлди пуда,
Ёткан ёзи узра тўда-тўда .

Кун ганжин итуруб аждахолар,
Тун хайли келиб каро балолар.

Ёгин демаким булут адувдек,
Пайкон тўкуб элга катра сувдек,

Хар сори каро булутка жунбуш,
Айлаб кора девдек гурунбуш.

Хардамки бўлуб алар мисоси,
Кўк токини дарз этиб садоси.

Окшом дема зулмати махофат,
Жон касдига харсари юз офат.

Хайратда мусофири сабукпай,
Бўлмай оёгида бир кадам тай.

Худ кайда кадам урар мажоли,
Ул бир нимаким йўк эхтимоли.

Юз офат ичинда жон овучлаб,
Минг махлакадин ннхон овучлаб.

Кўймай анга хавфу заъф гах тоб,
Ул тор кибики кўрса махтоб.

Не акл анинг рафики не хуш,
Бежон ва гар ўлса жони, бехуш.

Юз катла кечиб рамида жондин,
Оханги рахил этиб жахондин.

Офатдин очмай икки кўзни,
То чекти сахарга тегру ўзни.

Тонг ели чу тун кулин супурди,
Мехнат булутини доги сурди.

Бетоб мусофири рамида,
Бир лахзаи бўлди орамида.

Деб ўзигаким: «Эрур бу тунму?
Ё дашти балода тийра кунму?

Мунчаму бўлур жахопда офат,

Харён кадам урса анда офат?

Не водий экин бу тийра водий
Ким дам йўлини тутар саводи».

Ул бўлмайин ушбу ишта вокиф Ким,
килди нидо хужаста хотиф.

Ким: «Келди бу дашт— ишк дашти,
Жон офати келди саргузашти.

Хар баркки кўрдунг озари ишк,
Хар ламъаси барки ханжари ишк.

Хар тинра сахоб зулмат андуд,
Гардун уза ишк ўтидин дуд.

Ёмгур дема, катраи бахорон,
Ишк айлабон анда тийрборон.

Дарраида сибоъким солиб шўр.
Бу даштда хар тараф ушоғ мўр.

Аждар келиб ул фазода ноле,
Шери яла мўри хаста холе.

Киш олдоротиб хумуми элни,
Ёз элпоротиб самуми елни.

Офат алифи киби тиконлар,
Лоласида ишкдин тугонлар.

Кимса бўла олмай анда сокин,
Сокин пеки, йўк мурури мумкин.

Жуз бир кишиким сипехри булбод
Билмас яна бир апинг киби ёд.

Гам туфроги суйидин сиришти,
Ишк ўтию ели сарнавишти.

Саргаштау пўягар ниҳод ул,
Гам бодиясида гирдбод ул.

Жисмида аносири мураттаб

Ким, айлади пайкарин мураккаб.

Хам тупроги дард кўйидин гард,
Хам суйи зулоли чашмаи дард.

Хам елнга кисм сарсари ох,
Хам ўти самуми ишки жонкох.

Вайрон тани гам куши макони,
Сингон боши хам куш ошони.

Савдо тутунига сочи монанд,
Хар тори жунун аёгига банд.

Ишк ичра жунун анинг сифоти,
Мажнун дейилиб жахонда оти.

Бу дашт анга макому маскан,
Ўти гулу хори дашти гулшан.

Бир нодира ишки мубталоси,
Не нодираким жахон балоси.

Андин ажаму араб аламда,
Йўк мисли Араб била Ажамда .

Ишк ичра нечукки ул ягона,
Бу — хуснда офати замона.

Афсоналари жахонда номий,
Назм айлаб Хусраву Низомий.

Ким, ишк сўзин ривоят айлаб,
Хам бу икидин хикоят айлаб.

Андокки бўлуб демакка майли,
Назм авжининг ахтари Сухайли

Ким, холати пазм аро эрур фард,
Дурпош баёни назм парвард.

Хусрав рухига еткуруб шайн
Лекин яна бирга қурратул-айн.

Харнеча килиб бирига бедод,
Рухий яка бирнинг айлабон шод.

Чун сурмиш килки дурфишонни,
Тахрир этмиш бу дostonни.

Максудки буйла турфа максуд,
Йўк дахр сахифасида мавжуд.

Бу хайлки бу дам ўлди маълум Ким,
айладилар бу кисса манзум.

Бу даштка килмайин гузар ҳеч
Тоимай бу балийядин хабар ҳеч.

Эшитган ила авомдин сўз,
Ё ровийи нотаомдин сўз

Бу киссага онча бердилар зеб Ким,
бўлмас васфи ичра сўз деб.

Сенким бўлубон сипехр ёринг,
Бу бодияга тушуб гузоринг.

Билдинг анга хол не экандур,
Андуху малол не экандур.

Мунда етиб ул кишики ёнгай,
Не дегаю, деса ким инонгай.

Менким отим ўлди ходийи ишк,
Маскан манга ушбу водийи ишк.

Айтай Мажнун сўзин санга рост,
Лайли гами ичра бекаму кост».

Бу сўз дебон этти кисса оғоз,
Охиргача бўлди нукта пардоз

Ким, буйлау, буйла холи онинг,
Андуху гаму малоли онинг.

«Чун киссани англадинг равон бўл,
Сунгил вараку калам сори кўл.

Сендин ракам айламак хикоят,
Биздин санга сўз сори хидоят.

Сабт айламасанг аларча рангин,

Маъниси дакику лафзи ширин.

Лек ўлгуси дарду сўзи кўпрак,
Хангомаи дилфуруғи кўпрак.

Ул ён гулу сунбул ўлса мавжуд,
Сен ўт ёккунг аён килиб дуд.

Кўрсанг ул ён дури ягона,
Сен килгунг кўз ёшини дона.

Бўлса ул ён сарви дилхох,
Бўлгуси буён фиғон била1 ох».

Чун ишк хаволасини билди,
Сидки дил ила кабул килди.

Жонига етишти завку холат.
Рафъ ўлди бори гаму малолат.

Сўз дерга белини боғлабон руст,
Ул маркаби узра секриди чуст.

Еткурди чу хужрага икомат,
Муаззин чекти салойи комат.

Чун килдим адойи фарзи бори,
Кўл борди давоту хома сори.

Ул навъки хотиф этти иршод,
Мен хам килдим фасона бупёд.

Х

Кайснинг адам мажлисидин кутулуб, вужуд махдига тутулгони ва кон ютмоқдин хўриш ва ишк доясидин парвариш топкони ва ишк зоти чошнисидин эл кўзига ширин ва дарди азалий хароратидин халойик назарига исиг кўрунғони

Бу силсила халкасида дилгир,
Бу навъ чекар садойи занжир.

Ким, барри Арабда комрони,

Бор эрди Арабка хукмрони.

Махкуми анинг неча кабила,
Икболига пстабон васила.

Бечора улуска чорасоз ул,
Хон густару, мсхмоннавоз ул.

Осмокдин анинг козони тушмай,
Тун-кун ўти ўчгали ёвушмай,

Ким бодия ичра йўл килиб гум,.
Бу ўт анга тийра окшом анжум

Дониш анга касбу жуд пеша,
Дониш била жуд этиб хамеша.

Оту теvasи хисоб ила жуп,
Кўю кўзиси хисобдин кўп.

Айлаб ани умри суръагойин,
Бир ёш йўкидин асру гамгин.

Моли кўпу, умри суcт пайванд,
Фарзандга эрди орзуманд.

Ким, эскирибон хаёти рахти,
Майл этса йикилгали дарахти

Нахл бўлгай ёпида навбар,
Раънолиги ўйлаким санавбар .

Итгач шажари баланд поя,
Солган бошига бу нахл соя.

Яъни дури бўлса гум садафдин
Хайли ёругай дури халафдин.

Бўтроткали молини хаводис,
Кўймагай агар бор ўлса ворис.

Умрига уёкса мехри ховар,
Туккон эса ёна мехри анвар.

Ул мсхр чу иртифоъ туткай,
Мажмуи кабиласин ёруткай.

Гофилки, куруди чун гулистон,
Гулбонг этмас хазордастонЗ.

Ё гам туни ўчса шамъи апвар,
Парвонадин ўлмас уй мунаввар.

Комингни анингдек эт тахайюл,
Ким, тоимасанг этгасен тахаммул.

Чун тенгрига килди кўп тазарруъ
Топти неким айлади таваккуъ.

Чун коми анинг бор эрди фарзанд,
Берди халафе анга худованд.

Кайси халафи, халифа зоди,
Ишк ахлига киблаи муроди.

Нутфаки бўлуб бу мазхари ишк,
Маъни садафида гавхари ишк.

Тан махзаининг нухуфта сийми,
Жон гулшанининг ёруг насими.

Меҳр ояти олида хувайдо
Маншури вафо юзида пайдо.

Хукм айлади мулки ишк шохи
Ким дахрни мох то бамохи.

Сур ичра ярогласунлар ойин,
Кўк токини богласунлар ойин.

Ул ток уза дарди жовидона,
Чолсун бу тарабда шодиёна.

Гам хайли аро хурўш тушти,
Савдо черикига жўш тушти.

Очти кўзини бало сунуб кўл
Ким, сели балога айлагум йўл.

Бошин силади фироки авбош
Ким, ёгдургум бу бош уза тош.

Юб огзини дард хар ёмондин

Ким, ох ўти кўкка чеккум ондин.

Кўнгли сори ишк бўлди мойил Ким,
йўк манга бўйла пок манзил.

Алқисса атоси топкач ул дур,
Кўп сочти гухар, килиб тафохур.

Кайс анлади ўгли отини бот Ким,
ўз атосига бу эди от.

Хифз айлади они неча доя,
Хар навъ ишидин топарга воя.

Чирмаб япа кишу ос бирла,
Гунча киби юз либос бирла.

Ётқуздилар они махд ичинда,
Гул ёфроги тушти шахд ичинда.

Доя кнби бахт ила саодат,
Алқисса нечукки бўлса одат,

Мардум киби кўзда асраб опи,
Гофил эмас эрдилар замони.

Кўз уйида хифзини килиб фош,
Ким кўз ичида ажаб эмас ёш.

Кўз махди аро тутуб ул ором,
Зарфу мазруф, магзу бодомб.

Кўймас эди теграсидаги эл
Ким, эсгай анинг сори совук ел.

Сут бўғзидин ўтгач-ўк бўлуб кон,
Багри бу бахонадин тўлуб кон.

Махд этмак ила танини раижа,
Тифл эрканида кўрўб шиканжа.

Ерда юруй олмасида бешак,
Варзиш килибон кичикдин эмгак.

Ўт кўрсаки майл этиб нихони,
Ишк ўти тасаввур айлаб они.

Бўлмай гофил дами гаму дард,
Улгайтибон они дард парвард.

Махд ичраки тортибон фиғонлар,
Афғонида дарддин нишонлар.

Бўлгоч тили лафздин хабарлик,
Хар лафзки деб бори асарлик.

Чун айлай бошлади такаллум,
Эл хушин этиб такаллуми гум.

Рухсорида ламъаи малохат,
Гуфторида нашъаи фасохат.

Хар нуктаким ул ривоят айлаб,
Эл кўнгли аро сироят айлаб.

Не килса баён хирадга маъкул,
Бошдин аёги назарда макбул.

Хар сори хабар топиб кабойил,
Кўрмаклингига тилаб васойил.

Атрофдин эл келиб талоша,
Ул нодирани килиб тамоша.

Баъзи юзидин топиб тахайюр,
Баъзи сўзидин килиб тафаккур.

Жондин севиб они бенаволар;
Хар кимки кўруб, килиб дуолар.

Бас тифли ажабки, юз кухан сол
Бўлгайлар васфида анинг лол.

Севмакда ато-ано мувофик,
Маъшук бир эрди икки ошук.

Беҳад эшптиб чу бул ажаб сўз,
Дебким анга тушмасун ёмон кўз.

Жоп пардасичин ёпиб паранди,
Кўз мардумидин сочиб сипанди .

Етгач сши тўрту беш ароси,

Таълим сўзин солиб атоси.

Истатти кабойил ичра пири,
Таълим берурга беназири

Ким, мактаб аро хужаста фарзанд,
Бўлгай бори илмдин баруманд.

Чун илм ила аржуманд бўлгай,
Офок ора сарбаланд бўлгай.

Эй пири муаллиму муаддаб,
Акл ўлди кошингда тифли мактаб.

Бу тифл илигига бир варақ бер,
Лекин манга ишқдин сабак бер!

XI

Кайснинг хирад мактабида улум аврокин эвургони ва ишқ тундбоди етиб, ул аврокни совургони, яъни Лайли хусни гулшанидин заъф хазони канора килиб, сиххат бахори насимидин латофат гуллари очилиб, мактаб азми килгони ва ул гуллардин Кайс кўнгли аёгига ошиқлик тиканлари сончилгони

Сўз дарсини улки берди таълим,
Бу навъ этти фасона таксим.

Ким, Кайсга илм учун мурағгиб,
Хар ён чу тилаттилар муаддиб.

Топплди хунарвар устоде,
Одам ичида малак ниходе.

Лек асру хан ичра эрди побаст,
Дарс ичра топиб каломи пайваст.

Ул турфа кабилада сарафроз,
Хар ишта хай лхлига навосоз.

Шахсе эди бас азим шони.
Рифъатда сипехрдин нишони.

Кахр этса дами самум янглиг,
Хоро илигида мум янглиг.

Хони карамида мехри ховар,

Бир курси фатирдек мухаккар.

Тун атласига чу йўк гарона,
Хайлида бир эски хайлхона.

Ут кахрига бўлмайин хамовард,
Ел хайлидин элта олмайпн гард.

Кўймай гами дахрдин табохи,
Ул элга ихотаи панохи.

Ганжида кўп эрди гавхару дур.
Бир дурдин этиб, вале тафохур.

Бўстонида юз гул эрди худрўй,
Бир гулдин анинг димоги хушбўй

Бир машъал ила кўзи мунаввар Ким,
учкуни эрди меҳри ховар.

Бир шамъ ила хужласи музайян Ким,
чарх уйи андин эрди равшан.

Шамъию не шамъ чашмаи нур,
Нурики ёмон кўз олидин дур.

Нахлию, не нахл, сарви озод,
Сарвию, ие сарв, рашки шамшод.

Ойию, не ой, бадри толиъ.
Бадрию, не бадр, меҳри ломиъ.

Шахд икки лаби, вале ратабнўш,
Бадр икки юзи, вале касабпўш.

Зулфи тунида узори хуршед,
Хуршед уза зулфи шоми уммед.

Не шомки чун очиб саводин,
Кўймай кўнгул ичра субх ёдин.

Бошким кўшиб икки эгма коши,
Хусн ичра икисининг талоши.

Чун вокиф ўлуб бу можарога,
Мушкин хутаба кириб арога.

Чун вусма бернб аларга тазйин,
Минойи ўлуб хилоли мушкин.

Йўкким ики сарви нав дамида,
Хар сори насимидин хамида.

Кўзлар ики шўх кофпри маст,
Хар кайсига бокса уйку хамдаст

Ул сарвлар остида узолиб,
Уйку таманга соя солиб

Мужгон сафининг каро балоси,
Кўзлар уза соянинг кароси.

Йўк сонки тўрт саф чекиб занг,
Мажмуи либоси сурмаи ранг.

Очкучча юмуб кўз ул сипах тез,
Бир-бирга тегиб килурга хунрез.

Дема бу сипахнп хайли хинду,
Чин дашти кийикларига мўнду.

Мушк онча сочиб бу охуни Чин
Ким, айлади мўндуларни мушкин

Юз, равзаи хулддин нишона.
Хол анда фиреб этарга дона.

Ул донага санд ўлуб бир одам,
Бу донага борча ахли олам.

Шахди лабининки коми ширин,
Андин келибон каломи ширин.

Лаълида йигиб захираи жон,
Огзи сўйи анда шираи жон.

Жоп топибон улки ўпса они,
Мундин дебон оби зиндагони.

Хам жон келиб икки лаъли майгун,
Хам тавки закан келиб анга нун.

Бир тоза ниҳоли сарв комат

Ким, жилвасидин солиб киёмат.

Не айб киёмат этса хардам,
Кўрганга етар чу ўзга олам.

Бел риштаи жонп зор янглпг,
Жон иардаси ичра тор янглиг.

Торики ёпиб либоси они,
Жон пардасида бўлуб нихони.

Хам гавхари ришта шуглидин пок,
Хам лаълига йўк газанди хаккок.

Пок эрди нечукки рост даъви,
Бикр эрди нечукки хос маъни.

Йўк икки сочи тунига гоят,
Яъни ики лайли бенихоят.

Андин бўлуб оти жилва орой,
Андокки бароту кадр аро ой.

Кимиики бўлуб демакка майли,
Малфуз ўлмаи багайри Лайли.

Гулдек юз ила бу тоза гулшан,
Айлаб отанинг кўзини равшан.

Бир уй килибон ота мураттаб Ким,
бўлгай ул уй бу ойга мактаб.

Лутф ичра нечукки хиргахи мох,
Сокин бўлуб анда мохи хиргох.

Уйни ёрутуб дабири мазкур,
Таълим олибон фариштадин хур.

Атфол тутуб ул уй ичин жум,
Кўк хиргахини нечукки анжум.

Ул хайл аро мохи мажлис орой,
Андокки нужум аросида ой.

Чун Кайс сўзи дейилмиш эрди Ким,
волиди фикр килмиш эрди.

Устодга килмок они таслим,
То килгай анга улум таълим.

Йўк эрди кабилаларда мактаб,
Бу мактабдин ўқурга ансаб.

Андокки бўлур арабда маъхуд,
Айлаб неки расм бўлса мавжуд.

Топшурдилар они нуктадонга,
Гавхарни мухити бегаронга.

Чун топти бу навъ гавхари пок,
Бахр ўлди бу завқдин тарабнок.

Соатни чу ихтиёр килди,
Лавх узра сабак нигор килди.

Айлаб анга лавхи сийм таслим,
Филхол этти сабакни таълим.

Таълимига белни чуст килди,
Не ул деди, бу дуруст килди.

Хар неча сабак дебон фузунрок,
Гўёки билиб эди бурунрок.

Хамдарслари бу холатидин,
Ожиз эдилар хижолатидин.

Бир кун эди хам сабакка хам так,
Икинчи кун ўтмиш эрди бешак.

Куп бор эдиким беш-ўн сабакни,
Англаб эвурур эди варақни.

Оз вақтда айлади замона,
Они бори илм аро ягона.

Ул вақтки ул замона фарди
Мактабга келурни бошлаб эрди.

Лайли демай, ул бути паризод,
Бир ориза бирла эрди ношод.

Табъида куёш киби харорат,

Айшига солиб эди марорат .

Хар табъки зоти ўлса махрур,
Оз хиркат этар танини ранжур.

Зорики ўчук ёнор чароги,
Бот ўртанур ортук ўлса ёғи.

Кун кумни килур неча кизикрок,
Ут ёнса бўлур яна исигрок .

Бор эрди куёш мизожи пори,
Кумнинг хам эсиб насийми хори.

Маргуби эди ратаб била шахд,
Май ичгали хам килур эди жахд.

Шахду, маю табъ ила хаво тўрт,
Чун муштаил ўлди солдилар ўрт.

Жисмипки бор эрди ёсимин гул,
Хуммо килур эрди оташин гул!

Терким гулидан бўлуб равона,
Уйни килибон гулобхона.

Гунча киби хуллаларда ноёб,
Хурда киби ўт анга солиб тоб.

Кам бўлса мизожига харорат.
Титратма килур эди шарорат.

Шамшодига титрамак падидор,
Тонг елидин ўйлаким сапидор.

Чун зилзиля бўлди эрса хора,
Булур нафас ичра пора-пора.

Ул тангаки лутфдин эди гул,
Ел титратурига не тахаммул.

Боши уза жамъ ўлуб ахиббо,
Хозир килур эрдилар атиббо.

Беморга мушкил эрди пархез,
Андокки кўзи килурда хунрез.

Бу хол ила эрди сарви гулхад Ким,
бўлди мизожи заъфи мумтад.

Хар неча сипехр эди хасадгор,
Хам бўлди табиати мададгор.

Заъф ичра табиат ўлса мушфик,
Бехрокки туман табиби хозик!

йўк эрса мнзожидин мувосо.
Жон берса не суд элга Исо

Ким, бўлса табиати муолиж,
Жисмидин этар маразни хориж.

Чун килди табиати мурувват,
Заъф ўлди гуму етишти кувват.

Ер ўлди хакимнинг иложи,
Сиххат сори кўйди юз мизожи.

Майл этти мизожига саломат,
Табъига юз урди истикомат.

Лаъли лаби нўшханд бўлди,
Нахли кадн сарбаланд бўлди.

Май табъпга бўлди ишратангез,
Кон тўкмак учун ушатти пархез.

Бўлди яиа ул узори гулгун,
Хусн ичра бурунгидин хам афзун.

Бир кун эрикиб махи муаддаб,
Тушти бошига хавойи мактаб.

Машшотаи хусни олам оро,
Оройишин этти ошкоро.

Ул хуснки зеби олам эрди,
Зеб устига ёна зеб берди.

Зулфу юзи хад ёнидаги дол,
Фам нуктаси огзи устида хол .

Айлаб юз ўтин ёкорга таъжил,

Гугурд ўти юзда хар тараф нил.

Утдин гул очиб чу гулситонга,
Ул гул била ўт солиб жахонга.

Фарки уза зулфи анбар олуд,
Гулфом ўтига анбарип дуд.

Ораз уза зарварак нигори,
Ул ўту, бу дуднинг шарори.

Юз узраки ўт ёкиб жабини,
Ахгар анга лаъли оташини.

Жодулиги бирла холи хинду,
Лаъли ўтида нихон килиб су,

Йўкким лаби оби зиндагони,
Сув ичра ўт айлабон нихони.

Ул лаъл ўтидин жахонга куймак.
Йўк, йўк не жахонки жонга кунмак.

Утлуг ики кўзи сурмаолуд,
Ул ўтга даги бу сурмадин дуд.

Бу ўтлар ароки орази гарк,
Уртарга жахонни хосилан барк.

Не баркки барки офат ул юз,
Ё борикаи латофат ул юз.

Юз гирдида икди гавхар андок Ким,
ой ила бўлган ахтар андок.

Миъжар сочи узра торп ноёб,
Ул навъки васл шомн махтоб.

Хусн ичра аёгидин боши хўб,
Бошдин аёгига тегру махбуб.

Кўргач бу балойи жовидона,
Кўзголмай найласун замона.

Бу шакл ила ул жахонга ошуб,
Солиб секиз осмонга ошуб.

Кенида неча канизи хамкад,
Борча гул рӯю аргувон хад.

Мактаб сори жилва айлади соз
Боштин аёгига хусн ила ноз,

Ким, еайр ила кўнгли хуррам ўлгай,
Хамдарсларига хамдам ўлгай

Хуррам кўруб они фаррух устод,
Килган бори сарвларни озад.

Кизлар бпла азмп гулшан этгай,
Гулшанни жамоли равшан этгай.

Мактабни ёрутгач ул пари чехр,
Андокки сипехр гунбадин меҳр.

Борча килиб эхтиромин онинг,
Юкори ясаб макомин онинг.

Ход ўлди жзмолидин дабистон
Андокки бахордин гулистон.

Лекин бу бахори зиндагони
Бир нахлия айлади хазони.

Йўк, кўкки тутошти сарбасар ўт,
Боштин аёғ ўлди ул шажар ўт.

Ё шуълаки хар бирига етти,
Эл барги хазон тасаввур этти.

Яъни кўрубон они Кайс махзун,
Рухсорини килди кахрабогун.

Хам чехраси ранги кахрабодек,
Хам кўнглида кўзгалон сабодек.

Хардам йикилурга жисми мойил,
Хусн доги лахза-лахза зойил.

Топиб анга жисми нотавон заъф.
Кўнглнда доги замон-замон заъф

Тағйирназир кўзга холи,

Кўзга неки, хардам ўзга холи.

Чун зўр кетурди ишки бебок,
Аввал кадах олди хушини пок.

Бал май иси бирла маст бўлди,
Гам хайлига зери даст бўлди.

Кўп саъй ўзига килди хамдаст,
То бўлмади ерга соядек паст.

Кўргач хам они нигори зебо,
Ўз кўнглини топти ношикебо.

Нозуклук ила чу килди мафхум,
Ким эрканин этти яхши маълум.

Колмади хавосида карори,
Шавк ўтига тушти жони зори

Онинг доги билди изтиробин,
Ишки ўтидин ичида тобин.

Билдики, гар этмас ишга чора,
Ул хол ўлур элга ошкора.

Эл солсалар нзтироб арога,
Бир навъ тушар хижоб арога,

Ким ёр ўла олмай анда сокин,
Бўлмас дийдор умеди мумкин.

Таъжил ила кўпти луъбати шанг
Ким, бог сори килурбиз оханг.

Атфол доги билиб ганимат,
Онинг била килдилар азимат.

Таклиф этти бути шакарлаб
Ким, хар киши бўлса ахли мактаб:

«Бир кунгина таркн дашт килсун,
Гуллар била бог гашт килсун».

Чун кирди арога бўйла сурат,
Азм айлади Кайс хам зарурат.

Чун Кайс аларга бўлди йўлдош,
Гулшан ичидин чикордилар бош.

Эй гулшани ишк богбони,
Гулгун кадахе кетур замони.

То гулки бу гулшан пчра сочкунг,
Маълум этайин не гуллар очкунг.

XII

Бахор фарроили нафас-нафас эсган насимлар пувламоки била лола чарогин ёрутконда
ва сахоб мушаъбиди лахза-лахза тушган чокин чушкурмокидин тог димогин курутконда
ул кўзин хусн чароги ёруткон ва димогин ишк савдоси курутконининг гулрухлар била бог
тавфига азм этгони ва Лайли хусни гулининг насими димогига етиб бир йўли ўзидин
кетгони

Мехр истади чун хамал фароги,
Дашт узра бутар кўзи кулоги.

Гул шамъи хавойи гулшан айлар,
Гулшанни фуруги равшан айлар.

Тўти бўлурига чарх этар завк,
Ким кавси кузахни айлагай тавк.

Гар тўти ўлурга килмас оханг,
Айлар нега ерни тўтаги ранг.

Ё тўти ўлуб сипехри хазро,
Бўлур айга жўжа фарши габро.

Аъзосидаким бутуб янги пар,
Туткон бори ернн сабзаи тар.

Тун —кунии килур бинафш сизгон,
Кофур ила мушкдин сокизгон.

Сориг гул уза сабухи ёмгур,
Олтун табак ичра кўргузур дур.

Ёхуд яракон⁵ ўтин килиб тез,
Сориг юзига бўлур арак рез,

Марз узра кияр себарга жавшан,
Шашпар кўтарур бошига савсан⁶.

Гунча боши узра кўргузур худ,
Ях тиги килур чаманни падруд.

Мева йигочига сийм ўкулур,
Андокки дирам аро кўмулур.

Илгин кўрубон чинор холи,
Куйдурур ичин дирам хаёли.

Тог багрида сел йўкки, хар тош,
Фарход фирокидин тўкар ёш.

Сахрода не лола бўлса барбод,
Парвез9 кулоҳидин берур ёд.

Хар гунчаи лола хуккан лаъл,
Очилса ливода шуккаи лаъл.

Чун барги тушарга майл килди,
Багри каро дашт уза ёйилди.

Дашт узраки сайр ўлур сабога,
Багри коралар учар хавога.

Сув ичра бипафша хар замони,
Сўна бошидин берур пишони.

ЁШ гунчага истамак бўлуб иш,
Жола тушуб огизга бўлур тиш.

Ё гунчаки кулгусин узотур,
Даврон тоши огзини конотур.

Хар балбалани килур макони,
Турно кўзию тазарв кони.

Наргис олур ўлса бодадин ком,
Норанж терисидин ясар жом.

Насрин барги тўкулса сахбо,
Кўп ёгини айлар ошкоро.

Занбак варақп аро сепар мушк
Ким, атри димогини килур хушк.

Гўё тутулуб шамнми чоги,

Бог ичра бипафшапинг димоги.

Дол ўлди димоги заъфига бу Ким,
шабнам бирла окизур сув.

Шудрун тўкулуб чаман килур фош,
Хашхош гул юзинда хашхош.

Хар кушкина жуфти бирла пуржўш,
Хампар бўлур учса, кўнса хамдўш.

Баргики бўлур йигокча хилъат,
Кушларга бўлур макоми хилват.

Хар хайлки рафъ этиб надамин,
Сахро сори кўйсалар кадамин,

Чун азми шароби ноб этарлар,
Жайран кўзиси кабоб этарлар.

Бу фаслда ул гурухи чолок,
Гулшанга ёйилдилар тарабнок.

Боги эди равзадин пишопа,
Шом ахли ясаб нишотхона.

Хар нахли фалакка тегуруб бош,
Парвин била хўша айлабон фош.

Нажд этагидин чнкиб булоги Ким,
тоза бўлуб бу навъ боги.

Даврон тоши эмди они кўммиш,
Ул чашма сувин кўзини юммиш.

Асхобга майли лолаву бог,
Ул икки ичинда лоладек дог.

Асхобга гунча сори оханг,
Бу ИККИ нечукки гунча дилтанг.

Ишк нчра неча етиб малоли,
Махваш килур эрди забт холи.

Бедилга бу хифз мушкил эрди
Ким, хуш ила акли зойил эрди.

Эл харнеки сўрса фахм килмай,
Фахм этса жавоб дерни билмай.

Ишкин неча айламай дебон фош,
Андин ажаб амрлар уруб бош.

Гах кўзидин окиб ашк ногох,
Гохи чекиб ихтиёрсиз ох.

Ахволида хар замонки тагйир,
Кўнгли гамин айлаб элга тақрир.

Тагйирига топиб они чора
Ким, ёрнга айлагай назора.

Лекин солайин деган назар тез,
Кўнгли ўти тортибон шарар тез.

Боккай деса доги куввати йўк,
Бокмай деса доги токати йўк.

Кўз учи била бокиб чу гохи,
Жондин чекиб андок ўтлуг охи

Ким, бог юзин хазони айлаб,
Кўк баргини заъфарони айлаб.

Махваш килибон назора ногах,
Бўлмокка анинг ўтидин огах.

Хам жисмида печу тобин англаб,
Хам кўнглида изтиробин англаб.

Ўз кўнглида хам топиб асарлар,
Онинг гами ўтидин шарарлар.

Бир фуржа топарга кўп килиб майл
Ким, бир нафас ўлса гофил ул хайл.

Мактулига еткуруб хаёти,
Сўрмок била килса илтифоти.

Ангатса ўз изтирорини хам,
Ишки ўтининг шарорини хам.

Бог эрди васиу халк сойир,

Ашжор гулуси элга сотир.

Гулбун чаманининг иттисоли.
Ишк ахлига пардаи висоли.

Атфол бўлуб ўюнга машъуф,
Сарву гул ўлуб аларга маълуф.

Сайр ичра етишти мохи дилхох,
Бир гул чамани ичига ногох.

Гулбун била руст тўрт ёни,
Кирса киши кимса тоимай они.

Киргач анга ул шугуфта гулзор,
Кўрди тикон ичра булбули зор.

Кирмиш эди анда Кайс гамнок,
Гул янглиг этиб якосини чок.

Ўз холига зор йиглар эрди,
Бесабру карор йиглар эрди.

Огзида таронаи фироки
Ким, ёр етишти иттифоки.

Чун булбулининг гули шугуфта.
Топти бори халкдин нухуфта.

Хар неча йўк эрди сўзга тоби,
Кўнглида кўп эрди изтироби.

Йўк эрди гузири неча сўздин.
Боргудек ўлуб дегунча ўздин.

Бунёд этти хижоб бирла,
Бал хижлати бехисоб бирла:

«К-ей турфа йигит, не холатинг бор,
Не навъ гаму малолатинг бор?»

Ким, шодлигинг йўк ўзгалардек,
Ободлигинг йўк ўзгалардек.

Асхобга майли богу гулзор.
Хам тан санга решу хам кўнгул зор.

Бу дамки эсиб насими наврӯз,
Гул атрини килди мажлисафрӯз.

Бог ўлди бахордин гулафшон,
Сунбул бу гул узра кокулафшон.

Бу фаслда азми гулшан этгай.
Бўстон харамини маскан этгай.

Бор онинг учунки шод бўлгай.
Хар бандига бир кушод бўлгай,

Сен нола килиб гамин недин сен,
Ашкинг окизиб хазин недин сен?

Ишрат чоги мехнатинг не яъни,
Шўробаи хасратинг не яъни?

Бу гам санга кайдин ўлди ходис
Ким бўлди бу шиддатингга боис?»

Боисни чу сўрди ул дилафрӯз,
Бедил чекибон бир охи жонсўз,

Ширин сўзидин бўлуб эди лол,
Кон ёш ила юзга ёзди ахвол.

Йўк, йўкки, забони хол бирла,
Шарх айлади бу макол бирла:

«Кей жонима хайрат ўти солгон,
Кўнглумни бурун назарда олгон.

Аввалки жамолидин сочиб барк,
Ут ичра вужудум айлаган гарк.

Зулф очмок ила олиб карорим,
Килгон каро рўзу рўзгорим.

Аввалки фасона зохир этгон,
Кўнглумнинг ишини охир этгон.

Килгонни ёшурмогинг не эрди?
Мендин яна сўрмогинг не эрди?

Эл онгламасун дебон намуна

Урмок не бу наъли бозгуна!

Сендин етибон бу шиддат охир,
Кимга токойин бу тухмат охир?!

Кўнглумники олмишанг нихони,
Сендин ола олмогум худ они,

Ким аъжами айлаб ўзни ёна,
Бу навъ сурар лабинг-фасона .

Жонимпики ўртадинг бас эрди,
Тонмок бу сифат керакмас эрди.

Ўт узра не эрди куймогинг ёг!
Куйганга не эрди куймогинг дог!

Чун бўйла неча хуруш килди,
Заъф эттию тарки хуш килди.

Туфрок уза бўлди ул сифат паст
Ким, ердагиларга бўлди хамдаст.

Кўйнига олиб нигор бошин,
Сочиб кўзидин юзига ёшин.

Бехушга айлаб изтироби,
Хардам юзига уруб гулоби.

Ўлтурганига ўзи ебон гам.
Йиглаб тутар эрди бўйла мотам.

Истаб ани бир, ики дилором,
Ул вокиа ичра кўйдилар гом.

Гар зулф ила мушкбез эдилар,
Иккиси анга каниз эдилар.

Кўзларига дахр ўлуб каронгу,
Кўркуб дедилар: «Не хол эрур бу

Махваш ишидин чу парда кўпти,
Иккисининг олида ер ўпти.

Ул иш неки вокиъ ўлди бехост,
Бир-бир деди ул икисига рост.

Дахр этти чу сиррин ошкора,
Йиглаб тилади гамига чора.

Бор эрди бириси дардпарвард,
Филхол санамга бўлди хамдард.

Деди: «Ема гамки бок эмастур,
Ким ишк ўтидин халок эмастур.

Сен кўпгилу бизга топшур они,
Азм айла кабилага равони.

То бўлмасун эл бу ишдин огох,
Биз фикр этали нечукки дилхох».

Махваш ул иков дегандек этти,
Кўнглин кўюб анда эвга кетти.

Бедил кишисин топиб алар хам,
Килдилар ул ишга ёру махрам.

Чун бўлди рафик анга мулозим,
Бўлди ул иков хам уйга озим.

Эй сода рафик, бенавомен,
Ишк илгига зору мубталомен.

Бехудмену ўлтурур навойиб,
Бир лахза бошимдин ўлма гойиб!

XIII

Кайснинг хажр шабистонида шабнам гулоби юзига сочилгонидин кузи очилгони ва булбули шабхез била ишк дostonлари адосида нола килгони ва булбул соясидек туфрокка йикилгони ва атоси анинг булбулдек фиғонларин эшитиб боишга етгони ва махмил кафасига солиб олиб кетгони

Чун гулшани чарх гул узори,
Магриб сори тортти амори.

Анжум гули бирла бу шабистон,
Олам юзин айлади гулистон.

Ул тоза бахори нозпарвард,
Гунчадек ичини кон килиб дард.

Соз этти кабила сори оханг,
Бедил гамидин валек дилтанг.

Бехол кабиласига кетти,
Гамдин анга етти улча етти.

Гулшан аро Кайс хушдин фард,
Етиб эди ерда ўйлаким гард.

Хам магзида хушдин хабар йўк,
Хам жисмида рухдин асар йўк.

Ёрим кечаким насими гулбез,
Бўлди чаман ахли узра гулрез.

Гул атрн димогига солиб хуш,
Очти кўзин ул гариби мадхуш.

Кўрди ўзини чаман ичинда,
Сарву гулу ёсуман ичинда.

Булбул боши узра нагма пардоз,
Ахволига навха айлаб оғоз.

Гул холига чун назора айлаб,
Гулгун ёкасани пора айлаб.

Наргис шабнамдин ашк этиб фош,
Ахволига юммайин тўкуб ёш.

Чун кўксида хажрдин кўруб доғ,
Кўкси уза лола куйдуруб доғ.

Захми кўкидин бинафшада гам,
Сўгига кийиб либоси мотам.

Топиб чу вукуф бу азога,
Ашжор алам чекиб хавога.

Сунбул килибон каро узорин,
Очиб каро зулфи мушкборин.

Сўгига окар су зор йиглаб,
Ун тортибу сўгвор йиглаб.

Сарв ўлмаи меҳнатидин озод,

Колмай шамшод дардидин шод.

Дебким ани килди ишк бежон,
Чирмониб ўзига ишкпечон.

Сабза килиб ўзни сарбасар тил,
Айтиб гамидин фасона хар тил.

Бу сўглар айлаб ул назора,
Тоимай ўлмакдин ўзга чора.

Харён бокиб анда ёр тоимай,
Андухи ўти қарор тоимай.

Не даврида хайли дўстдори,
Не олида сарви гулўзори.

Хуршед кетиб, келиб каро шом,
Ё хажр қуни, вале сиях фом.

Е хажр ўти бўтратиб духонин ,
Айлаб қора дахр хонумопин.

Кўнглига ўкулди кўхи андух,
Андухи йигилди кўх то кўх.

Согинди қачон назора килди
Ким, чарх уйи бошига йикилди.

Чун дардига тоимади қарона,
Дард ашқини айлади равона.

Чок айлади тортибон яқосин,
Чекти тан офият либосин.

Йўкким бу либосини сувурди
Ким, жисмидин они ўтка урди.

Чун бўлди либоси оташ олуд,
Гардунга етишти охидин дуд.

Йўк, йўкки, бу дуд охи эрди.
Уртангучи жисми қохи эрди.

Гохи бу сомонда шуъла, гах дуд,
Андин тутубон жахонни қахдуд.

Кахдуду фалакка еткуруб бош,
Афлок кўзига кетуруб ёш.

Кож урди сориг юзига онча Ким,
они кўк этти ул тапончаб,

Гарчи юзи эрди заъфарони,
Бўлди гулидин кўки нишони.

Кўнглида бу заъфарондин озор,
Кулмак ўрнида йиглатиб зор.

Кўксига уруб фироқдин тош,
Ерга уруб иштиёқдин бош.

Кўкси аро шуълаи фироки,
Бу ўт била доги иштиёки.

Кўнглига сипах чекиб аламлар.
Охи ўти кўргузуб аламлар.

Солиб бу сипах ичига ошуб
Кўнгли мулкин килиб лагадкўб.

Утмай бу сипах эли камохи,
Етиб яна бир бало сипохи.

Хар хайли жафо кўлин сунуб кенг,
Ул мулкни ер била килиб тенг.

Гам хайли ичинда сондин ортук,
Хар нечаки десам ондин ортук.

Бу навъ эди хажри ибтилоси,
То чекти алам сахар ливоси.

Тун урди кўмурларини дархам,
Меҳр ўтини субҳ айлади дам.

Кўк гулшани гуллари тўкулди,
Гулларки тўкулди гунча кулди.

Кўк богида гуллар ўлди нобуд,
Ер богида гуллар ўлди мавжуд.

Ул богда хар неким сочилди.

Гўёки бу бог аро очилди.

Бедил кўрубон ёруг жахонни,
Чекти яна ох ила фиғонни.

Гул бошига эврлуб сабодек,
Учраб кўзига гул ошнодек.

Дебким: «Кани ул гули шакарханд Ким,
бу гул эрур юзига монанд?»

Ул чехрадин зрди ёдгори,
Бўлмаса эди ёнида хори.

Гунча сори бокибон уруб печ,
Ухшатмайии они огзига хеч.

Гах сарв аёгига кўюб юз,
Охин яна сарвдек чекиб туз.

Дебким: «Гар эмас кади равони,
Лекин кадинин эрур нишони».

Гах меҳр килиб бинафшага фош,
Бир лахза кўтармай олидин бош.

Атридин ўлуб мурод коми,
Ул турра иси топиб машоми.

Гах сабзага суртубон узорин.
Кўкка чекибон фиғону зорин

Ким, «Гулшан аро хиром чоги.
Тегмиш санга гулрухум аёги».

Наргис кўзи айлаб они волих,
Ёри кўзидек кўруб биайних.

Йиглаб кўруб онча ранжу темор Ким,
заъф килиб нечукки бемор.

Туфрогда кўруб аёг нишони,
Ёпиб ики кўзи бирла они.

Ким: «Ёр аёги етмиш эркин,
Туфрогини сурма этмиш эркин».

Гохи тилабон сувдин нишона,
Ашкин килибон сувдек равона

Ким, «Жилва килурди ул суманбў,
Аксини топиб эди экин сув».

Булбул била соз этиб навони,
Булбулдин ошар эди фиғони

Ким, «Бежихат ўлди бу малолинг,
Чун ёринг ила эрур висолинг.

Маскан санга бўлди тоза гулшан,
Гулбун уза айладинг нишиман.

Гулшан аро махрами харамсен,
Гул сухбати ичра мухтарамсен.

Гўё бу мурод эмас писандинг,
Ё ёр висолидин ўсондинг

Ким, шому сахар килиб марога,
Минг тил била ун солиб арога.

Элга етуруб унунгдин озор,
Айтурсен ўзунгни ошики зор,

Ким сен киби урса ишқдин дам,
Ишқ ахли қачон тутар мусаллам.

Сен ахли висолсен дам урма,
Хажр ахли қошида нукта сурма!

Мискин мепу дардманди мажрух,
Тоимай тан аро нишонаи рух.

Яъни гам ўтида жисми зорим,
Шўх жон киби сарви гулўзорим

Сен тортма нола мубталовор Ким,
пола эрур манга сазовор.

Олингда сенинг висолдин бог,
Бағримда менинг фироқдин доғ.

Внингда сепинг гули баҳори,

Кўнглумда менинг фирок хори».

Чун чекти бу ерга навхаи дард,
Бўлди яна аклу хушдин фард.

Ул навъ йикилди тортибон ох Ким,
жони дегилки чикти ногох.

Бош устидаги нигохбони
Ким, топшуруб эрди кизлар они.

Бир гулбун аро тутуб канора,
Ахволин этар эди назора.

Чун холин анинг бу павъ билди,
Кўптию кабила азми килди.

Етгач килибон кадамнн рахкўб,
Уй ичра худ эрди беҳад ошўб.

Бу вокиадинки Кайс ул шом,
Тутмайдур эди ватанда ором,

Харён кишилар килиб равона,
Андин тилар эрдилар нишона.

Чун ул иш эди хилофи одат,
Хардам эди гамлари зиёдат

Ким, етти хужастафол косид,
Бўлди бориға раво макосид.

Андин бўлуб ул гурух афгор,
Итгон Юсуфларин талабгор.

Ул доғи килиб тарона оғоз,
Кўрганга бўлуб фасона пардоз.

Хар киссаки англабон тамомин,
Шарх эттн ёшурмайин каломин

Чун бўлди аён бу можароси,
Беҳол ўлубон ато-аноси.

Бўлдилар ани тиларга озим,
Бал ахли кабила хам мулозим.

Косид даги хайл аро кадамкаш,
Ул ерга дегинки ул ситамкаш,

Кўргач ани айлабон назора,
Кўнглак дема, кўкси пора-пора.

Туфрог ила ер уза хамогуш,
Айлаб гами ишк горати хуш.

Бори килибон фиғону зори,
Хозир килибон равон амори .

Айлаб анга махмил ичра манзил,
Манзил сори азм килди махмил.

Эй махмили ишк сорбони,
Азм айлади дард корвони.

Бир гом кабила сори солма,
Хар сори бу хайл борса колма.

XIV

Кайснинг хажр шомиди андух хайлхонасидин чикиб, висол кабиласига азм этгони ва ул кабила ўти била хамзабонлик ва ити била хамдостонлик килиб кабила кирогига етгони ва Лайли анинг унинг хашамдин чикиб бир-бирин кўргач хам ул ва хам бу ўзидин кетгони

Бу номаи дард уза каламкаш,
Мундок каламин килур ракамкаш

Ким, Кайс рамида хушу бехол,
Билмас эдиким етишти не хол.

Чун магзида хуш бўлди пайдо.
Очди кўзин ул заиф шайдо.

Ато-аносида гам уза гам,
Не гам уза гамки, сўгу мотам.

Бу меҳр ила манглайн ўпти,
Ул бошига эврулурга кўпти.

Фахм айлади Кайс чун бу холат,
Сув килди вужудини хижолат.

Ул бирга хижолат айлабон фош,

Бу бир оёгидин олмайин бош.

Яъники уётдин ўзда колмай,
Андокки юкори бока олмай.

Чун кўрди ато било аноси
Ким, они халок этар хаёси.

Ахволига килдилар мувосо,
Сўз демадилар насихат осо

Ким, бу иш анга шугуфт тушмиш,
Бу ходиса ногирифт тушмиш:

«Биз кўп сўрсак бу сўз маколи,
Нобуд этар они инфилоли .

Бу вокиа тарки тутти эркин,
Ул васвасани унутти эркин.

Туткай они эмди табъи софи,
Бу ишгаки айлагай талофи.

Иффат харамиде кеш туткай,
Такви билан зуҳд пеш туткай».

Кўптилар этиб бу фикр лойик,
Йўкким ул иков, бори халойик.

Бу деб: «Анга турфа хол тушмиш».
Ул дебки: «Ажаб хаёл ушмиш»

Халк олида дев уруб анга йўл,
Билмай муниким пари эмиш ул.

Хар ким уйи сори гом солиб,
Гам хужраси ичра Кайс колиб.

Бир лахза енгиб ани тафаккур,
Ўз холатига этиб тахайюр.

Бирдам ишига килиб назора,
Тоимай катиг эмгакига чора.

Ишк ичра тутарга кўху води,
Манъ айлаб ато-аноси ёди.

Тутмокка салох ишк этиб зўр,
Кўнгли мулки аро солиб шўр.

Ул чоккачаким сипехри худком,
Офок уза ёйди пардаи шом.

Кофурни ёпти мушки суда,
Кўк шамъи жахонга сочти дуда.

Тийга уй ичнда ул гам андуд,
Тўлгониб ўзига ўйлаким дуд.

Чеккач яна ишк ўти забона,
Кўймади вужудидин нишона.

Гам хайли кўнгул хисорин олди,
Ишк илгидин ихтиёрин олди.

Лайли гами ўйла килди бедод
Ким, ато-анони килмади ёд.

Ошиклари холини унутти,
Маъшук уйининг йўлини тутти.

Юз урди бало кабиласига,
Ул мохлико кабиласига.

Не гом солурда хуш ёри,
Не пўя килурда ихтиёри.

Хардам йикилиб кўпуб уруб гом.
Эс бирла не сайр анга, не ором.

Кўпуб йикилури мастлардек,
Бехудлуги майпарастлардек.

Чун бўлди кабила ўти пайдо,
Ул ўт била куйди зор шайдо.

Кўнгли аро кўзголиб шарори,
Колмоди шарорадек карори.

Кўкка чекиб охи оташолуд,
Ут сори юз урди ўйлаким дуд.

Тил чекти демак учун тарона,

Ул навъки ўт чекар забона.

Ўтдек дам ила тутуб сарогоз,
Ўтка бокиб ўлди нукта пардоз:

«Кей хажр тунида ахтари ишк,
Рахшанда нечуккн гавхари ишк.

Бал машъалаи фарог сенсен,
Ё гавхари шабчарог сенсен.

Дуд ичра шарарларинг хужуми,
Гам шоми тахарруки нужуми.

Саргаштаи гамга тун саводи,
Ламъанг келибон хужаста ходи.

Дудунг била дахр анбаролуд,
Йўк дудким, ул саводи максуд.

Кўмган кулунг ичра хар фатири,
Кўк хони аро махи мунири.

Хар кўзники ул етиб яшортиб,
Учкон кулунг анга сурма тортиб.

Гар килмаса кўз ёрутмок оханг,
Кўзга нега келди сурмаи ранг.

Ё онингдек очарга кўзни,
Хокистари этти сурма ўзни.

Ахгар санга харбири самин лаъл.
Ўртарга кўнгулни оташин лаъл

Ранги норию, табъи нори,
Руммони ўлуб бу лаъл бориб.

Тож устида лаълдин тарабдур,
Лаъл устида тожи зар ажабдур.

Гам шоми аро кўлумни туттунг,
Хижрон тунида кўзум ёруттунг.

Мадхингни зтай не навъ зохир,
Шукрунгни не тил била де охир.

Ой-кун санга икки манкал ўлсун,
Хеминг бори уду сандал ўлсун .

Дойим бу тарику шевани тут,
Хам ёру ва хам жахонни ёрут».

Кам килмамиш эрди бу навони
Ким, хайдин келди ит фиғони.

Хам жисмига печу тоб тушти,
Хам кўнглига изтироб тушти.

Фарёд килиб равон ул итдек,
Юз навъ чекиб фиғон ул итдек

Андокки жафойи осмондин,
Окшом киши колса корвондин,

Истаб ани чекса каъра ёри,
Ул хам чекгай фиғону зори.

Дашт узра ул ун сўнгича кетгай,
То мақсаду манзилига етгай.

Солур эдн гоми беҳудона,
Оғзида валек бу тарона:

«Кей муждаи жон хазин нафиринг,
Рухумга гизо бийик сафиринг.

Хам гам туни кўргузуб вафо сен,
Хам гумшудаларга раҳнамо сен.

Ул кўйга эврулуб кўюб бош,
Ким бошинга мен хам эврулай кош

Ул кўйгаким бўлуб бадандеш,
Чанголу тишинг танин килиб реш.

Эл кони аёқларинг хиноси
Ким, жоним аёғларинг фидоси.

Мен гар тоймай бу комронлик,
Сен айлабон анда посбонлик.

Бу ким сену мен биз икки ҳамдам,

Мен хору валек сен мукаррам.

Сен ёр эшигнда шоду масрур,
Махрум мен гарибу махжур.

Сен кўйида хар тараф шитобон,
Мен зорга жилвагах биёбон.

Сен кўйида тош уза кўюб бош,
Бошимга фироки ёгдуруб тош.

Сен мендин ўлуб вафода афзун,
Хам сидкда, хам сафода афзун.

Йўкса не учун фалак хироми,
Хор этти мени, сени кироми?

Бу шукргаким сипехри хунхор,
Килди сени мухтарам, мени хор

Ким, соз этибон фиғонни мендин,
Гохи ўп ул остонни мендин».

Ит бирла тузуб бу можаросин
Ким, кўрди кабиланинг каросин.

Ошуфта ичига юзлапиб шўр,
Колмади юрур аёгига зўр.

Хар неча юрурга саъй килди,
Чирмашти аёгию йикилди.

Нечаки йикилди, кўпти ёна,
Ер ўймак эди анга бахона.

Чун хайга йикила-кўпа етти,
Жон огзига етти, хуши кетти.

Гах хушида, гох хушидин фард,
Хай даврига айлар эрди новард.

Гам хайли балаид пояси ул,
Фитна черики талосяси ул.

Хар лахза чекиб фиғони жонсўз,
Тортиб ўтлуг дамин жахонсўз.

Лайлики эди араб балоси,
Хам бор эди Кайс мубталоси.

Кўнглида килиб нухуфта дардин,
Фориг бўлуб эрди хобу хўрдин.

Тун-кун ичида анинг хаёли,
Жонига мурод анинг висоли.

Ул ксча бу чокка тегру кайгу,
Кўймайдур эди кўзига уйку.

Хардам урар эрди зулфдек печ,
Огзи киби сабри йўк эди хеч.

Тийра килибон кунин каро тун
Ким, ногах эшнтти бир хазин ун.

Ул ундин ичига тоб тушти,
Кўнглига хам изтироб тушти.

Кўпти доги кўйди ул сари гом,
Кўнглидин итиб карору ором.

Мажмуи кабила уйку масти,
Илло буки ишк пойбасти.

Беишк улуска ком уйку,
Ишк ахлигадур харом уйку.

Вокиф эди доя холатидин,
Ишк офатида малолатидин.

Хам Кайсга эрди меҳрибон ул,
Шавкидин этиб фидойи жон ул.

Мактаб аро золи меҳрпеша,
Кўнглини сўруб анинг хамеша,

Хам бу ясаб ўзни доя монанд,
Хам ул мунга айлаб ўзни фарзанд.

Ул ой чу югурди, чикти доя,
Борди сўнггича нечукки соя.

Ойни чекар эрди ишк бебок,

Ул ерга дегинки Кайс гамнок.

Бир-бирини кўргач икки дилхох,
Чектилар анингдек оташин ох

Ким, ўтларидин жахон ёрушти,
Хирманларига бу шуъла тушти.

Эмдики кул ўлди хирмани хуш,
Беҳуш йикилди икки мадхуш.

Дояки бу ишки пок кўрди,
Ул шуълаи сўзнок кўрди.

Бу навъ ики ишк ўтига тафсон,
Огизлари ноладин садафсон.

Бўлгонда бу васл ошкоро,
Нутк ургали йўк бирига ёро.

Не бу анга дарду розин айтиб,
Не ул гами жонгудозин айтиб.

Хуршед уёкти бўлмаин лайл,
Девор йикилди етмаин сайл.

Кўп гам еди сўгвор йиглаб,
Иккисига зор-зор йиглаб.

Вахм эттики кимса билса ногох,
Бўлгунча ул икки ўздин огох

Бўлган икисига хавфи кон хам,
Бўлгай талаф икки нотафон хам.

Эгнига кўюб бирини холи,
Андокки куёшни чарх золи,

Ул хамлда хам килиб кадин хам.
Ул навъки золи чархи кадхам.

Келтурдию бистарига солди,
Ётқуздию ёнди пўя олди,

Ул ерга дегинки Кайс бедил
Туффрог уза ётмиш эрди гофил.

Куюб онадек гамида жони,
Гах судради, гах кўтарди они.

То чекти кабиладин йирокрок,
Эл вахму гумонидин кирокрок.

Ким кўрса бу холи бадписанди,
Жонига тегурмагай газанди.

Дсвонани чун йирок чикорди,
Ендию пари кошига борди.

Еткурдию ётти доягона,
То тонгла не ўйнагай замона.

Эй золи замона доду фарёд!
Атфолинга неча зулму бедод!

Бу хайлниким, халок этарсен,
Ўз багринг эрурки чок этарсен.

XV

Кайснинг гойиб бўлгонига кабила ахли хозир бўлуб елдек тог ва водига етиб анинг бир кум ичинда беҳуд ётконин назора этиб, ел хошокни элтгандек уйга элтганлари ва анинг ул пари ишкида хирад тарикин унуткони ва Мажнунлукка шухрат туткони

Мехнат тунидин фасона овар,
Бу киссага буйла токти зевар

Ким, ул кеча Кайс зори бедил
Ким, бўлди кабила сори мойил.

Лайли хашамига чун ёвушти,
Тушти айга харне ишки тушти.

Кундуз кўруб уйда они гойиб,
Тушти элига яна масойиб.

Хам килди атоси йигламок соз,
Хам этти аноси павха оғоз.

Хар ён кишилар килиб равона,
Андин тиламак учун нишона.

Жамъики изип топиб саранжом,

Лайли хашами сари уруб гом.

Ул пай чу етиб мухозийи хай ,
Хайдин чикибон яна ики пай.

Бўлгоч учов иккиси узолиб,
Кум узра анинг нишони колиб.

Аидок топибон бу хайли човуш
Ким, бўлгон экин ул икки беҳуш

Ким, кум уза колибон нишона,
Енмоглари вазъи беҳудона.

Бир ётгони судралиб шитобон,
Девоба киби тутуб биёбон.

Бир ётгон ўлуб нихон паридек,
Ёхуд кеча меҳри ховаридек,

Бир из ёнибон кабила сори,
Келган сари-ўк тушуб гузори

Ул жамъ билибки бўйла холат,
Не ишларга килур далолат.

Судралган хат била тутуб йўл
Ким, кум уза йўл ясаб эди ул.

Топиб ани кум аросида гум,
Ел эсибу жисмини ёпиб кум.

Туфрок аро гарк пой то фарк,
Онинг била йўк ўлук аро фарк.

Кум ичра нухуфта зор жисми,
Жонсиз киби хоксор жисми.

Ул хайл этибон яколарин чок,
Йиглаб боши узра зору гамнок.

Андок согинибки, гўйи они,
Кўммишлар ўлтуруб нихони

Тортиб ани туфрогини очиб,
Туфрогини бошларига сочиб.

Англаб бир асири дарду охи,
Огзига нафас келурпн гохи.

Шукр айлабон ўлдилар япа шод,
Вайрона кўнгулни айлаб обод.

Тонгиб биров устига ани руст,
Азм айладилар кабилага чувст.

Холин кўрубон бу навъ атосп,
Йиглодию голиб ўлди ёси.

Айлаб аноси даги фиғонлар,
Кўздин тўкубон юзига конлар.

То кўпти кслиб димогига хуш,
Боши куйи эрди огзи хомуш.

Ўз холида кўрмайин саломат.
Эл хар саридин килиб маломат.

Ул дебки: «Санга бу не хавасдур»,
Бу деб: «Хавас ўлса мунча басдур».

Хар ёндин ўлуб насихат ангез,
Хар панд анга бир синони хунрез.

Каттиг сўз илаки панд этиб фош,
Девона бошига ёгдуруб тош.

Бу тошки зохир ўлмай отиб,
Тан йўкки сўнгаларин ушотиб.

Бу дедн: «Керак кулогига панд»,
Ул деди: «Керак аёгига банд».

Ул кун даги бўлди сўз била кеч,
Ошуфта йигитга йўк хабар хеч.

Не зажр мизожи ичра нохуш,
Не лутф табиати аро хуш.

То дахр ёшурди кун чарогин,
Савдозада килди тун димогин.

Эл айлабон уйку сори оханг,

Савдо килиб они уйда дилтанг.

Секриб чикибон кабиладин тез,
Дилбар хашами сори солиб хез.

Тонгла яна зору нотавонлар,
Харён югуруб килиб фигонлар.

Топиб яна они зору махзун,
Дард ичра бурунгидин хам афзун

Хар тун бу сифат анинг фирори,
Хар кун бу бўлуб алар шиори.

Чун ошти киёсдин балоси,
Ислохдин ўтти можароси.

Девонага хуш ахлидин панд,
Мажнун сўзидур доги хирадманд.

Хар куи тилабон анинг давоси,
Хар лахза ошиб анинг балоси.

Тадбирида эл фусуни ошиб,
Дам бирла ўти батар тутошиб.

Ожиз бўлубон ато-аносп,
Балким бори хайлу акрабоси.

Носихлари дам-бадам забунрок,
Савдоси замон-замоп фузунрок.

Эл етмогида чу бўлдилар сушт.
Ул доги жунунин айлади руст.

Савдо килиб они мухталиф хол,
Тинмай югуруб сўнгича атфол.

«Мажнун» била айлабон хитобин,
Ким харне деса бериб жавобин.

Эл деб чу етишса ул жигар хун:
«Келди Мажнуну, келди Мажнун»

Ул бўлуб отин билуридин ёт,
Мундин догиким, не нимадур от.

Ўз отию кавму хайли оти,
Йўк ёдида гайри Лайли оти.

«Лайли, Лайли» дебон чекиб ун,
Эл деб: «Мажнундур, ушбу Мажнун».

Бу сурат ила хар сабоху хар шом,
Лайли хашами сори уруб гом.

Атрофига эврлуб неча давр,
Ўз кўксига тошдин килиб жавр.

Хай гомки кўксига уруб тош,
Аввал кадзм ўрнига кўюб бош.

Хар даврда деб: «Тўкулса коним
Ким, садқа кабиласига жоним».

Андин сўнг ашкидин тўкуб сайл,
Сахро сори чун килур эди майл.

Манзури кабилаи дилором,
Сайр ичра кейин-кейин уруб гом.

Улдамки арога кирса хойил,
Бўлур эди дашг сори мойил.

Эй даштни айлаган ватангох,
Йўл озмишам, ўл замоне огох.

Колдим ўронишда, тут кўлумни,
Кўргуз карам айлабон йўлумни.

XVI

Мажнунни беҳабар ошиклигидин Лайли атоси хабардор бўлуб, Мажнун атосига тил синони, балки синон лисони била захм забонлар йиборгони ва ул бу халохил захрин нўш этиб, сингуруб, Мажнунни салосил ва аглол била мукайяд килгони

Бу сафхани айлаган нигориш,
Афсона бу навъ этар гузориш

Ким, килди чу гардиши замона,
Мажнун сўзин эл аро фасона.

Хар ким тилига бу эрди мазкур,

То барча Арабда бўлди машхур.

Лайли атосига хам нихони,
Арз этти бир-икки меҳрибони

Ким: «Омир элида Кайс бадрӯз,
Бу хайдаки эрди донишомӯз.

Топиб илму хирадга пайванд,
Хам олим эдию, хам хирадманд.

Бўлмиш боридин фароги гўё,
Хабт этмиш анинг димоги гўё .

Дашт узра фиғон килиб хамеша,
Кезмак анга бўлмиш эмди пеша.

Ошуфталигига йўк нихоят,
Девоналигига хадду гоят

Лекин эл аро будур иборат
Ким, аклу хавосига бу горат.

Бир ишк гаму балосидиндур,
ОБир хур сифат хавосидиндур».

Сомӣ чу эшитти бўлди гамгин,
Тишлаб илигин дедики: «Мискин!

Таърифида кўп ўтар эди сўз,
Гўёки анга тегурдилар кўз.

Бас кобил эдию дилписанд ул,
Озодавашу ниёзманд ул.

Акли комилу каломи маъкул.
Бор эрди манга хам асру макбул.

Не эркин анинг атоси холи,
Бечора аносининг малоли?

Не ўтдин экин бу тоби оё,
Кўнгли аро изтироби оё.

Кай гулдин экин бу хорхори.
Кай сарвдин ашки жўйбори?

Бу холига ким васила эркин
Киблагахи не кабила эркин?»

Нокил деди: «Эй хужаста сурат!
Чун сўрдунг эрур демак зарурат;

Бу ишк гар ўлса зишт ё хўб,
Айларлар улус бу хайга мансуб.

Гўёки улус гумони жупдур
Ким, бу ишига далил кўпдур.

Бу даштда кўпдурур кабойил
Ким, кўнгли эмас бирига мойил.

Лекин анга хар сабоху хар шом,
Етмай бу кабилага йўк ором.

Хам киблаи жони бу кабила,
Хам жону жахони бу кабила.

Бу хужла эрур харими иффат,
Эсмай анга жуз насими иффат.

Атрофида пардалар намуди,
Исмат била зухд тору пуди.

Лек охи ели етишса бебок,
Кўк иардаси бўлса хам килур чок.

Афғонида барча беҳабарлик,
Алфозида барча пардадарлик.

Табъи хушу назми хам равондур
Андокки санга даги аёндур.

Назмида бори бир исм мазкур
Ким, эрмас зикри бизга макдурб.

Биз айттук эмди сен билурсен,
Бу ишта не фикрким килурсен».

Эшитгучи билдиким недур хол,
Тўлгонди ўзига ўйлаким нол .

Бошин тутуб ўлди бир замон геч,

Сўз демади яхши, ё ёмон хеч.

Чун яхши тааммул этти лахте,
Тил чекти нечукки шўр бахте.

Нокилга дедики: «Тез уруб гом,
Кил саййиди омирийга эълom.

Ким, бўйла хадиси номупосиб,
Не бизгаву, не санга муносиб.

Бор эрмиш улустилида жори,
Сендин бу ажаб кўрунди бори

Ким, мундок иш англаб ошкоро,
Бу чоккача айладинг мадоро

Ким, топса эди жунунга пайванд,
Мажнунга илож банд эрур, банд.

Билмангму шукуху савлатимни,
Аъроб аро молу шавкатимни?

Хам ўглунга, хам санга билурмен
Ким, харне килай десам килурмен.

Лекин санга бу тагофул ўлмиш.
Гафлат юзидин тажохул ўлмиш.

Кил забтин анинг чу бўлдунг огох,
Мундин нориким, наузу биллох!..

Бўлса япа бўйла амр зоҳир,
Аввал ани айлагумдур охир.

Сўйгра сапга доги кахр сургум,
Хайлингни бу даштдин итургум!»

Бу кахр ўкидин чекиб забона,
Сўз хомилини айлади равона.

Косид келибон анинг паёмин,
Айтур кишига. деди тамомин.

Сомиъ чу эшитти сўз хисобин,
Сўз тоимади дегали жавобин.

Кўнглини ул иш малул килди,
Чора йўк эди — кабул килди.

Косид кўпубон чу бўлди рахкўб,
Тушти бу кабила ичра ошуб.

Тўш-тўшка чикиб бори кабила,
Мажнунга топиб йигор васила.

Топиб ани бир кум ичра нолон,
Килгон кишидек карокчи толон.

Дашт узра анга карор бермай.
Келтурдилар ихтиёр бермай.

Солдилар ани уй ичра беҳуд,
Занжир ила айлабон мукайяд.

Андоми салосил ичра маҳкам,
Хар силсила печ-печу, хам-хам.

Эй силсилаи жунун аро банд!
Бўлгил бу салосил ичра хурсанд.

Бу кайд ила кимки шод бўлди,
Муставжиби юз кушод бўлди.

XVII

Мажнуннинг фирок чохида танур ичидаги ўтдек тоби ва хажр бандида тузokka тушган кушдек изтироби ва ҳаким фусунидин жунунининг тугёни ва табиб пархезидин иситмасининг галаёни ва ўз захр комлигига тўккан талх-талх шўробаси ва бу шўробадин комида аччиг-аччиг хунобаси ва кўнгли ўтидин темур банди сув бўлгони ва сувдек сахро азми килиб ашки суйидин водилар тўлгони

Бу халка аро асири куллоб,
Сўз риштасидин бу навъ очар тоб

Ким, телба чу бўлди банд асири,
Ул банд аро юз газанд асири.

Бир неча кун уйда эрди побаст.
Фарёд анга гох баланду, гох паст.

Йўк кундузу кеча хўрду хоби,
Дом ичида кушдек изтироби.

Уйку кўзидин тутуб канора,
Хар кирпики уйкуга катора.

Ул кўзда не навъ тургай уйку
Ким, бир нафас анда турмагай сув.

Кўнгли аро хушдин хабар йўк,
Не хушки кўнглидин асар йўк.

Колмай чу солиб бало ўти жўш,
Танда кўнгулу кўнгул аро хуш.

Савдо ўтидин ёииб чароги,
Дудига макар бўлуб димоги.

Бу дуд чу ул уй ичра ортиб,
Таквою хирад юзин карортиб.

Эмдики бу икки тошибон рахт,
Анда урубон жунун шахи тахт

Ул дуд бўлуб сипохи савдо,
Хардам солиб ул сипох гавго.

Бу навъ димоги ичра ошўб,
Кўнглини жунун этиб лагадқўб.

Гам ханжари бирла ёра кўнгли,
Не ёраки, пора-пора кўнгли

Онинг бу сифат гаму балоси,
Бу турфаки нотавон атоси

Боши уза келтуруб хаками
Ким, бергай анга умеду бийми.

Ул ишк балосидин хабарсиз,
Кўнгли бу забонадин шарарсиз.

Англаб чу табиб изтироби,

Хар лахза анга килиб азоби,

Гах нукта суруб насихатомиз,
Ўтин бу нафасдин айлабон тез.

Шарбат ичарин ирода айлаб,
Кон ютмогини зиёда айлаб.

Берганда гизо олур учун бахр,
Огзига наволалар келиб захр.

Чун манъ этиб ашки хунфишонин,
Афзун килиб ох ила фигонин.

Чун дебки: «фигонни айлагил кам».
Кон ёши бўлуб фузун дамодам.

Гоҳики ёғоч олиб, уруб руст,
Кулгу килибон рамидани сушт.

Чун кулгусидин топиб хижолат,
Йигламоги еткуруб малолат.

Хар лахза айга килиб жафойи,
Кўрмак ани хастага балойи.

Фахм айламайин хаками бедард
Ким, ўртар ани не сўзу, не дард.

Пайкондин этай дебон танин пок,
Жисмин килур эрди хар тараф чок.

Бу чок тикарга меҳрибонлар,
Игна чикибон демай, синонлар.

Пайкон учун ул танини ёриб,
Тикмакка бу хайл ўк чикориб.

Жаврида буларга бу такупў,
Пайкон худ ўлуб гам ўтидин сув.

Ул сувлар окиб бори кўзидин,
Бечора судек бориб ўзидин.

Гах ўзида, гах йўк ўзнда,
Гах сув, гах кон анинг кўзида.

Бу навъ эди неча вақт холи,
Лахза-лахза ошиб малоли.

Бир тунки сипехри зулматандуд

Кун сафхасин этти анбаролуд.

Вах тун демаким каро балойи,
Кун ганжини кўмган аждахойи

Гам дўзахининг бухор уди,
Оташкадаи фирок дуди.

Дудидин ўлуб малак сияхбол,
Тулидин ўлуб фалак кухансол.

Тонг булбули тумшугин тутуб руст.
Хуффош канотларин килиб суст.

Бир учи унутиб ибтидони,
Бир учи согинмай интихони.

Тун йўкки, коронгу меҳнатобод,
Ошиқлару хасталарга жаллод.

Хар телбаки нотавони савдо,
Ул кеча анга жаҳони савдо.

Бедардни масти хоб килгон,
Дард аҳли ишин хароб килгом.

Бу кечада дардманди маҳзун,
Хижрон тунининг асири Мажнун.

Ўз холига чун тааммул этти,
Гам барки вужудини кул этти.

Ўз холига килди навха оғоз,
Хар дардига бўлди навхапардоз

Ким, «Бўлмаса неткай эрди будум
Ё бўлса эди адам вужудум.

Мен хастани айламакта мавжуд,
Не эрди экин казога максуд.

Жисмимга кадарки рух берди.
Бермаса эди не бўлгай эрди?

Чўп жисмима рух бўлди йўлдош,
Туккон нафас ўлсам эрди, эй кош.

Маълум этибон чу ўлганимни,
Ит олига солибон танимни.

Жонимни халос этиб анодин,
Куткорсалар эрди минг балодин.

Жисмимни талашса эрди итлар,
Конимни ялашса эрди итлар

Кут айласа кону рагларимни,
Чайнаб, ушотиб сўнгаларимни.

Ул туъманинг устида улушуб,
Кут айласалар эди урушуб.

Бал ит даги хайф бу гизога,
Солмок недур итни хам балога.

Ит жисмимаким тиш ургай эрди,
Ургон нафас-ўк кутургай эрди.

Телба бўлуб ўт жахонга солиб,
Юз хастаи нотавонга солиб.

Тор айлаб ўкуш нафас чароги,
Ултургай эдилар опи доги.

Аяло бу эдики шайн бошлаб,
Куйдурсалар эрди ўтка ташлаб.

Ул ўт аро печу тоб бирла,
Куйса эди изтироб бирла.

Колгоч кули ўт аро нишони,
Совурсалар эрди кўкка они.

Ул кўкка даги этиб касофат,
Бўлгай эди шояд анда офат.

Эмдики не бу ва не ул ўлди,
Жисмимга бако сори йўл ўлди.

Етмасдин бурун ишқдин зўр,
Кош ўлгай эди ики кўзум кўр.

Изхор этибон бу бенаволик,

Килсам эди кут учун гадолик.

Мухтож бўлуб илик-иликка,
Сайр этсам эди эшик-эшикка.

Бир лукмага мен бўлуб балокаш,
Бир лукмахўр олима асокаш.

Бу ходисаи халок ичинда,
Онсиз йикилиб магок ичинда.

Тортиб бу машаккату балони,
Кўрмагай эдим бу ибтилони .

Кўздин бу анога учрамишмен,
Юз дарду балога учрамишмен.

Бўлмаса ул икки9 мотамангез,
Бошимга ики балойи хунрез.

Бўлгайму эдим назарда маъзур,
Килгайму эдим кишини манзур.

Машъуф бўлуб назар ишига
Бергайму эдим кўнгул кишига.

Хосса, не кишики, жон балоси,
Не жонки бари жахон балоси.

Улким ел агар очиб никобин,
Кўргузса жамоли офтобин.

Бир ламъадин ўт жахонга тушгай,
Балким тўкуз осмонга тушгай.

Ул ўт ичида куёш фатири,
Ойни не дейинки, курс кийри.

Мен дахрда бир заиф хасмен
Ким, жисмда хасча хам эмасмен.

Кўз кўрмак ила йпгиб хавасни,
Ул ўтга ганим этар бу хасни.

Неткай неча бўлса ишк бебок,
Мпнг баркнинг ўтрусуда хошок.

Чўп зўр килиб бу мубталога.
Солгай бу азим ибтилога.

Кўймагай ул ўтка хос бўлмок,
Ўртанмак ила халос бўлмок.

Хижрон ўти бўлгай анга рўзи
Ким, бўлгай анинг минг улча сўзи.

Хажр ўтида хам жунунга солгай,
Хам мехнати гуна-гунга солгай.

Бўлмай бу балия бирла хурсанд,
Зиндонга солиб хам айлагай банд.

Чун хуш ила аклини итургай,
Бошига хаким хам кетургай.

Юз мехнату бинм дарди бирён,
Бедард хаким дарди бирён.

Жон ёра килурга ул кўюб юз,
Панд ахли сепиб яросига туз.

Юз мунча гам ўлса умр фарсой,
Бўлсам эди кўху дашт паймой,

Гах тог уза нола урсам эрди,
Гах бодияда югурсам эрди.

Филжумла бор эрди эхтимоли.
Килмок нафасе кўнгулни холи.

Бир уй қачон ўлса ўтка маскан,
Богланса эшик тутулса равзан.

Чок ўлмокдин маоф бўлгай,
Бал хар тарафи шигоф бўлгай

Ўт хар тарафин шигоф килмок,
Бўлгай анга мужиби йикилмок.

Кўнглум унин этти кайгу зиндон,
Жисм уйи яна каронгу зиндон.

Зиндонки танимдур анда махбус,

Хам тунглуки, хам эшики мадрус.

Ичкаррак уй ичра гусса тоби,
Бал фуркат ўтининг илтихоби.

Уйлар не ажаб ёрилмок охир.
Бир-бири уза йикилмок охир.

Бу икки-уч уй чидорга не хад,
Бал етти-секиз рафиъ кунбад.

Ул ўт тафидин аён килиб ларз,
Очилгали хар бирнга юз дарз.

Овахин бу ўтдин ўлди тобим,
Йўк, йўкки, ичинда изтиробим.

Кулбамдаву масканимда бу ўт,
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.

Ўт ичра бировниким солурлар,
Бандини аёгидин олурлар.

Ўт банд ила булди жилвагохим,
Мундокму азим эмиш гунохим?

Ўт онча эмаски бу каро дуд,
Йўк дудки шоми дуда андуд.

Жонимда онинг каро балоси,
Кўнглумда хам онинг ибтилоси.

Тун йўкки мени каро босибдур.
Ё кўхи гаму бало босибдур.

Гар босмади жисмим ул огир юк,
Мундок нега бўлди бетахаррук»

Ё жон куши учти жисмн хасдин.
Азми ватан айлади кафасдин?

Танга не тахаррук ихтиёри.
Ўлган харакатдин ўлди ори.

Жисмини килиб мазанна сокин,
Толпинмок эди иши ва лекин.

Чун жисми эди нахиф асру,
Оёғ, илиги заиф асру.

Солгонда оёғ илик уруб тоб,
Жон ришталарига келтуруб тоб.

Хам сингон эмиш йигочга пайванд,
Хам чикмиш аёғидин темур банд.

Чун топти бу изтироби таскин,
Чеккач оёк ул гариби мискин.

Кўрдик халос эрур аёғи,
Икки кўли, балки бўйни доғи.

Юз шукр ила ерга кўйди бошин,
Кўздин окизиб ниёз ёшин.

Охиста кўпуб эшикни очти,
Боргонча заиф оёғи кочти.

Бир даштка кетти ул макондин
Ким, катъи йирок зди гумондин.

Эй кайди замона бирла хурсанд,
Бўлгон сенга ўзлукунг огир банд.

Ўзлукдин ўзупгнн апла озод,
То дашти фапога киргасен шод.

XVIII

Лайлининг сарви хиромони гулшандин уйга хиром килгонда Иби Салом кўнгли куши ул сарв сори хаво килгони ва ул хавода бахор насими шукуфа яфрогин тўккондек дирампошлик килиб, умед гулбунидин муроди гули очилгони ва ул насим тахаррукидин сарви гулрух соядек такассур туфрогига йикилгони

Мундок деди сўз гухарфишони,
Айтурда бу нуктадин нишони.

Ким, унга суманбари гулапдом,
Чун богдин этти азм ул шом.

Олам аро чехрадин гул очиб,
ХайЗ бирла гулоб ерга сочиб

Зохир килиб ул гулу гулоби,
Ишк ўтидин ўзга обу тоби.

Хар бир монгишида юз латофат,
Иук, йўкки, сочиб жахонга офат.

Гул баргига сарв узра манзил,
Хам сарви равони гулга хомил.

Таъриф килурча юз жамоли,
Васф этгуча юз минг эътидоли.

Лекин гами ишкдин мушавваш,
Уйга борур эрди ул париваш.

Йўлда они кўрди навжувоне.
Хайли араб ичра комроне.

Солим анга барча айбдин зот,
Бахт Ибни Салом деб анга от.

Хам отига йўк шумора пайдо,
Хам кўйига йўк канора пайдо.

Сахроии тутуб теваси якбанд,
Хайкал аро барча кўх монанд.

Чун молига кимса билмайин сон,
Хар мушкил ўлуб кошида осон.

Мехнат тунида йўл айлаган гум,
Гам йўк чу кўрар дирамдин анжум

Чун Ибни Салом кўрди онн,
Шавк ўтига тушти хаста жопи.

Ул чора ишига бўлмади сушт,
Пайванд хаёлин айлади чуст.

Азм этти кабиласига филхол,
Йигди неки мумкин эрди амвол.

Юз навъ хадияи кироми,
Юз тухфаи нақд барча номи.

Ходи килибон неча хирадманд,

Афсона гузору шайх монанд.

Шарх айлаб аларга орзуни,
Ул бобда барча гуфту-гўни.

Максудга сўзни банд айлаб,
Эл барча сўзин писанд айлаб.

Юклаб бори тухфаву хизона,
Максад сари бўлдилар равона.

Лайли отаси бўлуб хабардор,
Ул муждадин ўлди бахра бардор.

Чун Ибни Саломни бурунрок
Тонир эди барчадин фузунрок.

Ким ёр анга хуш ила хираддур,
Молию жихози беададдур.

Хам хайли Бани Асадгаб воли,
Юз хайли Бани Асадча моли.

Топиб чу бу навъ комронлик;
Юз меҳр ила килди мизбонлик.

Меҳманлар ани чу кўрдилар гарм.
Фош айладилар шафоату шарм.

Тортиб неки тухфаи кироманд,
Андин сўнгўлуб фасона пайванд.

Изхор этибон викору тамкин.
Юз нукта суруб балогат ойин.

Таърифлар ўйлаким сазодур,
Мазкур этиб улча муддаодир.

Максудларин чу айлабон фош,
Посух тилаюб куйи солиб бош.

Сомиъ чу колиб гаразни тахкик
Дедики: «Худой берса тавфик,

Ул килса ўгуллугом хавоси,
Бўлгаймену мен даги атоси.

Дуррум анга зеби торак ўлгай,
Иншооллох муборак ўлгай.

Лекин анга сабр хам керакдур
Ким, шохи гулум шикастарақдур.

Хам наврас эрур бу нахли уммед.
Яъники хилол эрур бу хуршед ,

Хам табъида колмасун малоли.
Хам сарвига етсун эътидоли.

Андин сўнг бу хужаста фарзанд,
Не комки бўлмиш орзуманд.

Келсун даги жоми васл этиб нўш,
Сарв ўлсуну гул бнла хамогўш».

Уммед ила барча шодмона,
Уйлар сари бўлдилар равона.

Ул вақтким ул бути дилоро,
Гулшан сари бўлди махфилоро.

Бог ичра кезарда хар тараф тез,
Гуллар анга очти ишки хунрез

Ким, рози очилди хар бирндин,
Бал кон иси келди хар биридин.

Яъники сугурди тиги бебок,
Кўнгли аро солди чок уза чок.

Чун гунчани пора-пора килди,
Ишк ичра анга бу гул очилди.

Йўкким чаманида гунчаи дард.
Чок ўлгач очилди оташпн вард.

Чун ишк бу оташин гул очти,
Гулбарг киби шарора сочти.

Бу ўт била куйди жони доги.
Балким тани нотавони доги.

Бас йўк эди ишк ўти гудоzi,

Етти гами хажр турктози.

Ул равзадин ул нишонан хур,
Хам шпнку хам заифу махжур

Хоснл хўру хобп кетмпш эрдп.
Ул сори азимат этмиш эрдк.

Хардам бўлур эрди нотавонрок,
Ахволи нафас, нафас ёмонрок.

Лекип бу сўз эрди кийлу-коли
Ким, сайрда авд этиб малоли.

Бўлмиш танига иситма озим,
Зафар ўлмиш анинг била мулозим

Деган анга ўзни ёру ёвар,
Бу сўзни килурлар эрди бовар.

Лекин билур эрди баъзи они
Ким, ўзга балодурур нихони.

Доя оила неча махрами роз,
Бор эрдилар анга гуссапардоз

Ранжида гамин эрурлар эрди,
Дардида кўигул берурулар эрди.

Англаб эди дояп жигарсўз
Хам ул неча махрами гамандўз,

Ким, Ибни Салом ишини ул хур
Фахм этгач ўлуб мизожи ранжур

Хам жисми забунрок ўлгусидур,
Хам дарди фузунрок ўлгусидур.

Андин ёшурурлар эрди бехад
Ким, билмагай они сарвн гулхад.

Ул ишк ўтпдин мушавваш эрди.
Бу шуъла ичинда саркаш эрди..

Бир куп печа хайлу ошноси,
Нисбат ара хешу акрабоси

Келмишлар эди иёдатига,
Бал мехнатининг знёдатига.

Бир золи рамида хуши фартут,
Тадбири хатову акли мабхут.

Бедилпи дами килурга хушдил,
Тил чекти, не тилки тиги котил.

Зохир килиб ул гами нихони,
Солди арога бу можарони

Ким, «Гам ема, эй гули суманбар,
Зулфунг сочиб ул юз узра анбар.

Тонглаки етиб замони сиххат.
Топса бадаинг нишони сиххат,

Бахт ичра аён бўлуб кушодинг,
Хосил бўлгай борп муродинг.

Ул навъки йўк санга назире,
Еринг даги тушти дилпазире.

Махвашлар аро бу гуфту-гўдур,
Икболинг аларга орзудур.

Лекин бу талаб натижа бермас.
Давлат иши саъй бирла эрмас.

Бахтинг майи тўлди шукр лиллох,
Бас турфа иш ўлди шукр лиллох»

Ул кимсаки достонин айтиб,
Хам отину хам нишонин айтиб.

Бу сўзлар эшитгач ул дилоро,
Билди не иш ўлмиш ошкоро.

Кўнглин бузуб ул сифат масойиб,
Заъф этти ўзидин онн гойиб.

Эй махфий ўлуб, валек зохир,
Кўзга гойиб, кўнгулга хозир.

Чун ёруткунг кўнгул чароги,

Кил жилва аён кўзумга доги.

XIX

Ул газоли мушкин сайдига Бани Асад ахли касда маълум бўлуб, қуёш заррин газоласи мағриб хилватгохида сорғориб титраб, шафак хунобин тўккандек хилват уйда туфроғ ва кон аро изтироб кўргўзғони ва фалак золидек аноси ул ишдин вокиф бўлуб анинг хояига навха тузғони

Сўз чашмасин улки килди ковиш,
Бу навъ су айлади таровиш

Ким, заъф ила сарви сидра поя
Ким, ётмиш эди нечукки соя.

Чун хушига келди айлади ёд,
Ул сўзники андин эрди ношод.

Ортар эди дам-бадам малоли,
Кўнглин кила олмас эрди холи.

Кўрдик халок бўлгудекдур,
Умри тўни чок бўлгудекдур

Доясига кўп тазаллум этти,
Юз ажз била такаллум этти:

«Кей холима айлаган мадорро,
Сиррим пазарингда ошкоро.

Сендин ишим ўлмагай пихони,
Хар меҳнатим ўлса билган они.

Бир сўз эшитиб дурур кулогим
Ким, шуъласидин куяр димогим.

Гўе они сен даги билурссн,
Лекин мендин нихон килурсен.

Гар дафъ эта олсанг эрди они,
Килгунг эди анда саъйи жони.

Сен дафъ этмак эмас чу макдур
Тонг йўк сени тутсам айда маъзур.

Лекин эрур ушбу илтимосим.

Бирдам тутсанг эшнгда посим

Ким, кўнглум эрур халул асру,
Гавгодин эрур малул асру.

Эл кирмаса хилватимга бирдам,
Кўйса мени мехнатимга5 бирдам».

Доя кўзига кўюб иликни,
Чикти даги боглади эшикни.

«Турманг — деди — уйга ёкин ул бу
Ким кирмиш ул ой кўзига уйку».

Лайли кўруб элдин уйни холи,
Чок этти уруб якони холи.

Гах бахти кўзига урди туфрок,
Гах боши уза совурди туфрок.

Кўксинки уруб фиғор килди,
Тирноги била шиёрб килди.

Экти сочибои сиришк анбух,
Тан мазраи ичра тухми андух.

Рангин ёшидинки тўкти хуноб,
Юз сафхаси ичра чекти абвоб .

Хар бобида ёзилнб хисоби,
Гам дарсида бир бало китоби.

Хасрат овучин кокиб, чекиб ох
Ким, тортар эди фиғони жонкох.

Ул унлар ила топиб дамодам,
Икболу нишот кушлари рам.

Эгар эди кож уруб камарни,
Кун чашмаси ичра нилуфарни.

Ул юзга бўлурга гайр махрам,
Киндурур эди либоси мотам.

Дебким: «Недур, эй сипехри золим,
Солмок бу шикасталикка холим.

Нахлимгаки эрди зери дастинг,
Не эрди шпкаст уза шикастинг?

Нахлики ушоттинг они осон,
Туфрок ила кадди бўлди яксон.

Тортиб яна тешаи жафони,
Юз пора пе эрди килмок они?

Эмдики килиб жафо писандин,
Бедодинг айирди банд-бандин.

Недур яна жузв-жузвин олмок,
Оташкадан балога солмок?

Мен бор эдим ул нихоли наврас,
Йўк шохима хору теграма хас.

Шохи тарабим бу дам килиб гул,
Бошим уза тонгла очилиб гул.

Не нахлима мевадин нишони,
Не баргима офати хазони

Ким, багрига хор тиктим эркин,
Не кўкка бошимни чектим эркин.

Ким ишк елига коттинг они,
Ул сарсар ила ушоттинг они.

Ишк они ушоткач ошкора,
Хижрон кўлига бериб катора.

Боштин-оёгини ёра килдинг,
Ажзосини пора-пора килдинг.

Чун айладинг они неча парканд,
Килмай мунга хам ўзунгни хурсанд.

Куйдургали жузв-жузвин олдинг,
Гам дўзахи ичра доги солдинг.

Дўзах манга эмди бу хабардур.
Ким, жонима ўтидин шарардур.

Йўк, йўк, не шарарки, барки офат,

Андин бори дахр гарки офат.

Офат ўти дахр аро тутошса Ким,
дуди онинг фалакдин ошса,

Андин манга тушса бир шарора,
Кул бўлмокдин йўк ўзга чора.

Хосса, тутошиб бу нотавонга,
Андин шараре тушуб жахоига.

Хам дахрни килгай оташолуд,
Хам қўкка етушгай ўтидин дуд.

Ул ўт аро бу заифи гамнок,
Кайси гампок, балки хошок.

Хошок дема, шикаста мўри,
Жони юкидин танига зўри.

Ул мўрга тушса бўйла дўзах,
Овах нечук этгусидур, овах.

Ул мўр мени шпкастаномен
Ким, бу томуг ичра мубталомен.

Бир мўр не килмиш ўлгай, эй чарх,
Килмокни не билмиш ўлгай, эй чарх

Ким, касдига тез ўлуб хироминг,
Минг барк ила бўлгай интикоминг.

Мен худ бу сифат бало асири,
Юз мехнату нбтило асири.

Ул зору заифи ногузирнм
Ким, бордур ул менинг асирим.

Оё не экин гамимда холи,
Чирмонмок ила тани чу поли?

Ишким ўтида ёдарму эркин,
Хажрим гамида чидарму эркин?

Шавким чикорурму эркин охин,
Охи учурурму жисму кохин?

Савдоки сочим гамида тортар,
Хар лахза нечук жунупи ортар?

Чун каддим учун тузар навони,
Не навъбийик бўлур фиғони?

Чехрам тилаб ўлса навхаангез
, Айларму экин спришки гулрез?

Зулфум шикапида килса атноб,
Жисмига нечук тушар экин тоб?

Гамзам сари бўлса фикрат андеш,
Сончилур экинму багрига неш?

Лаълимки сув окизур кўзидин,
Борурму экин судек ўзидин?

Огзим сўзин айлагач такаллум,
Бўлурму экин адам аро гум?

Белим сори чун тушар хаёли,
Колурму вужуди ихткмоли?

Кошим хамндин чу торткач вой,
Кадди хам ўлурму ўйлаким ёй?

Фикрики мпжамдин айлар эркин,
Юз хора аро кўнгли найлар эркин?

Кўзум сари сурса можарони
, Кўрмас экин ок ила карони.

Эрним гами ашкин этса Жайхун ,
Борурму экин ул ашк майгун?

Холим гами сб тўярму эркин,
Кўз мардумини ўярму эркин?

Ёд этса тазарвдек хиромим,
Бўлурму экин асири домим?

Истарму экин юзумпи хар кун,
Иўкларму экин сочимии хар тун?

Даримдип ўзи ёдоб экииму,

Хажримдин иши хароб экинму?

Бас йўк эди мунча меҳнату гам
Ким, билгусидур бу киссани хам.

Бу ишки эмас хужаста фоли,
Худ бўлмогининг не ихтимоли.

Олам эли бирён ўлса яксар.
Мумкин эмас ўлмоги муяссар!

Согингай ул эмгак ошноси,
Мендин бўлмок бу иш ризоси.

Гар хар гам аро ўзумни солмон,
Бу гамга нетайки туза олмон.

Фарёдки ўлгудек гамим бор,
Тонг йўк гар ўзумга мотамим бор».

Хилватда анга бу павхалар иш,
Онгдиб онаси каминда эрмиш.

Англаб они бўйла мункалиб хол,
Кўп бўлди бу гамда музтариб хол.

Тун-кун ишп мохпора фикри,
Бу дарду гамига чора фикри.

Эй чорапамо, илик йигиштур
Ким, дардима чора саъб иштур.

Чора тиламакдин эт канора,
Бечоралик англа бизга чора.

XX

Мажнуннинг атоси ани ишк бодиясидин келтуруб, Каъба тавофига олиб боргани ва ул муножот бахонаси била кўнглидаги чирин ёзгани ва дуо килмок таронаси била хотиридаги махфий макосидин тилидин чикоргони ва арафот ахлидин арасот кўпоргани Мундок деди нокили маони, килгоч бу бадиъ сўз баёни.

Ким кочти чу ул рамида пайванд,
Ул тун уйидин рамида монанд.

Кундуз эли уйда тоимай они,
Бошлаб яна навхаю азони.

Харён чикибон аёгу отлик,
Кайтиб бори тоимайин уётлик.

Лол этти яна атосини гам,
Бехолу хазин аносини хам.

Ултурдилар икки зори бехуд,
Кўп фикр этиб эттилар яна рад.

Кўп сўз юзин ул очиб бу ёпти,
Охир мунга сўз карор топти

Ким, хар саридин узуб таваккуъ
Тенгрига-ўк айлабон тазарруъ.

Хакдин иков они истагайлар,
Пайдову нихони истагайлар.

Хушвакт килиб ниёз ахлин,
Осуда замир роз ахлин.

Хар гўшанишину бепавойи,
Килгайлар анинг учун дуойи.

Хак рахм этиб икки бенавога,
Бергай они ул ато-анога.

Хаж мавсими эрди иттифоки,
Айлаб бори Каъбанинг яроки.

Бориб неча кун тилаб ўзу ёт,
Мажнунни топиб кетурдилар бот.

Килдилар ани ул ишдин огох
Ул иш анга хам бор эрди дилхох.

Ултуртуб ани амори ичра,
Утни манкали хисори ичра.

Фурсатни бори билиб ганимат,

Каъба сори килдилар азимат.

Чун бўлдилар ул харамга махрам,
Иўк, йўк, не харамки, арши аъзам .

Ер узра сипехрдин нишоне,
Туфрок уза балки осмоне.

Ер мақдамидин фалакка монанд,
Ул бу фалак узра арш пайваид.

Хар рукни келиб сукунга макрун,
Аркон анга мисли рубъи маскун .

Ё сўфийи мазхари жамоли,
Жуз ҳақдин ўлуб замири холи.

Ер натъида ўлтуруб мураббаъ
Сўфи киби эгнида мураккаъ.

Урнида нечукки кутби собит,
Атрофи ушук тоши савобит

Не кутбки теграсида актоб,
Мужгон била хокрўби абвоб.

Мехнат хасин анда тоимайин эл,
Азбаски малак канотидин ел.

Авжида малоик учмоги фош,
Хар кеча нечукки ханли хуффош .

Сўздек топибон асоси махкам,
Кўздек кийибон либоси мотам.

Тавфидин улуска зилли шохи,
Атрофи сипехр саждагохи.

Мажнунга кўрунғач ул салобат,
Кўнгли сари юзланиб махобат.

Ишк этти димогини мушавваш,
Кўнгли аро шавк ёкти оташ.

Ёгдурди кўзи ёшин ёгиндек,
Ох урдию секриди чокиндек.

Даврида харамнинг ўлди дойир,
Ер гирдида мпсли чархи сойир.

Юз бирла килиб тошини заркор,
Ашкин окизиб нечукки паркор.

Рухсори супургач ул эшикни,
Халкасига урди чуст иликни.

Хар бормогигаки руст ўлуб тоб
Бир халкага тушти неча куллоб.

Ул тавки мурод ичига дархам
Куллоби мухаббат ўлди махкам.

Куллоби чу бўлди халкага банд,
Занжири тазаллум ўлди пайванд.

Бир навъ тазаллум охи чекти,
Ул дуд ила гам сипохи чекти.

Ким, чарх либосмн этти ул дам,
Каъба тўпидек либоси мотам.

Айлаб ани бўйла мотами зор,
Фарёд кўтарди мотамивор.

Дедики: «Аё ҳаками доно,
Хар ҳукмда хокиму тавоно!

Эй ишк ўтин айлаган жахонсўз,
Андин мени нотавонни жонсўз.

Эй ургон ул ўтни хирманимга,
Хирман неки, жон била танимга!

Эй ишк ангаким, мулозим этган,
Хижрон ўтин анга лозим этган!

Эй кимгаки ишкдин солиб банд,
Талх айлаб анга насихату панд!

Эй ишк ила ониким килиб фош,
Атфолдин анга ёғдуруб тош!

Эй кимники айлаган паричехр,

Девонаси сори бермаган меҳр!

Эй жон аро солиб озари ишк,
Кўнгул садафида гавхари ишк

Ишк ичра букун мени шикаста.
Келмиш мен асиру пойбаста.

Хар раги танзим ичра ишк банди,
Жон риштаси ишкнинг каманди.

Тори баданим аро бўғунлар,
Хам шк танобидин тугунлар.

Жисмим аро доғи бегарона,
Ишк ўтларидин келиб нишона,

Мамлу анинг ўти бирла жоним,
Жоним неки, мағзи устухоним.

Бу ишк ўтиким баён килурмен,
Мухлик гамини аён килурмен.

Демогин мени тарабга хос эт,
Ёхуд гами ишкдин халос эт!

Дерменки манга бу ўтни хардам,
Афсун килу, килма зарраи кам!

Чек айнима ишк тўтиёсин,
Ур калбима ишк кимиёсин!

Кўнглумга фазо харими ишк эт,
Жонимга гизо насни ншк эт!

Ишк исидии эт дамимни мушкин,
Ишк ўтидин эт юзумни рапгин!

Бўйнум уза, «айн»ин айлагил тавк,
«Шин»ин кил ичимга шуълаи шавк.

«Коф»ин манга айла кўху андух,
Кўнглумга гамини кўх то кўх,

Уч нуктасини шарора айла,
Иккисини нкки хора айла.

Ул шуълага хам керак шарора,
Бу кофга доги хора пора.

Жонимга сол ул шарорани хам,
Бошимга ур ушбу хорани хам.

Юз мунчага элни монӣ этма,
Минг мунчага мени конӣ этма!

Кўнглум гам ила тўк айла, ё раб!
Ишк ичра мсни йўк айла, ё раб!

Дерлар манга «Ишкни унутгил,
Лайли гамидин канора тутгил».

Аллох-аллох, бу не сўз ўлгай,
Ул кавмга тенгри узр кўлгай.

Ёрабки бу хушгубор бода,
Жоми талабимга куй зиёда!

Ул бодадин ўйла тут манга кўш
Ким, ёдима харгиз ўтмасун хуш!

Лайли ишкин таннмда жон кил.
Лайли шавкин рагимда кон кил.

Дардини нажотим эт илохи,
Едини хаётим эт илохи!

Хардамки эмас анинг хаёли,
Кўнглум уйин андин айла холи!

Хар ўтки йўк анда ишк сўзи,
Мен хастага килма они рўзи!

Хуйики эмас анинг гамидин,
Фош этма бу телбанинг дамидин.

Дардимга хаёлини табиб эт!
Жонимга висолини насиб эт!

Гайрин назаримда фони айла,
Мехрин манга жовидони айла!

То бўлса хаётдин нишоним,

Савдосини кил тан ичра жоним!

Жон чикса бу жисми нотавондин,
Ёди била-ўк чикор жахондин.

Танлар тирилурга кўйсалар юз,
Кўйи елидин танимни тиргуз!

Дўзах манга етса жовидони,
Ишки ўтидин кизиткил они.

Жаннат сари чекса сарнавиштим,
Васли харамини кил бихиштим.

Онсиз мени бирдам этма мавжуд,
Будумни кил онсиз ўлса нобуд!»

Гарм айлабон они бу муножот,
Атрофида лол ахли хожот.

Ул койилу юз асири гамгин,
Борининг ўлуб хадиси «омин»

Бехуд колибон факир атоси,
Хайрон бори хешу акрабоси.

Бу навхаву ашк нолишидин,
Бори юдилар илик ишидин.

Ул хам чу тугатти навхаи дард
Бўлди яна аклу хушидин фард.

Охир кўтариб неча дилафгор,
Манзилларин ўлдилар талабгор.

Ишк ўти кўнгулни куйдурур чоғ.
Манъига су куйсалар бўлур ёғ.

Хаж тавфида ишкини ирода,
Кам айлабу ул бўлуб зиёда,

Эй, зойири каъбаи саодат,
Лутфунгдин этармен истифодат

Ким, бизни даги дуода ёд эт,
Бу ишк ўти шуъласин зиёд эт!

XXI

Мажнуннинг вакшатлиг элдин улфат риштасин узгони ва биёбон вахшийлари била унс навосин тузгони ва кийиклар била Нивфал ови аро колгони ва Навфал висол ваъдаси камандин анинг бўйнига солгони ва кийикларни озод килиб они сайд килгони ва кўнглин овлагони

Килгон бу фасона ков-кови,
Бу киссага бўйла бўлди рови

Ким, ёнди чу хаж тавофидин хайл,
Хар ким ватанига айлади майл.

Мажнун атосига рапжи жовид,
Углидин ўлуб тамом навмид.

Забтини билибки мумкин зрмас,
Бефойда иш натпжа бермас.

Авд этти тутуб жахонни ёши,
Маъюс бори уруг-каёшн

Девона даги ёниб шитобон,
Катъ айлаб тог ила биёбон.

Хар кун яна бир тараф хироми
Хар тун яна бир даман макоми.

Не турғонида карори онинг,
Не азмида ихтиёри онинг.

Йўк хеч сўз айтмокка майли,
Айтур сўзи бу кадарки: «Лайли».

Хам Лайли ўлуб тилида зикри,
Хам Лайли ўлуб ичида фикри .

Харён назар этса ошкоро,
Лайли назарида жилва оро.

Тасвир этибон юзи хаёлин,
Кўзга кигоруб кади мисолин.

Иккисига чун килиб тааммул,
Сарв узра гул айлабон тахайюл.

Хам сарвнинг олида кўюб бош,
Хам ул гул учун равон килиб ёш.

Лайли гамидин килиб тафаккур.
Юз байту газал деб ўйлаким дур.

Хам кофияси анинг сифоти,
Хам барча радифи онинг оти.

Эшитгач ани гамину дилшод,
Юз завку нишот ила тутуб ёд.

Абётига маъни оташолуд,
Назми чикориб димогидин дуд.

Хар лафзида шавк харфи мубхам,
Хар харфида ишк сирри мудгам.

Ул назм илаким тузуб навои,
Солиб улус ичра хой-хойи.

Пажмурдага жон мулосик айлаб,
Афсурдани зору ошик айлаб.

Тс хуш димогига солиб тоб,
Абъёт деб ўйлаким дури ноб.

Чун монии хуш ўлуб жунуни,
Ева сўз ўлуб анинг фунуни.

Эл харне такаллум этса билмай.
Уз сўзини доги фахм килмай.

Ўртаб кўнглин жунун гам ичра,
Хардам солиб ўзга олам ичра.

Келмай нафасе ўзига хуши,
Сахро вухуши киби хуруши.

Не йигларига газаб муайян,
Не кулмагига сабаб муайян.

Рухсори тапонча бирла мажрух,
Аъзосида йўк нишонаи рух.

Бу холатидин гахи килиб хавл,

Уз холига айлар эрди лохавл.

Ул накшни ёна ишки бебок,
Филхол юр эрди кўнглидин пок,

Тог ичра уни тушуб сабодек,
Кум узра тапи курук гиёдек.

Ёшлардек этиб йигию фарёд.
Килмай ато-аносин, вале ёд.

Ёр айлабу ошно балони,
Согинмай ёру ошнони.

Андух еб, этиб жафо майи нўш,
Ичмак-емаги бўлуб фаромуш.

Кўз ёшидек ўлмаи орамида
, Жайран киби халкдин рамида.

Нафс итлигидин кечиб тамоми,
Дашт узра кийик мутиу роми.

Хар кумгаки макдами етишиб,
Бир дашт кийик анга эришиб.

Гирдида кийик, тўла ябони,
Ул ўртада ўйлаким шубони.

Гохи ўпубон мунунг жабинин,
Гохи силабон анинг суринин.

Харён бўри посбон итидек,
Йўк, йўк, не дедим, шубон итидек.

Бу дашткаким тушуб гузори Ким,
кўкка етиб фиғону зори,

Навфалки Арабда эрди нодир,
Тигига кадар, ўкига кодир.

Яхшилик ила Арабда мавсум,
Оромгахи бу марз ила бўм.

Ул кун килибон хавойи пахчир,
Ов амрига килмиш эрди тадбир.

Хар хайлдин эл килиб мураттаб,
Сахро сори сурмиш эрди маркаб.

Чарга аро колмиш эрди Мажнун,
Даврида кийик ададдин афзун.

Хар сайдки ул сипахни кўрди.
Тўш-тўшдин анинг сори югурди.

Борисига иш анга ялинмок,
То мумкин аинг сори сигинмок.

Навфал кўруб ул хилофи одат,
Хайрат анга ажз этиб зиёдот.

Сўрди элидинки: Бу гаробат
Ким, кўнглум аро солур махобат.

Сиз хам кўрасизму, йўкса йўкму,
Ё келди менинг кўзумга-ўкму?»

Ул хайлда баъзи зрди хамрох,
Мажнун ишидин саросар огох.

Навфал кошида суруб хикоят,
Ул киссани килдилар ривоят.

Навфал даги ишк кўрган эрди,
Гам дашти аро югурган эрди.

Бу ишники бнлди йиглади зор,
Ул сайд килурдин ўлди безор.

Дедики: «Не кимие эрур ишк,
Не борикаи зиё эрур ишк

Ким, хар кишиники килди гамнок,
Гашдин килур ўйла калбини пок,

Ким вахшки бўлмас эл била ром,
Сахро аро тутмас онсиз ором.

Ишк ўйла вужудин орितिбдур,
Андок башарияти итибдир

Ким, вахшга йўк кошида дахшат

Чун кетти башарлик, итти вахшат».

Тарк айлади сайдга жафони,
Элга деди: «Ташланг ўку ёни,

Хам итлигинтизни ташлангиз чуст,
Хам итларингизни боғлангиз руст!»

Чун хайлига килди бўйла ахком,
Тушти, даги кўйди ул тараф гом.

Мажнун кўруб они ошноваш,
Келмаклиги келди кўнглига хуш.

Гарчи даду дом килдилар рам,
Мажнуни рамида турди бирдам.

Етгач Навфал, салом килди,
Мажнун анга ихтиром килди.

Дедиким: «Аё хужаста дийдор,
Чехрангда хужасталик падидор.

Хам мехри сафо юзунгда толиъ,
Хам нури вафо энгингда ломиъ.

Юз ком санга наснб келди,
Сендин кўзума гариб келди

Ким, гофил улус киби чекиб ўк,
Вахш этидан ўзни истамак тўк.

Чун йўк бу гизога ихтиёжинг.
Озор недин тилар мизожинг

Ким, нафс нншотига чекиб хайл,
Кон тўккали кўнглунг айлагай майл.

Бу зулм ила ул гизому бўлгай,
Сендин бу сифат равому бўлгай?

Гар урса тикан аёгинга неш,
Кўнглунг аёгинг учун бўлур реш.

Не мазлама ёйин ўлди курмок,
Ук чекмаку жониварни урмок?

Хак берди буларга доги жони,
Ойини хаётдин нишони.

Бу неча рамида жонидин кеч,
Бежурм гурух конидин кеч!».

Навфал кўруб ул каломи дурпош,
Ер ўптию кўйди олида бош.

Дедиким: «Аё фаришта пайванд,
Келмай сифатинг башарга монанд!

Бу сўзки мурудинг эрди билдим,
Харнеки дединг кабул килдим.

Жоимга раво кўрай килич, ўк,
Лекин бу сурук рамидага йўк,

Чун сен килдинг хикоят изхор,
Эмди манга хам хикояте бор».

Мажнун анга берди буйла посух,
Ким: «Айткил, эй жамоли фаррух».

Навфал деди: «Улки килдинг иршод
Кил, килма рамидаларга бедод.
Кўйдум борининг адоватини.

Сенким, элдин килиб жудолик,
Килмишсен аларга ошнолик.

Йўк эл била улфатинг зиёдот,
Бу иш хам эрур хилофи одот.

Инсонки эрур чароги биниш,
Бал чашму чароги офариниш

Андин ўзин айламак рамида,
Хайвон била бўлмок орамида.

Акл олида бесабаб кўрунди,
Сендин манга бас ажаб кўрунди.

Андок дедиларки: «Гулузоре,
Солмиш юрагингга хорхоре.

Гар андок иш ўлгон эрса ходис,
Бўлгон эса мундок ишга боис,

Бўлгил бу рамидалардин озод,
Кезгил неча кун менинг била шод

Ул ердаки зору мубталосен,
Гам домида бастаи балосен.

Имкони боринча айланин жаҳд,
Токим килай они санга хаммаҳд.

Ер тутмаса нақду молу дархост,
Харсори сипох ишин килай рост.

Ё тухфау моли хост бирла,
Ул бўлмаса зарби рост бирла.

Гар даври фалак муовин ўлгай,
Хар навъ билаки мумкин ўлгай.

Бу уқдадин истабон кушодинг,
Коминг била еткурай муродинг.

Гар бўлмаса ул гараз муяссар,
Бордур худ анга эваз муяссар.

Фарзанд килай сени ўзумга,
Миннатни кўяй ёрук кўзумга.

Лекин даду домдин чекиб гом,
Туткил бу рамида бирла ором.

Одам била вахш келди кам жинс,
Одамга хам одам ўлди хамжинс.

Гар ёр висоли ўлса коминг,
Бу ишда керакдур эхтимоминг».

Чун васл сўзин эшитти Мажнун,
Шавк ўлди бурунгидин хам афзун.

Хушхоллик этти они бехол
Бехоллик этти нуткини лол.

Юз саъй била килиб такаллум,

Кўзида сув, огзида табассум.

Деди: «Неким айладинг хитобим,
Борисига бор эди жавобим.

Чун васл сўзин дединг унуттум,
Ул барчасидии канора туттум.

Бу ваъдаки килдинг ошкоро,
Вўлмаса вафосига мадоро.

Юзумдурур ашхабинг тувоги,
Бошимдурур маркабинг аёги».

Икки сори мундок ўлгоч озарм.
Бир-бирларини сўруштилар гарм,

Ул пояда ихтилот бўлди,
Ким мужиби юз нишот бўлди.

Чун васл ила берди муждағони,
Навфал олиб уйга борди они,

Эй хажрда жисми нотавонинг,
Чун муждаи васл топти жонинг.

Гар васл иши махолвашдур
Филхол бу мужда бори хушдур.

XXII

Навфалнинг Лайли гавхарин Мажнун икди силкига тортар учун гавхардек сўзлар назм силкига тортиб Лайли атосига йиборгони ва анинг сўз гавхарин ушотиб пайванд риштасин узғони ва Навфал сипох чекиб, ул доғи адоват ясолин тузғони ва кин арсасига от суруб дов тилашгонлари ва фалак мансубаларидин бир-биридин койим айрилишконлари ва берк ерлар хисор килиб тушгонлари

Бу дашт тай айлаган мусофир,
Бу навъ этти фасона зохир

Ким, ёр ўлуб ул ики ягона,
Чун бўлдилар уй сори равона.

Навфал тилади неча суханвар,
Хар мушкил иш ичра ройи анвар,

Шарх айлаб аларга сурати хол,
Лайли хашамига килди ирсол.

Айлаб атосига бўйла пайгом:
«Кей тавсани бахту толеинг ром!

Кайс улки Арабда бебадалдур,
Хар фазлда эл аро масалдур.

Ланли сари ишки пок пайванд,
Килгон эмиш они орзуманд.

Ифрот хаёву инфиюли,
Кўймай килурига шарх холи.

Кавму хайлин унуткон эрмиш,
Ул ишк ила дашт туткон эрмиш.

Савдо аро бўлмиш ўйла мафтун
Ким, эл дер эмишлар они Мажнун

Хайлинг аро касби илм килмиш,
Оламда не илм бори билмиш.

Сен доги ишин билур эмишсен,
Дойим сифатин килур эмишсен.

Бўлгонда бу ишк мубталоси,
Не фикрни айламиш атоси.

Гар худ санга эрмас эрди фарзанд,
Фарзандинга худ бор эрди монанд.

Сен доги илик чекиб ишидин,
Ахволини англамай кишидин,

Кўймишсен они асири андух
Ким, тутмиш гах дашт, гахи кўх.

Мундокму бўлур мурувват охир,
Мардумлиг ила футувват охир.

Ўткандин шиква килса бўлмас,
Хар негаки ўтти етса бўлмас.

Мен дашт аро тилаб нишони,

Уйга кетурубмен эмди они.

Этибмен ўзумга ёру фарзанд.
Бўлмиш яна вокифу хирадманд.

Эмди будур илтимос дархост
Ким, килсак иков никох ишин рост.

Кўз устида улча расму ойин,
Жон ўртада улча акду кобин.

Дур тож уза айбдин йирокдур,
Лаъл ўлса ёнида яхширокдур.

Гар тўлгар эсанг бўюн бу ишдин,
Вах.м айлагасен кўнгул колишдин».

Бу сўз била кўп бериб табаррук,
Айлаб алар ул сори тахаррук.

Лайли атоси хам ўлгоч огох,
Мажлис ясабон нечукки дилхох.

Пайгом ахлини айлаб икром,
Пайгомини айлаб ахли пайгом.

Сомиъга катиг келиб багоят,
Тўлгонди ўзига бенихоят.

Бевакт ўлуб этти бўйла тақрир,
«Ким, мундок эмиш азалда тақдир

Ким, ул бути чину мохи фархор,
Бу богда гар гул ўлса, гар хор.

Бир ўзга муҳиб хабиби бўлгай,
Ўзга кишининг насиби бўлгай.

Алкисса казони осмони,
Еткурди яна бировга они.

Гар бўлмаса эрди хам бу сурат
Йўк эрди манга баса зарурат

Навфал сўзига итоат этмак,
Хар ишгаки амр килди етмак.

Хоссики килиб сўзини таксим,
Бир кисмин умед этиб бирин бийим.

Уммед ила кўнглум айлагай хуш,
Бнйми била хотирим мушавваш.

Ул ойки асири беададдур,
Бу лахза бировга номзаддур.

Гар топса бу сўзидин надомат,
Ул норию биз бери саломат.

Бу сўз била тоимас ўлса таскин,
Гар лутф аёп килур, агар кин.

Лутф айласа фориғ ўлтуруббиз,
Кин кўргузур ўлса хам туруббиз.

Андок даги бўлмасун анга фахм
Ким, кинидин этгумиздурур вахм.

Разм ойляса азм килгумиздур,
Азм айласа разм килгумиздур».

Ўзни чу бу ерга хатм берди,
Деди: «Борингизки сўз бу эрди!»

Кўптилар ул эл топиб хижолат,
Навфалга кетурдилар малолат.

Навфалга чу бўлди кисса маълум,
Бўлди бу хабардин асру магмум.

Ул навъки ваъда килмиш эрди,
Бу иш бўлуруни билмиш эрди.

Жамъ айлади хар кабиладин хайл,
Филхол урушка айлади майл.

Мажнунни килиб ёнида ёвар.
Ут остида ел киби таковар.

Хам тўнига еткуруб шамома,
Хам бошига чирматиб амома.

Ул харне килурдин ўлмай огох,

Гах нола килиб, гахи чекиб ох.

От кай сариким борур дам урмай,
Турса даги йўл юрурга сурмай.

Тайёр килиб сипохи жаррор,
Жаррорлик ичра барча тайёр.

Мажнун иши саъю хийласига.
Сурди Лайли кабиласига.

Огах бўлгоч алар доги бот,
Ойини жалодат айлаб исбот.

Харён киши чоитуруб йигиб эл
Ким, амрида махкам айлабон бел.

Ўтру чикибон адувга холи,
Кўшиш била туздилар ясоли

Ким фахм этиб ўйла кахру кинлар,
Чарх айлади хардам офаринлар.

Навфал черики доги чекиб саф,
Усрук тевалар киби сочиб каф.

Бу навъ ики сипохи хунрез,
Кон тўккали барча вахшатангез.

Бнр-бирга етиштилар газабнок,
Катл этгали барча тунду бебок,

Маркаб ели арсани супурди,
Озарм гияхларни совурди.

Андокки ёгин ёгар бахорон,
Майдонга сув урди тийр борон

Дашт узра эгаргучи хаюнлар,
Ошубда ўйлаким куюнлар,

Псч урмок ишида хар синони,
Бошин киши янчгон йилопи.

Дол ўлди синони шед янглиг,
Хайат била барги бед янглиг.

Иттик килич истаб эл халоки,
Бош киркар учун нечукки поки.

Поки киби тезлик килиб фош,
Киркиб, лекин соч ўрнига бош.

Ук тойириким учуб хавога,
Йўл хайати кўргузуб балога.

Чун учкали очилиб каноти,
Аъдо танидин ўчуб хаёти.

Пайконлар ўлуб хавога мойил,
Юз кавкаби нахс барча котил.

Хар тангаки марг ўтини ёкиб,
Умр ахтари турмайин уёкиб.

Хар сори шихобвор харба,
Чун майл килиб тамом зарба.

Бўлса зирих андок ўтуб андин
Ким, игна хариру парниёндин.

Ханжар килиб ўзни муттасил тил,
Кон тўкмак этиб они кизил тил.

Ул захми забон ила хамеша,
Эл багрини ёрмок анга пеша.

Гурз айлаб ўзин улусга саркўб,
Эл магзида хардам андим ошўб.

Ногахки зухур этиб хилофи.
Бош косалари бўлиб гилофи.

Наъра била кирди абри гуррон,
Ул абрга барк тиги буррон.

Ул абри бало, бу барки офат,
Андин бори дахр гарки офат.

Остида хаюни вахшатангез,
Ел ўйлаки, абрни килур тез.

Парранда хажанги жавзи хурдум,

Сайр амрида ражъат ичра анжум.

Суръат аро баркдин дарахши,
Ражъат аро барк гом рахши.

Рокиб анга катлдин уруб дам,
Пархош куниа нечукки Рустам.

Хар бир араби таассубойин,
Равшан килиб онча шуълаи кин

Ким, кўкка бўлуб шарори пайваст,
Дарё суви айлай олмайин паст.

Бу навъ ики сипохи котил,
Бир-бирга чу бўлдилар мукобил.

Навфал сипахи калинрок эрди,
Кахрининг ўти ялинрок эрди.

Аъдоси бу шуълани кўруб гарм,
Фарз ўлди тарики хазму озарм.

Чун бор эди элга бийми офот,
Ер беркига мойил ўлдилар бот.

Гўс бўлуб эрди кун доги кеч,
Бир сори шикаст тушмади хеч.

Навфал даги ёнди шоду хуррам,
Ер топти сипах тушарга махкам.

Чун икки черикка бўлди таскин,
Кин ахлига зохир ўлди бас кин

Зулмат сипахи чу солди соя,
Анжум юрутуб анга талоя.

Чин хусрави килди тарки авранг,
Ер юзиин тутти хусрави занг .

Ул икки сипах килиб мадоро,
Хазм ўлди аларга ошкоро.

Хар сори телоялар равона,
То тонгла не айлагай замона.

Эй ишк элининг силох шўри,
Келди манга гам сипохи зўри.

Тут майки дами фарах топойин,
Ул хайлга бош яланг чопойин.

XXIII

Лайли атоси уз хайлин Навфал сипохи кошида забун кўруб, адувга чеккан тигни ўз жигарига урмоқ истагони, яъни Лайли конин окизай дегони ва ул куёшни Мажнун тушта кўруб, заволини равшан килгони ва мотамзада тундек Навфал олдида ахтари ашкин окизгони ва Навфалнинг ўти таркин тутуб ёнмоги

Рокимки узотти тил синонин,
Бу навъ эврур калам инонин

Ким, ул куи уруш чу бўлди койим,
Кўнмокка сипох бўлди нойим.

Навфал чу урушка эрди толиб,
Хасми сори бўлди вахм голиб.

Лайли атоси кўруб элин сушт,
Чора сори боглади белин руст.

Чорлатти равон урук-каёшин,
Солди орага ул иш кенгошин.

Кўп гуфту шунид арога тушти,
Кўп тул бу можарога тушти.

Охир мунга килди сўзни кўтах,
Ким: «Эл кочибон наузбиллах.

Навфал сори бўлса фатх ёвар,
Сурса хашамим сори таковар,

Хукмин сурубон амирлардек,
Лайлини чекиб асирлардек,

Хайлим ара солса бўйла афсус,
Тушса кара ерга нангу-номус,

Ул лахза ажаб бало бўлур иш,
Ё ўлмаку ё жало бўлур иш.

Бўлур каро ер тубига бормок,
Бўлмас араб ичра бош чикормок.

Бўлгунча бу навъ амри нохуш,
Бир фикр келур базе манга хуш

Ким, тонгла ул ойни хозир айлай,
Бир дамда ишини охир айлай.

Ўк игнасин тикай либосин,
Ханжар суйидин эзай хиносин.

Туфрокка солай кади ниҳолин,
Ерга киярай қоши хилолин.

Хар неча кўзум чароги улдур,
Жоним тару тоза боги улдур.

Офат елидин ўчуб чарогим,
Торожи хазонга колса богим,

Хушрокки адувга ком бўлгай,
Номус манга харом бўлгай».

Чун сўзни бу ерга айлади банд,
Тахсин этиб ўлди барча хурсанд.

Навфал сори нусрат эрди хосил,
Хайли сипахн эди кавий дил.

Мажнунга гариб холат эрди,
Гах завку гахи малолат эрди.

Чун ёр висолин айлабон ёд,
Кўнгли бу умид ила бўлуб шод.

Лек ўлмоги ёр хайли маглуб,
Кўнглин анинг айлар эрди манкуб.

Ошиклик иши эрур забундук,
Меҳнат чахи ичра сарнигунлук.

Бедилни енгиб эди бу кайгу
Ким, бахт кўзига солди уйку.

Кўрдик келур нигори зебо,

Боштин-аёгига хаззу дебо.

Йўк, йўк, не нигор, сарви гулчехр,
Не сарв, не гулки, гайрати меҳр.

Кўз чашмасида зулоли бегаш,
Жон гулшанида ниhoли саркаш.

Сахройи латофат ичра лола,
Не лолаки, мушкбў газола.

Дарёйи малохат ичра гавхар,
Гавхар неки, акси меҳри ховар.

Кўз мардумидек кўнгулга ёккан,
Яъники хамеша ашки оккан.

Хажр ўтида шамъи оламафрўз,
Яъники иши гудоз ила сўз.

Кўз ёшини субҳдек ёшургон,
Яъни гули меҳрдин дам ургон.

Сабрини окизгон ашк сайли,
Яъни маху меҳр рашки Лайли.

Хам огзида охи иштиёки,
Хам савтида навхаи фироки.

Етгач алиф кадин килиб дол,
Мажнунни аёгин ўпти филхол.

Сўнгра кучушурга бўлди мойил,
Бўйнига кўлин килиб хамойил.

Дедиким «Аё: рафики жони,
Йўк, йўкки, аниси жовидони.

Ишкинга отам ярок килмиш,
Эл хам бори иттифок килмиш

Ким, катлима тонгла айлаб оханг,
Коним била ерни айлагай ранг,

Меҳримга карин завол килгай,
Конимни шафак мисол килгай.

Мехрини шафакваш этса коиим,
Ер остини айлагай маконим.

Ишкингда манга бу эрди максуд
Ким, кўрсам ўзумни анда нобуд.

Даврон бу муродима етурди,
Не истадим олима кетурди.

Ишкингда не орзуки эттим,
Ул навъки комим эрди еттим.

Тушти менинг олима ажаб йўл,
Сен яхши кол эмдию тирик бўл»

Бу сўз била кўздин окизиб рўд,
Девонаси бирла килди падруд.

Мажнунга дегач бу сўзлар ул ой,
Сесканди анингдек айлабон: «Вой!»

Ким, ўчти улус кўзидин уйку,
Эл хайрат этибки: «не эди бу».

Мотамзадалар киби ўкурди,
Навфал сори ашкидек югурди.

Етгач ер ўпуб сўз этти оғоз:
«Кей хасмга голибу сарафроз!

Тенгри учун эмди чекмагил тиг,
Кўй, кинаю разм килмогил биг!

Ким, тигинг этар кўнгул шигофи,
Жон касди этар анинг масофи.

Тонгла яна разм тузма охир,
Пайванди хаётим узма охир!

Кин ёйин иликдин айлагил йўк
Ким, жонима тегмагай меинг ўк».

Хайрат била Навфал этти тафтиш
Ким, эрди хилофи одат ул иш.

Арз айлади кайфиятини Мажнун,

Навфалки эшитти, бўлди махзун.

Жазм эттики: «Бу казия чиндур,
Мажнун туши бегумон якиндур»».

Аглаб эди кўнглининг сафосин,
Бал ойинаи жахоннамосин

Ким, айламас анда ошкоро,
Жуз сидк жамоли жилва оро.

Чун тун араби мусофирона,
Хар сори тушурди хайлхона.

Кўк мазраи ичра бетаваххум,
Ок уйини тикти турки анжум.

Хам бу хабар ўлди элга тахкик,
Эл барча килиб сўзига тасдик.

Навфал хашамига кўйди юз бот
Ким, етмагай ул санамга офот.

Мажнун даги килди дашт азми
Ким, фатх карини бўлди разми.

Эйким, манга хамдаму каринссн,
Муставжиби юз минг офаринсен.

Бандангмен, агар килиб мени ёд,
Бошингдин эзуруб этсанг озод.

XXIV

Мажнуннинг Навфалдин айрилгони ва бодпойин девбоддек суруб, бодия азми килгони ва Зайд га йўлукуб ахволин маълум этгони ва анга етган бедоддин мунунг хам кўнглига алам етгони ва анинг истирзоси учун харне борин анга бериб, Лайли хашами кўчган ерга кетгони

Бу сафхапи айлаган мунаккаш,
Сўзга бу сифат бўлур ракамкаш:

Ким, ёнди чу Навфали вафокеш,
Лайли эли бўлди фикратандеш

Ким, Навфал иши ажаб кўрунди,

Ёнмоглиги бесабаб кўрунди.

Вахм айладиларки; «Макр этгай,
Гофил килибон бошига етгай».

Ул даштдин эттилар равон кўч,
Килгон киби хажга корвон кўч.

Богланди чу бухти узра махмил,
Оромгах ўлди ўзга манзил.

Ул толии корсоз бўлгон,
Аъдосига сарфароз бўлгон.

Бош тортгон ўйла шамъ бахти
Ким, куйган уйию барча рахти.

Икболи саманди секриган чувт,
Туфроқ уза они ташлаган руст.

Бахти чаманида бутган ул вард
Ким, бошига атридин етиб дард.

Яъни Мажнуни дил рамида
Борур эди бўлмаи орамида.

Ногох йўлукти дардманде,
Етган анга дахрдин газанде.

Мажнун кўруб анда гам нишони
Гамгин бўлдию сўрди они.

Ким: «Чарх пе иш бошингга солди.
Ким бўйла гирих кошингга солди?»

Мендек не учун малолатинг бор,
Де, тенгри учун не холатииг бор?»

Гамгин чекиб охи дардпарвард,
Бу навъ дедики: «Эй жувонмард!

Мен, мен араб ичра хоксоре
Бемояу тийра рўзгоре.

Ул пояда ажзу беназолик,
Ким рўзи учун килиб гадолик.

Лайли хашами менинг панохим,
Ул хай туфроги такягохим.

Ул хайл отим хитоб этиб Зайд,
Бир хайли аёл этиб мени кайд.

Бу вақтки Навфали жафогар
Мажнунга бўлуб мутиу чокар.

Оразмга садди рох чекти,
Лайли элига сипох чекти.

Хеч иш бўлмай арода вокеъ,
Бўлди яиа манзилига рожеъ.

Лайли зли вахм этибки ногох,
Ул вақтки ўлмаса эл огох

Гофил килиб элни эмди кетгай,
Ёнгай даги этгай улча этгай.

Борди эса ихтиёр иликдин,
Очилмас иш ул замон биликдин.

Журъатдин эрур пишот килмок,
Лекин керак эхтиёт килмок.

Машъуф ўлубон бу нукта дерга.
Чектилар улусни берк ерга.

Чун килди кабила ахли шабгир,
Тун олам аро сочар зди кийр.

Чун кўч элидин назарни ёздим.
Очкунча юмуб назарни оздим.

Манзилда бўлуб алар карори,
Мен тушган эмишмен ўзга сори,

Чун меҳр сахар йўлин ёрутти,
Икки тевалик йўлумни тутти.

Навфал сипахини таркатиб жазм,
Килгон эмиш уйга ул иков азм.

Тутмок мутааззир эрди гўша,

Анбончада харне эрди тўша.

Олдилару икки, уч дирам хам,
Бал харне бор эрди бешу кам хам.

Бу онча эмас эдики ёна,
Чектилар иковла тозиёна⁵:

«Накдингни нетибсен, айтгил!» деб.
«Кўмган ери сори кайтгил» деб.

Урмок била жисмим айлабон реш,
Чун тоимадилар нима каму беш.

Солдилару килдилар азимат,
Мен фурсатни билиб ганимат,

Гом ургали бу тараф ошуктум,
Токим санга бу замон йўлуктум.

Сен доги агар алардин ўлсанг,
Сахрода киши талардин ўлсанг.

Йўк кисада накддин нишоним.
Бордур керак эрса накди жоним».

Мажнун эшитиб бу можарони,
Отдин солиб ўзни, кучти они.

йиглаб деди: «Эй рафики мажрух!
Нетгай санга айласам фидо рух?

Жоним баданинг шифоси бўлсун,
Бошим кадаминг фидоси бўлсун⁶.

Навфал элидин не бўлса ходис,
Мажнун анга ўлгон ўлса боис.

Мажнун мени тийра рўзмен бил,
Тиг ол, пеки хотиринг тилар кил.

Жисмим тилаганча айла ёра,
Кўнглумни худ айла пора-пора.

Вахм этма бу ишда тангдилмен
Ким, харнеки айласанг бихилмен .

Гар катлима айламассен оханг
Ким, олам элигадур бу иш нанг.

Хам накдинг учун эваздур отим.
Хам ўзга жихотинга жихотим»,

Деб харнеки киймиш эрди сўйди,
Мажмуин анинг қошига кўйди.

Хам қошига чекти бодпойин,
Колкону қиличу ўқу ёйин.

Кўп бўйла қилиб рамидадиллик,
Упти аёгнн тилаб бихиллик,

Дедики: «Агар азнмат этсанг,
Лайли хашамига ёна етсанг.

Не тил бўла де, етур саломим,
Ё бўйлазу бўйла де паёмим

Ким, онча менинг хижолатим бор,
Ул пояда саъб холатим бор

Ким, мумкнп эмас такаллум этмак,
Худ бўлмас апи таваххум этмак.

Бўлдунг чу балода рахшуносим.
Бордур санга мунча илтимосим

Ким, ёр кабпласпн эришгил,
Кай сорики бордилар етишгил.

Хам олма юзунгнн ул макондин,
Бошинп; даги ул остондин.

Жисминг ул эшикда хоксор эт,
Шукронага жонни хам нисор эт.

Жон бергали бермаса кўнгул ёр,
Менда доги жон била кўнгул бор.

Иккисини санга топшуромен,
Туфрог аро танни ёшуромен.

Жоним эшигида айла помол,

Кўнглумни итининг олига сол».

Они бу фасона айлабон тез,
Эшитгучи кўнгли хайратангез.

Билгач ўзни, англабон каломин
Ер ўптию килди эхтиромин.

Дедиким: «Аё гузини айём,
Ишк ояти ичра харфи идгом!

Ул хажр тунига субхи уммед,
Не субхи умсд, меҳри жовид,

Меҳрига саодат авжи матлаъ,
Исмат хулали юзига буркаъ.

Ул навъ гампнгда нотавондур
Ким, элга хаднси дostonдур.

Хам огзи аро сенинг маколинг.
Хам кўнгли аро сенинг хаёлинг.

Гап килсанг ишоратики, сурсам,
Сендин хабари анга етурсам.

Бу муждадур анга жондин ортук,
Бал харнеки дермен ондин ортук.

Неким манга сен риоят этсанг,
Мунча нимаким иноят этсанг,

Сендин анга айтсам фасона,
Ул бергуси икки мунча ёна.

Хак сўз десанг анга еткурурмен,
Амр ўлса жавоб келтурурмен.

Хам ком топар ики дилором,
Ўртада манга даги етар ком».

Мажнун деди: «Эй рафику хамдам!
Жонбахш дамнинг ярамга мархам,

Хижрони тилимни лол этибдур.
Сўз дерни манга махол этибдур.

Лекин чу ишимни сўрдунг охир,
Холим бу дурурки кўрдунг охир

Ким, мен мени дардманди мажжур,
То бўлгай отим кошингда мазкур.

Сен чунки бу ёрлик килурсен,
Харне дер эсанг ўзунг билурсен.

Ойини вафо шиоринг ўлсун,
Бор эмдики тенгри ёринг ўлсун»

Зайд ўлди фалакрав узра рокиб,
Сурди андоки нажми соки.

Ул тез кабила сори сурди,
Мажнун даги ёнди пўя урди.

Ул ерга дегин югурди жондин
Ким, кўчмиш эди кабила ондин.

Эй ёри манозили насими,
Жон атри берур дамнинг шамими.

Етгач бу шамим беҳуд ўлдум,
Жонон хабарин де, йўкса ўлдум!

XXV

Куёш чашмаси саратон макони бўлгондаким, харорат фартидин хаво хубоб сардоба ларида пинхон ва ўт хоро мусомотида нихон бўлурда Мажнуннинг ўтдек изтироб ва хаводек шитоб била Лайли хашами ўрнига етиб, кўтур итни назора этгани ва ит ошнога ялингондек ул ошнорўй итга ялингани ва элдин хайратангиз хитоб эшитиб, вахшатомиз жавоб бергани ва ул ит қошидин кийиклар сухбатига етгани ва анинг мушкин газолидин раками мушкбор еткургани

Бу арсада айлаган таку пўй,
Сўз сохатида бу навъ урар гўй

Ким, етти чу ул дамапга Мажнун
Ким, сайр этиб эрди меҳри гардун.

Кун туш эдию тамуз фасли,
Жавзо била меҳр тоб васлиб.

Кун гарм бўлуб халок жонга,

Лайли киби ўт солиб жaxonга.

Хар елки эсиб хароратомез,
Мажнун дамидек жарохатангез.

Тинмай югуруб куюн тагидин,
Кум узра аёги куймагидин.

Хуршед хароратидин анжум,
Ер сояси остида бўлуб гум.

Кўк табъига чун харорат ошиб,
Жисмига шафакдин ўт тутошиб.

Тогдин кишиким тилаб нишони,
Вир тўда кизик кул англаб они.

Жисмидаги оташин гухарлар,
Андокки кул ичра ўт кўмарлар.

Дарёга солиб исиг хаво тоб,
Тўлгонмоги ўз-ўзига гирдоб .

Ўрдак анга чун аёг узотиб,
Сув жўши аёгин элпиротиб.

Ул сув тафидин тилаб фарогин,
Парда аро чирмабон аёгин.

Окартиб экинии меҳри пурнур
, Кўк хатни нечукки таъби махрур

Бугдой борп хўшадин арилнб,
Тоба нахуди киби ёрилиб.

Хирман ерпда тазарву дуррож,
Ер тобасидин теруб ковормоч.

Ўргамчи шабокка парда солиб,
Ул парда ичинда соя олиб.

Итлар тили ерга тегуруб бош.
Гурра асад пчра айлабон фош.

Куртики харорат ўртаб они,
Тар мева аро кириб нихони.

Ул мевани меҳр парваришта,
Айлаб бори хом эканда кишта.

Кўллар ери сувпи жазб этиб пок
Сув хасратидин танида юз чок.

Ул кўнглини хажр чок килгон,
Гам жонини дарднок килгон.

Ул ерга етишти ногаҳондин
Ким, кўчмиш эди кабила ондин.

Эврулди хамул даманни бисёр,
Не акл, вале анга не хис ёр.

Кўчмиш эди бори хайлхона,
Ерда колиб ўрнидин нишопа.

Хар ердаки кўрди уй маконин,
Юз бирла супурди остонин.

То сайр ила етти иттифоки,
Ул ергаким ул санам високи.

Кўпгмлга тутошти ўйла пийрон
Ким, хилкати мулкин этти вайрон.

Хам жисмига печу тоб тушти,
Хам кўнглига изтироб тушти.

Билхосса ишки хонапардоз,
Кўнгли аро солди махфи ул роз

Ким, ёр макоми бу дамандур
Ким, туфроги жонига ватандур.

Хам дилбар исин топиб димоги.
Бўлди яна тоза ишк доги.

Кўйглини гам айлади лагадкўб,
Жони аро тушти онча ошўб

Ким, дахрин кўзгади нихони,
Кўнглидаги ишк кўзголони.

Бнрдам чу бу ўти топти таскин,

Кўпти яна ул гариб мискин

Манзилга юз урди гом-баргом.
Юз кўпдию сажда килди хар гом.

Жонон уни ўрнини чу топти,
Жон пардаси бирла они ёпти.

Кирпиклар ила ерин супуруб,
Туфрогини кўз аро ёшуруб.

Ашки била балчиг айлаб они,
Беркитгали равзани балони.

Бир лахза танур ичинда итти,
Ўтлуг дамидин ани кизитти.

Кулларни кўзига сурма тортиб,
Кўз уйини сурмадек карортиб.

Охур аро лахзаи кўюб гом,
Ках баргидек анда тутти ором.

Хар донанн томидинки чекти,
Кўйгли аро меҳр тухмин экти.

Кийз порасин охи куйдуруб чуст
Боши ярасига боглади руст.

Хар ён югурур эди уруб ох
Ким, бир кўтур итни кўрди ногох.

Эти тери захматидин ориб,
Аъзоси харошдин кизориб,

Хам супи равоп огиз-бурундин,
Хам жисми жудо бўгун-бўгундин

Кои колмай солча рагларига,
Жилди ёпишиб сўнгаларига.

Аъзосида унда-муида бир тук,
Ул хам бўлуб анга бир огир юк.

Килман юрумакка майл харгиз,
Куйруги юкин чекарга ожиз.

Эрники ёпилмайин тишига,
Яъники кулумсуб ўз ишига.

Кўзики ўзин чуқурга солиб,
Аъзосига боккали уёлиб.

Огзи нафаси пасими меҳнат,
Куйруг анга зайли мими меҳнат.

Юз йўл таиига ясаб жарохат,
Меҳнат кирибон чикарга рохат.

Баским тани равзан узра равзан
, Равзан-равзан бўлуб анга тан.

Яралари ичра кайнашиб курт,
Хам апда аларга туъма, хам юрт.

Килгоч ярасини курт дархам,
Тил бирла яламок анга мархам.

Балким бу адувга кахр сурмак,
Хар лахза аларга тил тегурмак.

Коплиг жасадида бир сурук зог,
Бир лолада ўйлаким неча дог.

Учуб-кўнуб айлаб анга кинлар,
Захм устида ўйлаким чибинлар.

Йўк анга чибин кўрур мажоли,
Куш ковгали худ не эхтимоли?

Мажнун кўргач бўлуб мушавваш
Кўнглига бу зулм келди нохуш

Итга кўюбон тани итоат,
Ул хайлга бошлади шафоат:

«Кей талъату лавкингиз муборак,
Бўлгон манга барча тожи торак.

Бошимдаги юз яра нишони,
Хар бир бирингизнинг ошёни.

Кўнглумдаги юз тешук тешиб ох,

Хар бир бирингиз учун ватангоҳ.

Айланг бу харобани нишиман
Ким, жавру жафо чекар кишиман.

Кўзумни чўкунг, танимни тишланг,
Онинг кўзину танин багишланг.

Касдингиз агар нахиф итдур,
Бу хаста доги заиф итдур».

Кўрдик бу узру лобау печ
Кушларга тафовут айламас ҳеч.

Фарёд ила ваҳшат этти оғоз,
Рам топиб, аларга бўлди парвоз.

Келдию ул ит табонин ўпти,
Ғах панкари иотавопин ўпти.

Кўп кўргач анинг танида ёра,
Ўз кўнлагин этти пора-пора.

Олдию оритти ёрадин кон,
Ул пайкари пора-порадин кон.

Конни танидин чу айлади кам,
Боглади яроларини маҳкам.

Уз кўнлагини анга жул этти,
Кон ёшидин анга гул-гул этти.

Чун бўлди ани тонгордин озод,
Юз дард ила нудба килди бунёд:

«Кей меҳру вафо била сириштинг,
Амдуху малол сарнавиштинг.

Улдамки танигда сиххат эрди,
Кўнглунгда шукуху қувват эрди.

Таъбинг топибон мизожи хуффош,
азминг берибон язакка хашхаш .

Ваҳминг килибон бўри кўзин тўрт,
Хар тун танига кўзи солиб ўрт.

Чангингга паланг кўз солур чоғ,
Боштин-аёғи бу гуссадин доғ.

Бабр олинга ўйлаким сақатлар,
Тирногингдин танида хатлар.

Барс отламогинг малолатидин,
оглаб кўзини хижолатидин.

Насрин дебон эл кафинг маконин,
Парвин деб улус изинг нишонин .

Илгингга хино ёкиб муайян.
Гах жайрану гохи гавзи жайран.

Бўйнунг аро шўхлар таноби,
Бошинг уза шохлар рикоби.

Гохики газаб била ирилдаб,
Гардун асади сори хирилдаб.

Бу дамки малол ила бўлубсен,
Яъники бу хол ила бўлубсен.

Сендин килур эрса эл танаффу
Бордур манга суҳбатинг тафохур.

Бир кун неки кўйи ичра хурдунг
Итлар била хар тараф югурдунг.

Хар тун неки тортибон фиғони,
Бўлдунг эшигида посибони.

Бир вақт неким вафо йўлидин,
Бошингга сўнгах единг кўлидин.

Бир чоғ неки лутф этиб арода,
Солиб эди бўйнунга килода.

Жоним бўлсун танинг иисори,
Бағрим бўлсун тишинг фиғори.

Ёраб, фалак айлабои гамннг рафъ,
Бўлсун бори заъфу меҳнатинг дафъ

Хам бурнодин эмди чустроқ бўл,

Хам тозау тандурустрок бўл.

Ул дам яна бўлса бахт хамдам,
Бўлсанг яна ул эшикка махрам.

Ётлиг сифатини тутмагайсен,
Мен хастани хам унутмагайсеп.

Жоним олиб ул тараф гузор эт,
Туфрогига кўйининг нисор эт.

Итлар била айласанг таку пўй.
Мендин борининг қошида юз кўй.

Кўйида сўнгатк гизо килур дам,
Ёд эт бу заиф жисмини хам.

Гар толиу бахт ёр топсанг,
Жонон харамига бор топсанг,

Бор ахли ковуб ул остондин,
Кимса сени «чик!» демаса оидин.

Тун бўлсау ул харам панохинг,
Дахлези ичинда такягохинг.

Ётиб энгакинг иликка кўйсанг,
Тумшугунг ўшул эшикка кўйсанг.

Мендин ул эшикни ўп нихони,
Йўк ўйлаки кимса билгай они».

Огзига кўзини суртубон кўп,
Дедики: «Аёги туфрогин ўп.

Иккисини тирногинг била ўй,
Бир ердаки ул аёг босар кўй».

Бу нукталар ул килиб шумора,
Ўткунчилар айлабон назора.

Хар ким таниб они зор йиглаб,
Гам кўнглин этиб фиғор йиглаб.

Тонимагон анлабон тахайюр,
Ахволига йўл топиб тагайюр.

Кўнгли куюб ўйла можародин,
Бир сўхта сўрди ул ародин:

«Кей ишк ўти ичра ахгар ўлгон,
Не ахгарким, самандар ўлгон.

Бу ўт била пайкарингга таркиб.
Бу ўт била хилкатингга тартиб.

Зотинг бўлуб ўт била сиришта,
Тонг пўк дссалар сени фаришта.

Хам келди фариштаваш сифотинг,
Хам бўлди малак сифот зотинг.

Мунчаки топиб сен итга улфат,
Ит бирла малак аро не нисбат?

Хар уйдаки бўлса итга манзил,
Бўлмас малак ул уй ичра нозил?.

Невчун аронгиздадур масофат,
Чун бор ул иков аро мунофот?»

Мажнун деди йиглабон чекиб ох:
«Кен ишкдин ўлмогон сен огох!

Йўк, сени малак десам гариби
Ким, йўк санга ишкдин насиби.

Мсндекни эрур малак демак рев.
Ким, кўрса мени кирок тутар дев.

Ишк ўртади ул сифат вужудум
Ким, булди набуд барча будум.

Ул ўт аро айласанг тааммул
Топкунг баданимни тўдаи кул.

Не тонг агар ит хиром килса.
Тўда кул аро маком килса?

Хар итгаки етса бир жарохат,
Кулдин стншур танига рохат.

Бу птпнг эрур жарохати кўп,

Демак бўлмас кул устидин кўп.

Йўк, йўкки, эмастур итлик анда,
Итлик манга хатм эрур жахонда.

Ит мен, мен, улуска ор мен, мен,
Бошдин аёги фиғор мен, мен!

Кўп захм танимни урди бархам,
Ул келди бу захмларга мархам

Ким, бўлса таида кўп фиғори,
Хар захмдин ўлса изтирори,

Ким мархам ила давоси килса,
Жонин не ажаб фидоси килса?

Бўлса эди менда юз туман жон,
Бир тоимагай эрди бу бадан жон.

Борин анга зор килгай эрдим,
Йўлига нисор килгай эрдим».

Бу эрди фасонаву фусуни
Ким, килди яна гулу жунуни.

Ёдига чу кирди вахшийи дашт,
Килмок кинику кулон била гашт.

Ул итнинг аёғ-илигин ўпти
. Нахжир азиматига кўпти.

Бўлди яна сойири биёбон,
Маънусларин тилай шитобон.

Ул лахзаки Занд бўлди косид.
Лайли сари топибон макосид.

Хай ичида чун қарор топти,
Хилватда ул ойга бор топти.

Ул пардалар ичра гунча кирдор.
Бу ташқари бўлди анга сирдор.

Неким билиб эрди ёридин сўз,
Девонаи бекароридин сўз.

Кўргузди демакда эхтимомин,
Арз айлади олида тамомин.

Лайли чу апинг сўзин эшитти,
Кўнгли темурин дами эритти.

Жони аро андог ўт тутошти
Ким, дуди аинг бошидин ошти.

Гисусиму эрди анбаролуд,
Е чикмиш эди бошига ул дуд?

Гису киби печу тоб топти,
Тоб ичра ўзин хароб топти.

Юз узр ила Зайд сори бокиб,
Хасрат суйи кўзлоридин окиб:

«Кей тан аро жон бериб каломинг,
Жисмимга равон бериб паёминг!

Жон дардига чоракўш сен сен,
Одам демаин, суруш сен сен».

Кўп узр килиб сўзига пайванд,
Накдина базе топиб кироманд,

Ташкари йибордиким: «Муни ол,
Оз эрди кошимда накд филхол.

Узрунгни бу навъ кўлмогумдур,
Юз мунчага кони ўлмогумдур,

Бўлгаймуки лутф ила вафодин,
Бир рукъа бу зор мубталодин

Девонавашим сори етурсанг,
Хам мунда жавобини кетурсанг?»

Зайд этмади дилситонга миннат,
Дедики: «Эрур бу жонга миннат.

Бот бўлки хариф мунтазирдур,
Бу амрда макс бас музирдур».

Лайли тилабон давоту хома,

Филхол мухаррар этти нома.

Эл англаридин ичида юз бийм,
Косидга пихони этти таслим.

Косид олиб ўлди даштпаймо,
Ул ергаким, ул гариб шайдо.

Иш кайфиятин солиб арога.
Топшурди битикни бенавога.

Не эрканини чу билди Мажнун,
Заъф этганидин йикилди Мажнун.

Жисмигаки ерга паст тушти,
Чома киби юз шикаст тушти.

Ул номага чун кушод берди,
Мазмуни ўкур замон бу эрди.

XXVI

Лайлининг «лайлатул-бадр»дек сафха баёзида «лайлатул-кадр»дек номаси саводин
Мажнун ўқуб, огзи висол шахдидин ширин бўлгонда комига занбур ниши сончилгони ва
занбур нишидек хома нўгин тез этиб жавобида когаз табакини шахдолуд килгони

«Ул тенгри оти била бу маншур
Ким, берди кўнгулга ишқдин нур.

Ургоч майи ишқнинг салоси,
Одамга етишти ибтилоси.

Бир журъаки чекти ул жигархун,
Маст ўлди, не маст балки мажнун.

Ул май била кимгаким бериб бахр,
Талх этти фирокдин котиб захр.

Берганга муфоракат балосин,
Еткурди мувосалат шифосин .

Булбулники килди зору гамнок,
Гул кўнглагини хам айлади чок.

Парвона гудозу сўзи андин
, Ут шамъга доги рўзи андин».

Чун бўйла сочиб базе жавохир,
Андин сўнг этиб бу нукта зохир

Ким, «Ушбу ракамки накши Чиндур,
Бир хастага бир шикастадиндур.

Яъни мени зору мубталодин,
Сангаки кутулмадинг балодин.

Эй ишк ўтида хасим нечуксен,
Эй бедилу бекасим нечуксен!

Эй бўлгали ишким ичра мадхуш,
Бир журъаи васл килмагон нўш!

Эй фуркатим ичра гар ёғиб тош,
Минг тош ебон яшурмайин бош!

Эй хажрим ўтида гар бўлуб кул,
Хар шуъла кўрунубон анга гул!

Эй хори гамимни жонга ургон,
Гулбонгин анинг жахонга ургон!

Эй силсилаи жунун элингда,
Дад куйругидин расап белингда.

Холинг недурур фироким ичра?
Фикринг недур иштиёким ичра?

Сочингга ёпушса хору хошок,
Ким тортар экин бирин-бирин пок?

Фаркингки эмиш куш ошёни, К
им уркутур эрkip андин они?

Бошингки сипсхр ушотти дархам,
Ким боглар экин аларга мархам?

Ўлтурса юзунгга гарду хори,

Ким аритур эркин они бори?

Жисмингки конаса гам тошидин,
Ким юр экин они кўз ёшидин?

Хорики кафингга борур эркин,

Хажр ўти танингни куйдурур чоғ.
Ким сочар экин ул ўтка туффроғ?

Кум узра йикилса жисми зоринг,
Ким бор экин анда гамгусоринг?

Харён югурурда зору бекас,
Соянг санга хамрах эркину бас.

Тог ичида иссиғ ўлса маълум,
Соя килур эркня устунга бум,

Вайронада мухлик ўлса андух,
Чўғз айлар экин бошинг уза «дух».

Хижрон туни жонинг олса бебок.
Субх айлар экин санга яко чок.

Гам заъфида дашт узра ётсанг,
Кум бистар экин аёғ узотсанг.

Тун бошинга вахш ўлур экин жамъ,
Олингда бўри кўзи экин шамъ.

Кон юткали истасанг пиёла,
Топилмас экин магарки лола.

Ултурур экин чибин кошингга.
Эврулур экин куюн бошингга.

Эй кош сипехри тнйра апжум,
Бергай манга доги ул танаъум

Ким, туну-кун ўлгамен рафикинг,
Йўлсиз югурурда хамтарикинг.

Сен бўлсангу мен жахонда мавжуд,
Бўлса яна коинот нобуд.

Гах собиту, гах жахонда сайёр.
Йўк дахр диёри нчра дайёр.

Дилхох ила иккимиз маоши,
Онини висол бетахоши.

Маъман баданимга кўйнунг ўлса,
Маскан илигимга бўйпунг ўлса.

Гах эгнима такя килса бошинг,
Тавки заканимда бўлса кошинг.

Гах юзума тутса юзунг ором,
Огзиигга етурса лабларим ком.

Етса таннма тиларда воя.
Хамхобалигинг нечукки соя.

Найланки сипехри харза новард
Китди бу муроддин мени фард.

Сенинг нечаким гамингга йўк махл,
Чун эр кишисен бу сахл эрур, сахл

Хар сори урай десанг такингни,
Туткучи тикандур этатингни.

Эток даги пойбандинг эрмас,
Даври зихи хам камандинг эрмас.

Мискин мени зору пойбаста,
Йўк, йўкки, заифи пошикаста.

Не майли сукун, пе хадди рафтор,
Юз кайди бало аро гирифтор.

Бўлмок юз алам уйида махбус,
Бирён, яна бирён ўлди номус.

Эр мажлиси ичра рох эрур зеб,
Хотун кишига салох эрур зеб.

Бу мехнати ишк печ-дарпеч,
Номус чу кетти барчаси хеч.

Пардасини гунча айласа чок,

Барбод этар они чархи бебок.

Сенсизки гамим дами кам эрмас,
Сендин гар эмас кўп, оз хам эрмас.

Сен тортибон охи оташолуд,
Мен ўт ёкибон чикормайин дуд.

Хар неча гамимдин ох чектинг,
Навфал билаким сипох чектинг.

Хайлим юзига бало уруб кож,
Ахлу хашамимга бийми торож.

Истаб ато хам халоки жоним,
Тўкмак тилабон ер узра коним.

Мен мунча балият ичра хушдил
Ким, ёрга ком бўлса хосил.

Гар вокеа жуз халок эмасдур,
Юз мунча хам ўлса бок эмасдур.

Мундог даги дедилар фасона
Ким, Навфал ила бўлуб ягона.

Чун хужласи сори кўз солибсен,
Кўлмокка кизини сўз солибсен.

Бўлсун санга бахт ёру ёвар,
Биллах манга тушмади бу бовар.

Бўлса даги чун санга эрур ком,
Не ком санта, манга эрур ком.

Бог ичра кўюб кадамни бир кун
Сўрмиш эдим ул санамни бир кун.

Хам хўбу, хам элга меҳрибондур,
Неча деса яхшигина жондур.

Ёвар санга хак таборак ўлсуи,
Бу хайр ишинг муборак ўлсун.

Бўлсанг неча онинг ила хуррам,
Ёд айла гахи бу хастани хам.

Инсофга ҳам канора тутма,
Бизни даги бпр йўли унутма.

Мажнун ўкугунча бўйла нома,
Заъф этти тани мисоли хома.

Зайд олига хар замон қўюб бош,
Арз айлади сайлдек тўкуб ёш:

«Кей чок юракка чора андеш,
Мархам аро ёшуруб баче неш.

Бу номаки жонни килди бетоб
Ёзмокка жавоб йўктур асбоб»,

Зайд айлаб эди борин мурадтаб,
Когаз даги хомау мураккаб.

Қўйди борисин қошига бир-бир,
Ул килди жавоби нома тахрир,

Зайд олдию йўлга хез солди,
Хар лахза кадамни тез солди.

Пўяда сабак бериб сабога,
Топшурди битикни дилрабога.

Хилватга кириб очиб суманбар,
Қўрди суман узра гарди анбар.

Чун солди саводига пазар тез,
Бу навъ бўлуб эди гухаррез.

XXVII

Мажнуннинг қўз қароси ва қирпик хомаси била жон сафҳасида ёзгон қўнгли шурхалари шархин Лайли ўкуб ишк иттиходи иктизоси анинг қўнгли жарохатларин мунунг ҳам қўнглин огриткони ва анинг талхком бўлгонидин мунунг доғи комин очиткони

«Ул тенгри оти била бу нома
Ким, ишк элидин қўтарди хома.

Фардики йўк аввал ибтидоси
Хаййики йўк охир интихоси.

Тог балчиги узра жола ургон,

Кум туфроги узра мола ургон.

Хар кимники айлабон парпрўй,
Таън айлаган анга одату хўй.

Хажр эмгокини катиг яраткон.
Гам шарбатини ачиг яраткон.

Ишк ўтига кимни куйдуруб чум,
Маъшукига бермаган тараххум.

Килгон неча ошик ўлса ношод,
Маъшуклуг иктизоси бедод.

Ошик ичи юз минг ўлса парканд,
Маъшукни килмай анга хурсанд.

Маъшуккаким эсиб насими,
Ошик ичига солиб жахими!».

Чун бўйла бўлуб фасона пардоз,
Андин сўнг этиб бу нукта оғоз

Ким, «Ушбу гаму алам баёни,
Жон сафҳасида богир нишони.

Мендинки ичим гамингда кондур,
Сангаки гаминг танимда жондур.

Яъни: бу жунун фасонасидин
Расволик ўти забонасидин

Гулрухлар аросида парига,
Анжум аро мехри ховарнга.

Не хаддим ила дуо дегаймен,
Юз мадх била саио дегаймен?

Мадхинг дегали даги кони тил?
Бўлса де олурму хам они тил?

Кун васфини килмок ошкоро,
Хуффош тилига кайда ёро?

Хар нечаки чекти тилни савсан.
Гул васфида келди лолу алкан.

Хар неча бу навъдӯр назирим,
Йӯк бир неча нуктадин гузирим;

Эй кишвари хусн подшохи,
Хусн ахли бу кишваринг сипохи:

Эй нозу карашма богида вард,
Не вард, бахори нозпарвард.

Эй лутф жахонинг бахори,
Юзунг бу бахор лолазори.

Бӯлгонда сахар ели гулафшон
, Зулфунгниму айламас паришон?

Машшота килурда вусмани пок.
Кошингниму айламас гирехнок?

Сармаст кӯзунгки эрди бемор.
Сог ӯлмоги бӯлдиму падидор?

Рухсоринг ӯтида холи хинду,
Узидек улуони куйдурурму?

Гулбарг уза сунбулунг тушуб
Кил янглиг урарму ӯт аро печ.

Юзунг хайию сочинг таноби
, Борму ул иковнинг обу тоби.

Огзингки адамда бор эди гум,
Айларму аён ани такаллум.

Каддинг килибон хавойи рафтор,
Айларму жахон элин гирифтор?

Ноз уйкусидин очармусен кӯз,
Юз ноз ила элга дермусен сӯз?

Кӯюнгдаки йӯк менинг киби хас,
Хасдин даги кадр ичинда вопас.

Бу эрмиш иродаи илохий
Ким, сиррини билмас эл камохи

Ким, кӯзки ӯюлгай эрди, эй кош,

Не кўзки, кесилгай эрди бу бош.

Ул орази дилрабога тушгай,
Жон бирла кўнгул балога тушгай,

Фикр этсам эди бу навъ ўзумни
Кўр этгай эдим ики кўзумни.

Мен ким эдим бу дарди жовид,
Зарра бошида хавойи хуршед.

Бехост юзунга бир нигохим.
Тушганга менинг «едур гунохим

Ким, мунча келиб бало бошимга,
Юз дарду бало каро бошимга.

Девона бўлуб чикиб жахондин,
Овора диёру хонумондин.

Хар кун ватаним бир ўзга води
Хар тун яна бир даман саводи.

Кум натъи бўлуб менинг саририм,
Кун курси бўлуб менинг фатирим

От манга жибол кулласидин,
Тўн манга самум хулласидин.

Гах ёру мусохибим даду-дом,
Гах тутмай алар била хам ором.

Дашт узра чу вахшатим топиб тул,
Гам топиб вахш, бал кочиб гул.

Хайратда вухуш вахшатимдин,
Мехнатда туюр мехнатимдин.

Аидуху бало гумондин ортук,
Заъф ончаки бўлмас ондин ортук

Бир таври адам бўлуб манга жисм Ким,
анга вужуд берибон исм.

Бу заъф била чу пўя килиб,
Ургамчи танобидин йикилиб.

Кўксумники тиги хажр этиб чок,
Кириб хашарот ичимга бебок.

Кўксум ичида чибин солиб шўр,
Кўзум уйида ватан килиб мўр.

Бу навъ котиглигу ириклик,
Ёдингдин ўлуб манга тириклик.

Бу дамки гухарнисор хоманг,
Тахрир этибон етишти номанг.

Алфозин ўкурда рух топтим,
Хар харфида юз футух топтим.

Лекин ики сўз эди мухаррар
Ким жонима солди ўт мукаррар.

Аввалки назарга бўлди маълум
, Навфал иши бўлмиш эрди маркум

Ким, «Тортиб иков сипохи хунрез,
Хайлим сари тиг чектингиз тез».

Аллох-аллох бу не балодур,
Ким риштани дерки аждаходур.

Пашша киму пиллик хаёли,
Ё мўрга шерлик мажоли.

Бу мундок эдиким: ул сипахбад,
Етганда манга сипах эди дад.

Билгач гами нотавонлигимни
, Ишкинг аро хаста жонлигимни.

Бўлмиш иафасе кошимда сокин,
Сўзлар даги демиш улча мумкин.

Мен бирдам ўзумдамен, дами йўк,
Мундин ажаб элга олами йўк.

Сўз ичра чу кўрдум изтиробин,
Билмон не дедим анинг жавобин.

Ул олди мению уйга кетти

, Ул ерга етишти ишки етти.

Чун кинаву катлин англадим рост,
Килдим неки мумкин эрди дархост,

Ким кинига солди ханжари кин,
Тутти ёнибон уйида таскин.

Бўлгонда фусун килурга хамдам,
Уйланмак ишин деди экин х.ам.

Не англадим айлаган хитобин,
Не оники, не дедим жавобин.

Кўнглумдин ўлуб хам эрди барбод,
Номанг ўкугондин айладим ёд.

Килмок манга мундок ишни мансуб,
Тутгайму мурувват ахли махсуб?

Мен мунча бало чскиб вафода,
Сен бўйла хаёлу муддаода.

Неким битидинг нечук килай рад,
Не килса килур ким ўлса бехудб.

Гавгойи жунунга мубталомен,
Боштин-аёгимгача хатомен.

Номангга фидо кўнгул, кўзум хам,
Лекин санга бор бир сўзум хам:

Навфал сўзиким килиб эдинг забт.
Мендин эмас эрди вокеъ ул хабт.

Ул ишку жупундин ўлди ходис,
Сен ишк била жунунга боис.

Уйлаимак ишики нисбат этдинг,
Бизга ўз ишингни тухмат этдинг

Ким, Ибни Салом этиб хаёлинг,
Балким тамаъ айлабон висолинг.

Кўнглини, атонг килиб тарози,
Бўлмиш не ул истаганга рози.

Сен рози эрур, эмасни билмон,
Билмас нима тухматиини килмон.

Хай, хай, не фасоналар бўлур бу,
Хориж не тароналар бўлур бу?

Гўё савдо йўлумни урди,
Хушумни жунун ели совурди.

Чун сўзда шуур эмас шиорим,
Йўк харза демакда ихтисрим.

Девонамен, эй пари сифат хур
, Маъзурдур улки тутса маъзур.

Бўлдум чу сенинг гамингда нобуд,
Нобудга нукта кайда мавжуд?

Йўкнинг неки сўз бўлур хитоби,
Тутмок керак они йўк хисоби.

Йўклар манга гар бўлубтурур йўл,
Сен бор бўлу бу йўкка ёр ўл.

Икбол ила бахт ёринг ўлсун,
Жонлар нақди нисоринг ўлсун».

Мактуб ўкугунча шўхи маргуб,
Кўп топти шикан нечукки мактуб.

Хар бир сўзи ичра фикр этиб кеч,
Кўп урди ўзига номадек печ.

Инсофга чунки дахл берди,
Ўз сўзларининг жавоби эрди.

Ўз номасидин бўлуб мушавваш,
Бу нома замирини килиб хуш.

Таъвиз этиб ул саводи мавзун,
Онинг битигин нечукки Мажнун.

Эй косиди номабар хабар не,
Дегил санга равшан ўлса харне.

Бир сўз била дардима даво бер,

Номанг бор эса, чикор манга бер!

XXVIII

Мажнуннинг атоси девбоддек дашт атрофига эврлуб ўз девона ниҳодин саргашталиқда тоимоги ва жунун дашти карокчилари хардам анинг хуши корвони хайлин савдо сипоҳига асир этгондин гариб холот мулоҳаза қилғони ва насойих хуш доруси била ани лаҳзаи ўзига келтурғони ва ўзи била уйига еткурғони

Бу номани улқи қилди марқум,
Афсонани бўйла этти маълум

Қим, телбаи бенаво атоси,
Юз гуссага мубтало аноси.

Чун муддати ўглидин эди фард,
Қўнглини жароҳат айлабон дард.

Ғолиб бўлуб анга иштиёқи,
Сахро сори тушти иттифоқи

Қим, топса фиғону зор қилгай
Шоядқи ичига қор қилгай.

Афғонига мулҳақ айлабон панд,
Шояд ани айлагай забонбанд .

Юз нуктага тилни қойил этгай,
Шояд ани уйга мойил этгай.

Рухин қилиб ул умед тоза,
Хар сори сураар эди жамоза.

Чун неча кун ул талабда чопти,
Охир ани бир бузугда топти.

Хушроқ бузуг анга хонумондин,
Лекин ўзи қўп бузугроқ ондин.

Ошuftталиги гумондин ортуғ,
Не келса гумонга ондин ортуғ.

Ғаҳи тутуб ўлтурур зди мўр,
Ғаҳ туфрок ила ясар эди гўр.

Ғаҳ шугли кесак тошурга таъжил,

Ясар эди ул кесак била мил.

Гах сочар эди бошига туфрог,
Гах тиш била олур эди тирног.

Гах томга кўпуб минар эди чуст,
Хар сори аёгларин этиб руст.

Чимдир эди энглари ни хар дам,
Чайнар эди энглари ни хар дам.

Гах чўгз била навода хамдард,
Гах бум юзидин оришиб гард.

Хам чўгз кўнуб кўлида густох,
Хам бум бошига суртубон шох.

Том узра пе хатки чекса ногох,
Ул хат келиб ихтиёрсиз «ох».

Бошигаки урди захм гардун,
Боши тукидин ададда афзун.

Конлиг кўзида тикан била чўп,
Киприкларидин хисоб аро кўп.

Кўргач атоси бу навъ холот,
Хайрат аии килди ўрнида мот.

Дедики: «Недин, мисол экин бу,
Субхоналлох, не хол экип бу?»

Ким кўрди бу навъ одамизод,
Ким, бермагай ўйла одами ёд».

Хар нечаки саъб эди бу сурат,
Гом урди анинг сори зарурат.

Кўргач атоспи канора тутти,
Гўё атолиг хакин унутти.

Йиглаб атоси яко килиб чок,
Бунёд этти хазииу гамнок:

«Кей юз яралиг богирга пора,
Мендин иега айладинг канора».

Мажнун атоси эканни билди,
Ох урдию олига йикилди.

Бошии кўтариб кучуб атоси,
Жонин тилаб анламак фидоси.

Чирмаштилар ўнла чусту махкам,
Бир жинс ики харф ўлса мудгам.

Бир лахза йигидин эрди ошуб,
Хижрон ачигндин эрди ошуб.

Ошублари чу топти таскин,
Бунёд этиб ул заифи мискин

Дедиким: «Аё рамида фарзанд!
Пайвапд богирга, балки парканд.

Кўксум ярасини сўкма мунча,
Багримни конини тўкма мунча.

Сенинг танинг ўлса ёра гамдин,
Менинг жигарим бўлур аламдин.

Бир дам жигаримга килма ковиш
, Кўргилки пе навъ этар таровиш.

Ул лахзаки йўк эди нишонинг,
Коним аро музмар эрди конинг.

Айлаб тиларингни муддаолар,
Садка берибу килиб дуолар.

Оч тўйгазибон ялангни ёптим,
Ўлдум деганимда сени топдим.

Уч-тўрт ёшингга тегру пайваст,
Гам колмади бермаган манга даст.

Сен катраи сутдин олгуча ком,
Юз катраи кон килиб мен ошом.

Айлаб тобонингни чун тикан реш,
Менинг жигаримга санчилиб неш.

То илму-адабни ком килдинг,

Мактаб тарафи хиром килдинг.

Гофил бўлман ишингда гамдин,
Борур-кслурунгда бпр кадамдин

Ким, фазлу-камол ёринг ўлгай,
Илму-хунар ихтиёринг ўлгай,

Килгонда таним рахил ёдин,
Етса манга чархи бсвафодин.

Ул ишўи ато-аномга етти,
Бир, бир апдоки барча кеттиб.

Сен бўлгасен ул замон кошимда,
Гахи оёгимда, гах бошимда.

Рух этган ила таннми мажжур,
Чун шамъи хаётим ўлса бенур.

Ришта киби печу тобинг ўлгай,
Парвонадек изтиробинг ўлгай.

Сен умрга бўлгасен василам,
Сендин ёругай яна кабилам.

Гар нуридан ўлса шамъ мажжур,
Машъал солгай кабилага нур.

Гум бўлмагай эл нчинда отим,
Бегонага колмагай жнхотим.

Йиккон неки махзани хисори.
Бўлгай пақднм кўлунгда бори.

Ел хужлама солмагай гузар тез.
Кимса хашамим сори назар тез.

Рухум бўлубоп халаф бпла шод,
Колгай бори кавму хайлнм обод.

Эмдики бу иш копшмга келдн
, Харнеки дсдим бошимга келди.

Субхимга етишти шоми мехнат,
Шомимга юз урди субхи риклат.

Тўш-тўшдин нчимга кўйди юз гам,
Бу бир гаму ссндин ўлди юз гам.

Шамъимгаки зулмат ўлди ходис,
Охинг бўлуб ўчмагига боис.

Жон куши тилаб учарни хар дам,
Фарёдинг анга яна бериб рам.

Ишк ичра тушарга жони зоринг,
Билдукки пўк эрди ихтиёринг.

Хар амрки бўлса гояти бор,
Хар махлаканинг ниҳояти бор.

Ишк ахли жаҳоида кўрмадукму?
Бу води аро югурмадукму?

Бўлмок бу сифат бир ишда маглуб.
Ахли хирад олида эмас хўб.

Ўт ичраки тушти бенавойи,
Чикти агар урди дасту пойи.

Толпинса чикар гарик юмкин,
Толпинмаса ўлмойин не мумкин.

Сен хам бу балода колма мундок,
Бир йўли ўзунгни солма мундок.

Тушса кадахи биллур аро мўр,
Тадбир керак чикорга йўк зўр.

Хар дардки хак кишига берди,
Хам хакдин анинг давоси эрди.

Хакким санга солди бу балони,
Ожиз эмас этгали давони.

Бу дагдагадин канора иста,
Хар фикр ила ўлса чора иста.

Бир йўли агар гумон эмастур,
Тадриж ила хам ёмон эмастур.

Тадриж ила тифл ўлур хирадманд,

Сокинлик ила камиш бўлур канд.

Юз йил киши умр агар тилар бил
Ким, сабр керакдур анга юз йил,

Ким этса манора учи воя
Бирдур чикару тушарда поя.

Чикмоклигида агар керак махл,
Лекии тушари базе эрур сахл.

Сен доги бу ергаким етибсен,
Тадриж ила йўлни катъ этибсен .

Ёнмокка хам ўлдунг эрса мойил,
Келганчадурур йўлунгда манзил.

Ен эмдики рахна баста эрмас,
Мундок сафаринг хужаста эрмас.

Мен бўйла хазипу зор сенсиз.
Онанг даги бекарор сенсиз.

Окшомдин тонгга жони махзун,
Тонгдин окшомга ашки гулгун.

«Ўглум» деру ул сифат чекар вой
Ким, чарх ўкининг кадин килур ёй

«Бўтам» дебон айлар ул сифат печ
Ким, колмас рухидин асар хеч.

Йиглаб урар ўйла тош уза бош
Ким, колур аламда бошидин тош.

Бу ўт чу димогин этти махрур,
Ок сочи сочар юзига кофур.

Билмиш чекариигни кўхи андух,
Андухи бўлубдур ўйлаким кўх.

Туфрокка йикилмогинг чу билмиш,
Туфрок уза ул даги йикилмиш.

Сенсиз зрур ўйла дарду гамлик
Ким, колмишдур бир-икки дамлик.

Мен бўйлаву ул заиф бўйла,
Кел иккаламизга чора айла!

Уммеди хаётимиз кетибдур,
Оханги рахилимиз етибдур.

Бегонани уй сори ёвутма,
Урнунгки кизикдурур совутма.

Биз икки сенинг гамингдин ўлсак
, Сен ўлмай мотамингдин ўлсак.

Бу ишта ҳақ айласа хитобинг,
Фикр этки, не бўлгуси жавобинг?»

Сурди чу атоси бўйла афсун
, Иглаб оёгига тушти Мажнун.

Кирпик била чун йўлин супурди,
Посухда бу навъ нукта сурди:

«Кей хайлинг эшиги киблагохим,
Дардинг ўтини ёруткай охим.

Хар чораки сен килиб тахайюл,
Кўнглум ўти хирманин килиб кул,

Хар сабрки сен топиб нихони,
Ашким сели окизиб они.

Бу неча такаллумики сурдунг,
Куйган кўнгул ўтига су урдунг.

Йўк, йўкки кўярга дог уза дог,
Ўт ёкдингу куйдунг устига ёғ.

Нуткунг неки айлади ракамзад,
Айтурга жавоб йўк манга хад.

Хукмунг манга орзуйи жондур.
Бошимга бу хукм хам равондур.

Олингда не сўз де олгамен чўк,
Гар бўлса жавобим ул даги йўк.

Лекин санга бу эмас нихони

Ким, буйла казойи осмоний,

Ким тори ўлуб бу нотавонга,
Расво килди бори жахонга.

Бу навъ бало бўлурга жори,
Бўлмас кишининг ўз ихтиёри.

Ишк ўтики бир шарора ондин,
Тўфон кўпорур бори жахондин.

Юз шуълани масканимга урди,
Минг баркни хирманимга урди.

Хирман сари тушса бир шарора,
Куймакдин эмастур анга чора.

Минг барк тушурса ишки бебок,
Нетгай анинг ўтрисида хошок.

Не буйругунг ўлса сўз демасмен,
Мажнун мену лек Кайс эмасмен.

Сарвики сен айладинг тааммул,
Хас бўлдию хас бу дам эрур кул

Бу кулга магарки гирдбоди,
Бергай яна сарвдек саводи.

Етгандаки айладинг назора,
Кўрдунгки мени сияхситора.

Йўк майли сукуну азми рафтор,
Не мехнат аро эдим гирифтор.

Кочмоклигим эрди тонимасдин,
Балким тонирингга арзимасдин.

Дад хар сори кетса кетмак ўлмас,
Насносни одам этмак ўлмас.

Бўлмоглиг итинг эрур муродим,
Йўк итча ўзумга эътимодим.

Ит кимсага бевафолиг этмас,
Бошин олиб ўзга сори кетмас.

Мен иясига узр қўлгон итмен,
у даштда телба бўлгон итмен.

Мумкин эса телба ит ойилмок.
Ёхуд анга эътимод килмок.

Сек доги мени хирад ниҳод эт,
Хар иштаки килсам эътимод эт.

Узрумни кошингда қўлдум охир,
Хар ишта маоф бўлдум охир»,

Чун этти узрининг тамомин,
Тез урди жамоза сори гомин.

Ешти расани жихозидан чувт,
Уз бўйнига боглади ани руст .

Топшурди расан бошин атога,
Деди: «Не десанг бу мубталога,

Итмен илигингда бўйни боглик»,
Деб килди ўзини тўрт аёглик.

Ешти ато бўйнидин расанни
Азм этти хаво килиб ватанни.

То тутти жунун йўлин Навойи
Ким, бўлди ватанга рахнамойи.

Мажнундек атоси доги йўктур,
Масканга хавоси доги йўктур.

XXIX

Навфалнинг Мажнун кабиласи меҳмонлигининг уйига боргоч, Мажнун атосига мизбонлик килгани ва пайванд риштаси ораларида маҳкам бўлуб, меҳмон уйига келгунча Мажнун биёбонга азм килиб, Лайли шубонига йўлуккони ва шубон итидек лоба килиб, шубон ани қўйлар аросида яшургони ва Лайлини қўргач қурбон қўйи била Хўтан оюайранининг йиқилмоги ва хар қайсини бир васила билаўз кабилаларига элтмоқлари

Сўз нокаснинг рахилкўши,
Бу навъ чекар худи хуруши.

Ким, чун хашамига келди Мажнун
Шод ўлди аларки эрди махзун.

Хам кўйди атоси нотавонлик,
Хам бўлди аноси тоза жонлик

Кийдурдилар анга хаззу дебо,
Хилъатлари барча чусту зебо.

Хар сори етишти бу хикоят
Ким, «Хуш анга айламиш сироят».

Эл кўнглида бу хаёл пишти,
Навфалга даги хабар етишти.

Ул худ еб анинг гамин хамиша,
Зикрин килиб эрди вирду пеша.

Кўнглига хаёлидин тафаккур,
Жонига висолидин тахайюр.

Бу сўзни эшитгач ўлди хушдил,
Бориб кўрарига бўлди мойил.

Отландию сурди ул тараф от,
Мажнун эли хам хабар топиб бот.

Соз айлаб асоси меҳмони,
Хушдиллик ила тушуруб они.

Мажнун била ул сипахбади чуст,
Юз меҳр била кучуштилари руст.

Окшомгача комронлиг айлаб,
Бу хайл анга мизбонлиг айлаб.

Ул худ бўлубон бу ишга хушхол,
Мажнун ўз ишига колибон лол.

Чун навфали меҳр юз ёшурди,
Мажнуни фалак ёшин ошурдиЗ.

Рах тўша кулича ёйди кавкаб,

Навфал даги йўлга солди маркаб4.

Борур эди барча йўл аро шод.
Мажнун колибон уй ичра ношод.

Лекин атосига юзланиб ком
Ким, Навфал анинг сори кўюб гом.

Хам айлади шоду хуррам они,
Хам хайл ичида мукаррам они.

Кўнглига тушуб бу сўзки Навфал,
Мажнунни чу кўрмиш эрди аввал.

Лайли эли бирла харб этиб биг.
Ким, чекти анинг иши учун тиг.

Мажнун гамини чу ер экандур,
Пайванд сўзин даги дегандур.

Шак йўкки эрур бу ишга мойил
Ким, килди бнзинг хашамни манзил.

Йўкса Мажнунга йўктур ул йўл
Ким, келгай ани кўрар учун ул.

Эмди будурур адаб манга хам
Ким, хай элппп килиб фарохам.

Онинг сари хизмат этгабиз фош
Ким, бўлгай анинг ишига подошб.

Топсак яна лутф ила мадоро,
Ул сўзни хам этсак ошкоро.

Рози эса бахтдин кувонсок,
Йўк деса кабила сори ёнсок.

Истатти хашам улуглари бот,
Арз этти аларга бу маколот.

Борисига дилпазир тушти
, Килмоклиги ногузир тушти.

Мажнун иши чунки эрди матлуб,
Онинг борури кўрунмади хўб.

Харнеки керак килиб мухайё,
Ерим кеча ўйлаким сурайё.

Жамъ ўлубон айлабон бу тадбир,
Килдилар ўшул гурухи шабгир.

Бу гом аро юз фасона бошлаб,
Хар бирки туганди ёпа бошлаб.

Борур эдилар дебон бу сўзни,
Бу сўз била хушдил айлаб ўзни.

То дашни онча килдилар тай
Ким, Навфал уйига кўйдилар пай.

Ул хам килиб улча шарти икром,
Манзилда бериб аларга ором.

Килди тарабу нишот онча,
Ул хайл ила инбисот онча.

Ким бори кўруб махални кобил,
Бўлдилар ўшул гаразга койил.

Навфалга гараз чу бўлди масмуъ,
Кўнглига бу нукта келди матбуъ.

Дедики: «Бу сўз дейилмиш эрди,
Мажнунга бу гам ейилмиш эрди.

Килдим чу кабул анга ракамзад,
Эмди даги килмогумдурур рад.

Сиз эмди кўюнг хашам сори
гом, Мен сур ишини килай саранжом.

Сизга даги улча дастрасдур,
Ортук манга орзу эмасдур.

Соз анлаб этинг буён азимат
Ким, фурсат эрур базе ганимат.

То ўйлаки бўлса шарт папванд,
Мажиунни килай ўзумга фарзанд».

Миоди никох топти таъйип,

Ул хайлга ёнмоқ ўлди ойин.

Шод уй сари бўлдилар равоиа,
Билмайки не феъл этиб замона.

Ул тунки аларга колмай ором
, Навфал сари урмиш эрдилар гом.

Мажнунки уй ичра колди дилтанг,
Кўздин тўкар эрди ашки гулранг.

Чун кўймади хажр ўти карорин,
Ишк илгидин олди ихтиёрин.

Ишк ўти чекиб забона чикти,
Уйдин яна бехудона чикти.

Дашт узра югурди бесару пой,
Гах тортиб хую, гах чекиб вой.

Ёй эрди каддию, новак охи,
Гардунни килиб нишонагохи.

Бу — ёйига чун курар эди ўк,
Гардун кўзига урар эди ўк.

Ойини хаволаниб таку дав,
Ул навъки мехри осмонрав.

Элтур эди ёр мехри опи,
Бош ургуча мехри осмони.

Чун жадийин согди чарх золи,
Сут катраларин оритти холи.

Ул сут била санъат айлабон зол,
Кўргузди панир курси филхол.

Олига етишти бир сурук кўй,
Чўпони кўрунди ошнорўй.

Мажнунни даги шубон чу кўрди.
Ахволини лутф бирла сўрди,

Мажнун деди: «Эй юзи хумоюн,
Кайда сени кўрмиш эрди Мажнун

Ким, талъатнинг сшио кўрунди,
Дардига сўзунг даво кўрунди.

Сен хам анга айладинг навозиш,
Ул доги навозишингга позиш».

Чўпон кўюбон аёгига бош,
Бу навъ такаллум анлади фош

Ким, «Менким ишнм эрур шубонлик,
Кўй бирла кўзнга меҳрибонлик.

Тилсиз гала хамзабонидурмен,
Лайли кўйининг шубонидурмен.

Сени кўруб эрдим ул хашамда,
Мактабда сабак ўкур аламда.

Ишкинг аламин даги билурмен
Хар чора килай десам килурмен».

Мажнун тобонига кўйди бошин,
Наъл этти ўтукларига кошин.

Дедики: «Аё дамнинг равонбахш,
Нуткунг ўлган танимга жонбахш.

Исодек ўлукни тиргузурсен.
Хуш муъжизадурки кўргузурсен.

Йўк, йўкки, шубонлик ичра Мусо,
Илгингда асо хам аждаросо.

Мусо неки, Хизри роҳим ўлдунг,
Гам зулматида паноҳим ўлдунг.

Еткур манга оби зиндағони,
Яъппкн кўрай йирокдин они

Ким, хажрида хаста жон мен асру,
Раҳм айлаки нотавон мен асру.

Чўпон деди: «Эй хужаста соҳиб,
Окшомгача бўл манга мусоҳиб.

Чора тарафи пазора айлай,

Бир навъ ишингга чора айлай».

Мажнун чекибон дуосига тил.
Бўлди айга ул кун ўйлаким йил,

Магриб сари меҳр айлагач рўй,
Сурди чўпон хашам сари кўй.

Бир кўй терисин чикорди филхол,
Мажнунга дедика: «Эгнингга сол.

Кўйдек бу терини хилъат айла,
Бошдин аёгингга кисват айла.

Каддингни ганам ичинда хам кил,
Ошик эсанг они мугтанам бил

Ким, келгусидур бути паричехр,
Андокки хамал фазосига меҳр.

Кизлар била ўйнаю талошо,
Кўй согмогин этгали тамошо

Етганда бошингга сен билурсен,
Не навъ назораким килурсен».

Мажнун ёпиниб терини маҳкам,
Кўйлар аро анлабон кадин хам.

Борур эди тўрт аёгланиб тез,
То килди замоиа фитнаангез.

Кўйлар чу кабилага ёвушти,
Кизларга хиром жўши тушти.

Анжум киби чнктилар шитобон,
Лайли ул арода мохитобон.

Чун ишк аро кўп бўлуб малоли,
Ошуфтаву тийра зулфу холи.

Хижрон ўтидин узорида тоб,
Гулбарги сиришк бирла сероб.

Гнсуки бўлуб йўлига жоруб,
Оламга сочиб губору ошуб.

Фитнаки кўзига сурма тортиб,
Жон нақдин олурга кўз карортиб,

Мужғоники катл айлаб оханг,
Юз шуъласи дудидин тутуб ранг.

Ўтлуг юзиким бўлуб дилафрўз.
Мажнункушу балки нуктадон сўз.

Бу навъ жамол ила етиштн
Юз ганжу далол ила етишти.

Мажнунга кўрунғач ул паризод,
Ойини хаёти бўлди барбод.

Бир охи фалак шигоф чекти
Ким, кўкни анга гилоф чекти.

Кўй ичра йикилди зору бедил.
Кўйдекки килурлар они бисмил.

Ул нолаки чекти бемадоро,
Кўйларга рам ўлди ошкоро.

Бўтрашти чу хар бириси бир ён,
Колди орада гариб гирён.

Лайли ИЧЙИ ўртаб ўтлуг охи,
Келди билайин дебон камохи.

Бокса ётур эрдн ер уза пўст,
Ул пўст аро нихон бўлуб дўст.

Баским гам ўти танин карортиб,
Ул мушк ўзига нофа тортиб.

Мушкин кўрунуб тани низори,
Лайли сочининг нечукки тори.

Гулрухга чу бўлди кисса маълум,
Ох урдию хуши бўлди маъдум.

Ёр узра йикилди сарвқад хур,
Туфрок уза туштн гўйиё нур.

Ишк ичра тани низор бирла,

Хамхобалиг этти ёр бирла.

Ошикки эрур ишида содик,
Маъшук бўлур бошида ошик.

Кизлар бўлубон ул ишдин огох
Ким, бўйла йикилди икки дилхох.

Гулрухни кўтардилар хам улдам,
Васл ўлмай аларга хушсиз хам.

Азм айлаб ўкуш фасона бирла,
Ул амрда юз бахопа бирла.

Сахрода колиб гарибу бехеш.
Хайратда шубони чораандеш

Ким, топса хабар кабила ахли,
Бирдам йўк анга хаёт махли.

Мундоқда нки жамозалнк тез,
Еттилар этиб жамозалар хез.

Бу холат ичинда топкоч они,
Бир нока чўкурдилар равони.

Нока уза они кўпдилар чуст.
Илгин аёгини тонгдилар руст.

Вокиф бўлмай кабилада эл,
Азм ўлди аларга ўйлаким ел.

Мундоқ деди ровийи фасона
Ким, келгач атосп уйга ёна.

Билдики кетибдур ул хамул шом,
Кўп йнглади уйда тутмай ором.

Йиглай-йиглай изин иришти,
Ул ерда етиштиким етишти.

Боглаб тева узра чунки топиб,
Келтурди уйига тегру чопиб,

Еткургунча хашамга оии,
Юз катла лабига етти жони.

Чун етти кабилага ёбондин.
Ёд этмади кўй била шубондин.

Эй водийи Айман ичра кўйчи,
Итмен санга ўз кошингда кўйчи!

Шуглунг била бошладим йўлумни
Тут лутф ила сек даги кўлумни.

XXX

Мажнун атоси ўглина кўп насихатлар била Навфал хашамига олиб боргони ва Навфал сур асбобини сурур била чикаргони ва тазвиж ршитаси ақди тузклгони ва ул гирих махкам булмасдин бурун узулгони ва бир ошик маъшуки васлидин ком топкони ва яна бир ошик маъшуки васлин тилай гом ургони

Машшотаки сўз дурини терди,
Бу бикрга бўйла жилва берди

Ким уйга чу келди зор шайдо,
Магзи аро бўлди хуш пайдо.

Йиглаб атоси килиб шикоят,
Этиб яна панди бенихоят.

Ул сўз демайин малолатидин,
Бокмай атога хижолатидин.

Фахм ўлгоч атосининг малоли,
Туфрог этиб ани инфилоли.

Юз ерга кўюб тутуб кулогин.
Кўп ўпти атосининг аёгин.

Дедики: «Кечур гунохим охир
Ким лутфунг эрур панохим охир?»

Кўргач ато ажз эътирофи, Деди:
«Бу ишинггадур талофи.

Килгон боридин ружуъ килсанг,
Не ишга десам шуруъ килсанг.

Мендин тиласанг ризо кабул эт.
Не шаръ этар иктизо кабул эт».

Мажнунки футувват ахли эрди,
Ихсону мурувват ахли эрди.

Хуш ўлса димоги ичра сокин,
Тарки адаб эрмас эрди мумкин.

Одоби хидоят ахли янглиг,
Ойини валоят ахли янглиг.

Андокки тилаб худо ризосин,
Андин сўнг ато-ано ризосин.

Деди: «Санга харнеким ризодур,
Килмоглиг ани манга сазодур.

Хукм этки не навъ этай шиорим,
Этмакда ани не ихтиёрим?»

Бўлди атоси бу нуктадин шод,
Навфал ишидин сўз этти бунёд

Ким, Навфалким Арабдадур ток,
Йўк, йўк, не Арабки, токи офок.

Кўп бўлди сеинг учун аламсанж,
Кўнглига ишингда етти кўп ранж.

Чунким йўк эди азалда такдир.
Топмади ишинг бутарга тадбир.

Эмгаклари бўйнунга эрур карз,
Узрин кўлмок сапга эрур фарз.

Эмди будурур анинг ризоси,
Хам хаста атонгнинг илтимоси

Ким, зохир этиб тарики пайванд,
Килсок анга доги сени фарзанд.

Бир ётлнги бор эмиш париваш,
Боштин-аёги латифу дилкаш.

Иффат харамида ул жамила,
Савдосида зор юз кабила.

Васлин тилар элга худ адад йўк,

Айтурга айга валек хад йўк.

Бу иш биладур манга мубохот,
Таъхирда келди бийми офот.

Мендин тиласанг ризо, ризо бер,
Бу кисса ризосини манга бер!»

Мажнун тилин андок айлади банд
Ким, бўлди ризоси бирла хурсанд.

Хушвакт ўлубон кўпуб тарабиок,
Индатти кабила ахлини пок.

Харнеки керак ул иш яроги,
Омода килиб зиёда доги.

Мажнунни ясаб либос бирла,
Тун-кун киби кишу ос бирла.

Хеч иш била фавт килмай авкот,
Навфал сори азм килдилар бот.

Ул хам чу эшитти можарони.
Жамъ айлади хешу акрабони.

Жаши анжуманин азим курди.
Ул хайлни базм аро тушурди.

Ойини тарабга кўйдилар юз,
Ичку эди неча кеча-кундуз.

Чун бўлди тараб ишига анжом,
Бирдам кўтарилди базмдин жом

Кўп зийнату зеб этиб иковни,
Гулчехра келин бнла куёвни.

Кизнн асраб хижоб ичинда,
Ойдек тўкуз никоб ичинда.

Базм ичра куёвга кўйдуруб гом,
Бердилар эл ўртасида ором.

Ултурди хатиби Ийси иъжоз ,
Хак хамду саносин айлаб огоз.

Ой бирла куёшни айлади акд,
Боши уза сочтилар бaсе накд.

Чун меҳр келин киби ёшуиди,
Тун ерга куёв киби юкунди.

Гардун кўрубон бу иш мувофик,
Келтурди тўкуз табакда сочик.

Ул уйгаки урмиш эрдилар тахт,
Тахт устида солмиш зрдилар рахт

Бошладилар ул, икковни хандон,
Йўк кулгу валс аларга чандон.

Мажнунни карин килиб парига,
Топшурдилар ойнп Муштарига.

Уй гирдидин элпи сурди Навфал
Ким, колмади анда элга мадхал.

Ул теграда жамъ ё жариди,
Алқисса йўк эрди офаридаб.

Бир пос чу тундин ўтти ул хайл,
Тўшлук-тўши килди уйкуга майл.

Навфал йирок ўлтуруб ичиб мул,
Хардам килур эрди бир тахайюл.

Савдоси бу йўлга тутти они
Ким, уй ёнига келнб нихони

Секин килиб уй кийзини пора,
Ул фуржадин айлади назора.

Кўрди еридин кизинки кўпти.
Мажнуи қошига келиб ер ўпти.

Бунёд эттики: «Эй ягона,
Ишк ичра ягонаи замона.

Хам меҳри сафо юзунгда толиъ,
Хам нури вафо энгингда ломиъ,

Бу нукта эрур қошимда равшан,

Эл олида хам эрур муайян

Ким, Лайли ишида нотавонсен,
Ишкида жахонга дostonсен.

Кўнглунгдур анинг гамида
махкам Ким, ишки эрур санга мусаллам,

Кўнглунг ўтидин совутмогунгдур,
Ул борида ёр тутмогунгдур.

Иккимиз атосининг ризоси,
Солмиш сапга бу иш ибтилози.

Чун кишвари ишкнинг шахисен,
Ишк ахли ўтининг огахисен.

Бордур манга доги дардманди,
Ишким расанига понбанди.

Дардим ўти ичра тоби онинг,
Мен доги келиб хароби онинг.

Лекин иккимиз ўти нихони,
Не мени улус билиб, не они.

Фикр айлаки ул асири махжур,
Фахм этса сепинг била майга сур.

Бу кеча анинг не холи бўлгай?
Умри кунининг заволи бўлгай!

Сирримни санга чу айладим фош
. Сендин манга будур эмди подош

Ким, рози бўлуб гароматимга,
Бўйнунгни кўюб маломатимга.

Килмай мени эл аро фазихат,
Кўпсанг даги айласанг азимат.

Хар кимгаки бу фасона етса,
Ул хайл сени маломат этса,

Мен бўлмасам эл аро муотаб,
Килсаиғ сен ўзунгни-ўк мухотаб.

Бу навъ мурувват ўлса сендин,
Изхори футувват ўлса сендин.

Уммедим эрурки кодири пок,
Лайлиники келди нодири пок

Уз хифзи аро зимонда тутгай,
Хар махлакадин амонда тутгай.

Хам хажрида олмагай шикабинг,
Хам васлини айлагай насибинг».

Мажпупга етиб бу сўздин озор,
Ул хаста ишига йиглади зор.

Дедиким: «Аё рамида пайванд!
Бўл ишку му.хаббатннга хурсанд.

Ёрингга вафо шиоринг ўлсун
Ким, тепгри хамиша ёринг ўлсун.

Мен худ тушубон ичимга андух
Килгум эди азми водию кўх.

Кўнглунгни кнлур учун риоят,
Ошуфта замир эдим багоят.

Бу лутфки сендин ўлди зохир
, Узрунгни нечук кўлай мен охир

Кетмаккаки жазм ниятим бор,
Кетсам санга худ не миннатим бор.

Мен худ кетар эрдим ушбу соат
Бердинг сафаримга иститоат.

Миннат санга йўк, ўзумга кўйдум.
Жон бирла ики кўзумга кўйдум», —

Деб кўнти анга дуолар айлаб,
Мундок караму атолар айлаб.

Соз этти оголигу сингиллик,
Кўп истади синглидин бихиллик.

Чикти даги азми пўя этти.

Гам бодиясига кирди кетди.

Навфал кўрубои бу турфа холат,
Киз бирла куёв аро маколат.

Кўпти доги уйда тебради данг,
Май ичра киши еган киби банг.

Кўрган неки ёд этиб уёлиб.
Не асрай олиб, не айта олиб.

Уйнинг яна сори кахру кинда,
Киз ошики бор эмиш каминда.

Илги ародашнаи тутуб тез
Ким, бўлса ул икки ишратангез.

Ул иккини хам халок килгай,
Уз кўксини доги чок килгай.

Пок эрди чу ишки ичра ул зор,
Ишк айлади анга ўтни гулзор,

Мажнунга тутуб ўзини таслим,
Кўп топти тарики ишк таълим.

Туфрогига суртубон жабинлар,
Таврига деди кўп офаринлар.

Хам дилбаридин топиб нишона,
Ойини вафода гойибона.

Бехуд килибон бу холат они,
Ул мехру мухаббати нихони.

Чун шавкида токати бўлуб ток,
Ун ичра кириб хариф мушток.

Ер устида айлади танин паст,
Туфрокка жонни килди хамдаст.

Маъшук чу кўрди потавонин.
Юз саъй ила асради фигонин.

Мехр ила бошига соя солди,
Боштин кўтарди кўнглин олди.

Йилларки бу ишк арода эрди,
Кундин-кунга зиёда эрди.

Бермайдур эди иковга пайваст,
Бу тунгича васл давлати даст.

Бир-бирига меҳр этиб падидор
Бўдилар иковла масти дидор

Жуз нафс муродиким йўк эрди,
Ўзга бори кам даст берди.

Тонг отгуча гунгу лол эдилар,
Сармасти майи висол эдилар.

Чун тонг куши нола ёд килди
Ошик даги хайрбод килди.

Бош олдию кетти васлдин шод,
Маъшукаси колди гамдин озод.

Чун субх арусининг юзида,
Кўргузди сапида дам сапида.

Машшотаи чарх тутти ўтру,
Кун чашмасидин юзига кўзгу.

Сур эли юз урди бомдодон,
Киз бирла куёв қошига шодон.

Ул уйда бири эди, иков йўк,
Киз ёлгуз эди, вале куёв йўк.

Тўлди яна гамдин ул арози,
Мажнун эли худ ўлумга рози.

Навфал билибонки иедур ахвол,
Айтурга вале тили бўлуб лол.

Мажнун элига базе кўлуб узр,
Айтур сўзи сарбасар бўлуб узр

Ким, «Тенгридин эрди бўйла такдир,
Неким такдир эрур, не тадбир.

Не сиздин ўлуб бу иш, не биздин

Балким не ўгулдину не киздин.

Такдирдин эрди бўйла холат,
Шукр айлангу рафъ этинг малолат».

Бу узр ила барчани узотти,
Ёнди ўзию узолди ётти.

Ул навъ нухуфта ранжу темор,
Бистар уза жисмин этти бемор.

Бемормен, эй табиби хозик,
Ташхисинг эмас вале мувофик,

Жонимни олур гами нихоним,
Дафъ айлаву ё багишла жоним.

XXXI

Фалак золи мушаъбидлигининг букаламунлуги Мажнунни Навфил кизи висолига
еткурмасдин бурун айиргондек Лайлини доги Аби Салом малолатидин саломат айириб
хажр каро тунида икки номуродни муродга еткурғони ва бадансиз рухни рухсиз баданга
кивурғони ва рух била бадан васли муяссар бўлгоч тиги фирок сурғони ва ул сув била бу
висол ўтин ўчурғони

Килкики бу сафха килди хориш,
Афсона бу навъ этар нигориш

Ким, ул неча кунки чархи пурфан
Ким, кўпрок анга фиреб эрур фан.

Хазл этти не хазл, беҳаёлик,
Мажнунга буюрди кадхудолик.

Хам Ибни Салом иттифоки,
Соз айлади уйланур ярокп.

Харнски керак килиб мураттаб,
Лайли хашамига сурди маркаб.

Чиктилар алар даги топиб ком,
Бердилар анга уй ичра ором.

Хайлини даги тушурдилар бот,
Базм ичра кадах кетурдилар бот.

Ул навъки расм эрур зиёфат,
Айлаб анга доги кўп изофат.

Айш айладилар неча туну кун Ким,
не куня майсиз эрди, не тун.

Чуп бўлди махалки ақди тазвиж.
Бергай бу нишот ишига тарвиж .

Бўлмиш эди соат ихтиёри,
Жамъ ўлди кабила ахли бори.

Тил чекти хатиби харзапайванд
Ақд ичра куёвни айлади банд.

Чун топти пикох иши сарапжом,
Лайли харамига урдилар гом

Ким, майл этибон тумап жафога,
Бергайлар ул ойни аждахога.

Ер илги чу илгига ёвушти,
Мискинга гариб кисса тушти.

Табъи хафакондин эрди маълул,
Кўп бўлса эди кадахка машгул,

Андок солур эрди жисмига печ
Ким, келмас эди анга нафас хеч.

Ичти печа кун чу бемадоро,
Ул захмати бўлди ошкоро.

Ул навъки тарки хуш килди,
Ўлган кишилар киби йикилди.

Ул бўлди хаётидап чу махжур,
Мотамга мубаддал ўлди ул сур.

Бир уйга кюрдилар равони.

Гавго бўлди куёв бошига
Ким, келмади эл келин қошига.

Бечора келинни лол этиб фикр,
Товуси шикаста бол этиб фикр.

Кўнгли аро эрди юз тафаккур,
Ул бордию келда минг тахайюр.

Ўз катлини айламиш эди биг,
Пинхон килиб эрди захрлик тиг

Ким, хасм топар нафас анга ком,
Ўлтургай ўзини ком-ноком.

Агёрдин ўзни ори этгай,
Ўз ёри вафоси бирла кетгай:

Тиг ўзига ихтиёр килди,
Хасми баданига кор килди.

Кўргузди бутун фалак нифоки,
Кўп амри гариб иттифоки.

Бу эрди бирики ул ики фард
Ким, жонлари эрди дардпарвард.

Бахри фалак урди ул сифат
мавж Ким, айлади икки фардни завж.

Хар бирни яна биров била жуфт,
Еткурмади хеч дур аро суфт.

Бир буки бу навъ ики кудурат.
Бир кеча ичинда тутти сурат.

Хам ул кеча айрилиштилар бот,
Ўз бўлмайин ўлдилар яна ёт.

Гўёки мунажжими назарбип,
Бир эрдик соат этти таъйин.

Бу ишда мунажжим ар забундур,
Яъни «казабал-мунажжимун» дур.

Алқисса куёв чу бўлди бехол,
Заъф айлади пайкарини помол.

Мажмуъ эл онда эрди ул тун,
Кадбонуву золу бикру хотун.

Лайли бўлуб ул балодин озод,

Топти гамгин замирини шод.

Кўрдикки қошида кимса йўқдур,
Эл барча куёв бошида ўқдур.

Кўнгли тўла эрди хужра холи,
Уй ёнида бир кум эрди олий.

Уйдин ташкарп кўйди гомин,
Ул кум уза кўргузуб хиромин.

Тутмас эди лахза-лахза ором,
Секин-секин урар эди гом.

Хар лахза дер эрди шукри бори,
Борурда йўк эрди ихтиёри.

То онча масофат айлади тай
Ким, килса назар кўрунмагай хай.

Мажнун дагиким тутуб биёбон,
Бу сори келур эди шитобон.

Ул мунга, бу анга чуп ёвушти,
Иккисига изтироб тушти.

Лайли танибон анинг навосин,
Навха аро назми жонфизосин.

Мажнунга етиб анинг насими,
Колмай ичида фирок бийми.

То бир-бирига етиштилар бот,
Ким кўрди висол бўйла, хайхот?

Чун бир-бириспн таништилар жазм,
Рух этти бадан харимига азм.

Яъни бадан ўлди зору мажрух,
Маъшуки ўшул бадан аро рух.

Руҳи кудсий нузул килди,
Хоки тан аро хулул килди.

Икки гухар ўрни бўлди бир дурж,
Икки куёш авжн бўлди бир бурж,

Бир согар аро тушуб ики мул,
Бир гунча аро бутуб ики гул.

Бир жисмда икки рух ўлуб гум,
Бир кўз аросида икки мардум.

Васл айлади иккиликни бокий,
Вахдат кадахини тутти сокий.

Бу бода бирини маст килди,
Ул бирини майпараст килди.

Йўк, йўкки, икиси маст бўлди,
Хам икиси майпараст бўлди.

Бу турфаки гар ики эди от
Топилмас эди багайри бир зот.

Икки кадахи оби зиндагони
Кўшулса, ким айру англари они?

Бу канд эдию ул зулол монанд,
Жазб айлади ул зулолни канд.

Бу сув эди ул хубоб хосил,
Бир ох ила ўлди анга восил.

Бир лахза сипехр ўлуб мулойим,
Фитна кўзин этти кеча нойим.

Афлок вафога бўлди боис,
Афлок уйидин чикиб хаводис.

Амн ила замонаи мушаъбад,
Атрофига дахрнинг чекиб сад.

Ёр эрди сипехру, давр ёвар,
Акл айламайин бу ишни бовар.

Харнеки хисоби офариниш
Айлаб ул иковга васл хошиш.

Ургамчи шабокка жулни тирмаб,
Тумшугини ришта бирла чирмаб.

Хуффошки сайри давр топиб,

Оламга каноти парда ёпиб.

Юзига тушуб бўри кулоги,
Андин ёпилиб кўзи чароги.

Ногах уку чекмагай дебон ун,
Тумшуги этиб кўзини чобун.

Кўйчи ктин уйку деви босиб,
Кўйлар юпги риштасидин осиб.

Макр ила саводи анбаролуд,
Дўлту тўшугига солибон дуд.

Осуда чарандаву паранда,
Уйкуда газандаву даранда.

Имдод аён килиб табойиъ,
Бўлмаска бу навъ васл зойиъ.

Не гард кўпуб, не ел равона,
Сув сокину чекмай ўт забона.

Ёймокка хаво мижози мойил,
Ўтнинг кураси юзига хойил.

Хам парда тироз ўт харири,
Инмасга сипохи замхарири.

Ул доги фалак юзин тутуб пок,
Бир-бир юзини тўккуз афлок.

Нахсиятидин кечиб савобит,
Сайёр саодат ичра собит.

Ой курсида йўк зиё нишони,
Ер анга куёш кўмондони.

Тонг откуча юмайин кўзин тийр
Айлар эди «ин якодун» тахрир.

Зухра не ўкуб, не чолибон чанг,
Парда аро кирмак айлаб оханг.

Кўп шамъики ер тубига бориб,
Хилват кеча шамъни чикориб.

Баҳром чекиб синон, солиб шўр
Ким бокса ёмон кўз айлагай кўр.

Биржис кўл очубон дуога,
Фурсат тилаб икки дилрабога.

Нахсийятидин Зухал юмуб чанг,
Тунга берур эрди юзидин ранг.

Тун кирга булгабон кўлини,
Берк айлар эди сахар йўлини.

Совук нафасини урмайин субх.
Тун кулларини совурмайин субх.

Содикка нафас урар хавас йўк,
Козибга худ ул кеча нафас йўк.

Тун дуди тутуб фалак хамини,
Тутмиш эди субхлар дамини.

Йўк элга ёруг чароги биниш,
Уйку аро колиб офарнниш.

Ул икки нечукки бахти бедор,
Бўлуб бири-бирга масти дийдор.

Йиллар бўлган фалак хилофи,
Бир кечада топибон талофи.

Чирмаштплар ўнлаким тану
жон, Е сарви снхию ишкпечон.

Гохи бу ўпуб анинг аёкин,
Гох ул ислаб мунунг сакокин.

Бу гох килиб кўлини куллоб.
Ул танга сочи киби уруб тоб.

Ул гох тутуб мунуиг кўлнп туз,
Гах суртубоп анга кўз, гахи юз.

Бу гох очар эди кулочин,
Чирмар эди кўлга ёр сочин.

Яъни анга ганжким хавасдур,

Чирмашса йилон ажаб эмасдур.

Ул гоҳ мунга аён килиб дард,
Жўлида сочидин оритиб гард.

Яъни бу саводи гам губори,
Бехким мапга нофан тотори.

Мажнун согиниб ўзини Лайли,
Айлар эди нозу ишза майли.

Лайли ўзини согинди Мажнун,
Шукр эттики, ёри эрди макрун.

Ул бу бўлдию лек бу ул,
Топмади арода иккилик йўл.

Хар ишки ўтуб халокликдин,
Айру эмас эрди покликдин.

Ишк ахли бу назъ ўлсалар пок,
Гар сасл муаббад ўлса небок?

Ошикки муроди ком бўлгай,
Ошиклик анга харом бўлгай.

Алқисса ул икки ёри дилбанд,
Чун бўлдилар ўйла васл пайванд

Пайванди сипехрнинг узулди,
Оханги жафо яна тузулди.

Ёлгон куларига бўлди роғиб
Ким, килди тулуъ субҳи козиб.

Чун субҳ карори тогдин ошти,
Мажнун юрагига ўт тутощи.

Лайлидин ўлуб тараб гурезон,
Тонг шамъидек ўлди ашк резон.

Билдилар иковки чархи бемехр
Ўз мехрига зохир этгуси чехр.

Юз узр ила кўптак сарви навхез,
Наргисларин айлаб аргувон рез.

Шарх эттики фитнаи хаводис,
Окшом не иш этмиш эрди ходис.

Яъни: «Тураримга юз жихатдур,
Борсам даги айна маслахатдур».

Багри ярасин бу доги сўкти,
Баъзи кеча ўткан ишни тўкти.

Бир-бирларининг ўпуб аёгин,
Тоза килибон фирок догин.

Девобага колди гам тунӣ дард,
Ўз буржига чикти моху шабгард.

Хуш давлат эрур висол шоми,
Очилмаса субхи хажр доми.

Ул шом юз илча гар хавасдур,
Чун субх дам урди бир нафасдур.

XXXII

Мажнуннинг фирок тоши кўксига урар учун Нажд тогини оромгох килгони ва ул тогда кўзидин тўккан багар хунобаси била лозазор очилгоии ва газоли мушкбўйи ёдидин мушкин газоли била такаллум тузгони ва насими мушкафшон била наво кўргузгони

Афсонасаройи дардпарвад,
Мундок деди бу фасонаи дард

Ким, ул кечаким ики дилором
Бир-бирининг васлидин олиб ком,

Дашт узра бириси колди ёлгуз,
Кўйди бириси кабилага юз.

Холи колиб эрди хиргахи мох,
Солди ўзин анда мохи хиргох.

Эл бўлмади холидин хабардор,
Ким васлидин ўлди бахрабардор.

Ул зумраи номурод гофил
Ким, бўлди анга мурод хосил.

Чун субх куёвдек айлаб оро,

Жилва била бўлди ошкоро.

Танги нафас этти они асфар,
Ул ранг илаким гули муасфар.

Сохиб хафакон куёв кўз очти,
Бошидаги эл сари сўз очти.

Дедики кетурдилар амори,
Азм айлади ўз високи сори.

Ким, заъфи қачонки бўлса зойил,
Бўлгай яна айлар ишга мойил.

Лайлики уй ичра тутти таскин,
Хажр андухидин кўп ўлди гамгин.

Ёр иси топиб эди димоги,
Онсиз бўла олмади фароги.

Хам дардида бор эди катиглик,
Хам айшида бор эди ачиглик.

Мажнунгаки стти давлати васл,
Фахм этмаган эрди лаззати васл.

Куюб гам ўтига ўйлаким хас,
Васл оти эшитур эрдию бас.

Чун васл ила тоза бўлди жони,
Нўш этти юз оби зиндагони.

Тўкти бу хаёт нўшин айём,
Тутти яна захр тўла юз жом.

Хажрики анга мураттаб ўлди,
Аввалгидин эмди асъаб ўлди.

Кўнгли аро юз балойи хойил,
Бўлди, яна Нажд сори мойил.

Ул куллаки Нажд дерлар оии,
Ер уза келиб сипехри сони.

Авжики етиб фалак симоин,
Коплондин олиб камар низоин.

Хам коплонидин асадга эмгак,
Хам таккаси жадй бирла хамтак.

Гулгунау вусмадин юзи фард,
Яъники йўк анда сабзау вард.

Колконига оннинг уруб тиг,
Бал меҳр юзига тегуруб тиг.

Тиги уза пора-пора хора,
Андокки киличда сангпора.

Хоро эди жисми кўх то кўх,
Ошикка нечукки кўхи андух.

Ошикка жафо килур учун фош,
Кўйнию этаклари тўла тош.

Хар хор анга хажр пешидек тез,
Хар хора фирокдек гамангез.

Мажнунга бу тог авжи маскан,
Ул авжда хорарўбу хаскан.

Яъни буки туткоч анда манзил
, Манзури эди бори кабоил.

Лайли хашамни килиб пишони,
Кўзидин нтурмас эрди они.

Бу навъ килиб гамига чора, Ул
хайни килур эди назора.

Чикса эди ул кабиладин дуд,
Айлар эди кўзнн сурмаандуд.

Гард ўлса фалак сори аламкаш,
Бор эрди кўзига тўтиёваш.

Урди яна ул тараф кадамни.
Тортиб яна охи дам-бадамни.

Ул тог уза чикти оташангез
Апдокки бийикка ўт чикар тез.

Тикти яна ул кабилага кўз,

Де бошлади ўз-ўзи била сўз.

Даврида вухуш бўлди пайдо,
Хуш ичра алар вале бу шайдо.

Гирдида туюр бўлдилар жамъ,
Парвопа алар вале бу шамъ.

Бу навъ бўлуб шиори онинг,
Ул хайл ила рўзгори онинг.

Ул вахшки эрдилар жалиси,
Бир жайран эди анинг аниси,

Хам кўзию бўйни шўху нозук,
Хам пайкару шахси чусту чобук.

Сурат анга лутф хомасидин,
Нофа анга жон шамомасидинб.

Девонага ёру ошно ул,
Такая килур ўлса муттако ул.

Бўйнин кучар эрди кўргузуб мехр,
Суртар эди чехрига анинг чехр.

Ашкин аритиб кулоги бирла,
Жисмини кашиб туюги бирла

Васфи ора соз этиб тарона,
Дер эрди кулогига фасона:

«Кей дилшудаларга ошно хўй,
Бошдин-оёгингга ошно рўй.

Молида танинг ипак кийиб жум,
Остингда ипак ерига кокум.

Хам тоза куфул била сарининг
Хам турфа узор ила жабининг.

Огзинг аро лоладин навола,
Тилдин колиб анда барги лола.

Тишлар санга лола узра мўлдур,
Мўлдур демайинки риштаи дур.

Эрнинг топибон дур узра ёкут.

Ранг ичра ики кўзунг кароси,
Позахри ила каро ароси.

Юз нўшдин элга еткуруб бахр,
Хар кўз юмуб очкуча бу позахр

Ё катл килурга келди хашминг,
Позахрдин ўлди захр чашминг?

Позахр дема, каро бало ул,
Жон бирла кўнгул аро бало ул.

Лайли кўзидек фусунгару шанг,
Бесурма, валек сурмаи ранг.

Нозук каламинг назарда мутлак,
Йўнгон каламидурур учи шак.

Туйнок эмас англасам камохи,
Юкмиш калам учига сиёхи.

Раъно сўнгагинг сўнгакка пайванд,
Андокки каламда хам бўлур банд,

Бу турфаки ёзгали ракамни,
Йўкмишсен бандлнк каламни.

Ушбу калампнг била хиром эт,
Лайли хашами сари маком эт.

Чикканда бахор гашти сори,
Гар тушса сснинг сори гузори.

Давр айла бурун, югур кирокдин,
Эврул бошига, вале йирокдин.

Чун давр ила айласанг таку пўй.
Тупрокка хар ўн кадамда юз кўй,

Тут сайрда йўл валек мендин,
Хоки рахи бўл валек мендин,

Хам юзни сенинг юзунгга суртай,
Хам кўзни сенинг кўзунгга суртай.

Ул ёнки хиром этар равон бўл,
Лола била гул аро нихон бўл.

Етгач оёгига сурт юзни,
Хоки кадамига икки кўзни.

Бўзлаб гамим айла ошкоро,
Мунграб мунгум айт бемадоро».

Бу навъ кийик била ниёзи,
Кушлар била ўзга навъ рози.

Хар бирга деб ўйла киссаи гам
Ким, куш тили ёлбориб дамодам.

Жон сафхаси узра нома ёзиб
, Хар лафз ёзарда кўнгли озиб.

Жон риштаси бирла номани чувт
, Боглабон алар канотига руст.

Гах тайри хаводин айлаб эълон,
Гах боди сабодин айлаб эълон.

Кўнгли хаваси висоли бирла,
Лекин бу хавас хаёли бирла.

Ул васлки тоимиш айлабон ёд,
Онинг била кўнглин айлабон шод.

Юз йил киши хажр аро чекиб дард,
Бўлса нафасе висол парвард.

Гам йўк яна бўлса хажр пайваст,
Ул хам манга ваҳки, бермади даст!

XXXIII

Мажнуннинг ато-аноси анинг мухлик фирокидин халок ўлуб, ул аларнинг бу навъ вокиаларини вокиада кўруб туфрогларига елдек етиб, ато гўри бошида ятимлик дарди била ва ано кабри тошида асирликмунги била навха килгони

Бу базми гам ичра дардпарвард,
Бу навъ чекар суруди пурдард

Ким, Навфал уйидин ул жигархун
Яъники гариб хаста Мажнун,

Чун бодия сори азм килди,
Тонглаки ато-аноси билди.

Баским келибон улус уёти,
Катъ ўлди икисининг хаёти.

Озим бўлуб уйга зорлигдин,
Эл олида шармисорлигдин.

Юзланди атосига иситмок,
Тер суйини жисмидин илитмок.

Бистар уза ётти дард бирла
Иссиг теру охи сард бирла.

Кўпрок неча килдилар иложи,
Сиххатка юз урмади мизожи.

Хикмат эли кўргузуб махорат,
Кам бўлмади табъидин харорат.

Шарбат киби ичса эрди кофур,
Табъи ўти айлар эрди махрур .

Чун нахли хаёт бўлди бебарг,
Шарбат бўлур элга шарбати марг.

Гар берса табиб тухмиёна,
Бил захри гиях бутарга дона.

Ич кабз топар таранжабиндин,
Сафро ортар сиканжабиндин.

Бўлур таъвиз бирла афсун
Боис бори ранж ўлурга афзун.

Бас мухлик эди мариз ранжи,
Бўлмади илож чора санжи.

Чун етти суруши осмони,

Топшурди вадиати нихони.

Азм айлади тайри сидра маскан,
Уз масканин этгали нишиман

Юзланди кабилага азойи,
Сўг ахлига тушти хой-хойи.

Бу вокиа ичра нотавон зол,
Андинки дегайлар ўлди бадхол.

Бир ёндии ўгул гаму шиканжи,
Бир ёндин абушка дарду ранжи

Баским ўзин этти пора-пора,
Йўк эрди хаётидин шумора.

Ок сочин узубки елга берди
Бир тор заиф жисми эрди.

Они доги гунбази жафокўш,
Ўз жуфтига айлади хамогўш.

Гар ўгли фироки бирла кетти,
Не бўлса абушкасига етти.

Туттилар анинг даги азосин,
Кийдилар анинг даги каросин.

Гўристонийи муайян эрди
Ким, ул хай элига мадфаи эрди,

Чун етти кўз очмас уйку чоги.
Ёндошти иковла анда доги.

Мундинки не феъл килди гардун,
Нажд узра хабарсиз эрди Мажнун.

Бир кун ошибон ичига кайгу,
Келди нафасе кўзига уйку.

Чун кўзлари бўлди рохатомез,

Ким, икки кабутари ягона,
Бир уйда чикордилар жавона.

Чун чикти жавонага пару бол.
Чарх айлади они музтариб хол.

Ошuftа бўлуб димогу ройи,
Бўлмиш эди муддате хавойн.

Ато-анодин тамом узулди,
Сахройи хиял аро кўшулди.

Ул иккиси келтурурга они,
Парвоз ила туттилар хавони.

Топтилару ром бўлмади хеч,
Жўёйи маком9 бўлмади хеч.

Ёндилар алар иковла новмид
Ким, бўлди аёп балойи жовид:

Юкоридин инди икки бургут,
Килдилар ики хамомани кут.

Чун вокиа кўргучи кўз очти,
Кўздин конлиг сиришк сочти.

Чун истади ул тушига таъбир,
Ўз холига дол топти бир-бир.

Билдики ато-аноси ўлмиш,
Хуршеди хаёти тийра бўлмиш.

Тогдин кўпуб айлади куйи майл,
Хар кўлга тўкуб сиришкидин сайл

Ул ергача айлаб оху зори,
Гом урднки хайлининг мазори.

Килди чу кубурни назора,
Бўлди ики кабр ошкора.

Туфроглар аро янги ясалгон,
Гам балчигидин юзи сувалгон.

Устига ёғиб губори мехнат,
Бутгон аёгида хори мехнат.

Мехнат тиканидин очилиб вард,

Райхони машаккату гули дард.

Лоласидаким, кўрунуб анбух,
Хуноби фироку доги андух.

Тоши ушотиб нишот аёгин,
Гарди ёшуруб тараб чарогин

Ваъзи ики шамъким йикилгон,
Андух шамоли тийра килгон.

Мадфунлари икки гам сиришта,
Ул навъки шамъ ичинда ришта.

Дема ики шамъи мунхасифдек,
Ошик танида ики алифдек.

Килгон ани жисми хоксори,
Жони била кўнглининг мазори.

Чун кўрди ато-ано мазорин,
Гўё чокин урди жисми зорин,

Бошига совурди онча туфрок,
Гўёки йикилди бу кухан ток.

Тош урмок ила тани нажандин,
Гўёки ойирди банд-бандин.

Чекмак била ох ўти духонин,
Тор айлади дахр хонумонин.

Урди атоси мазорига бош
Ким, кул-кўмак этти бошин ул тош.

Чун чекти фигони жон гудозин
Мундок тўкти нухуфта розин:

«Кей бодия ахли аржуманди!
Кўк токига химматинг каманди.

Не бодия, балки Макка то Шом,
Дашт ахлига хони рахматинг ом.

Аъроби кироми зердастинг,
Мендин етибон бори шикастинг.

Хам кўнглунг ўлуб гамимда ношод,
Хам умрунг ўлуб ишимда барбод.

Истаб менн бўлгали фаролинг,
Мендин ўчубон ёрук чаролинг.

Топмоқда мени сочиб дирамлар,
Топмай мендин, бажуз аламлар.

Гавхар била эслиг тилаб бош,
Бошига хамул гухар бўлуб тош.

Захминггаки истабон фатила,
Дог ўртагали бўлуб васила.

Тигики тилаб нечукки поки,
Хам андин ўлуб танинга чоки.

Шамъ истабон уй килурга равшан,
Андин куюб, уй демайки, хирман.

Яъни мени мубталони истаб,
Икки юзи чум карони истаб.

Олиб бу каро эсинг кароринг,
Айлаб карорўз — рўзгоринг.

Бу гамда нетиб тирик бўлай, вой?
Узрунгни не тил била кўлай, вой?

Амринг била чунки тутмадим йўл,
Рухунгга нечук дейин бихил бўл?

Ногох ар менднп ўйла тўйдунг
Ким, гам тогин оркам уза кўйдунг.

Бир-бир сўнгагим ушоттинг охир,
Туфрокга танимни коттинг охир.

Хар нечаки бор эсам бад ахтар,
Килгон эса толиим рад ахтар.

Афв айла карам била гунохим,
Рухунгни-ўк айла узрхохим».

Тош узра килиб танини саркўб,

Мижгонини айлабон заминрӯб.

Чун бўлди ватан аноси гӯри,
Тушти япа олам ичра шӯри.

Кўксин ёка ўрнига килиб чок.
Урди юрагига тиги бебок.

Ерни тенгиз этти ашкидин сайл,
Болигдин ўлуб кубури бир хайл.

Кум устида лек тоби охи,
Ўз жисмини этти тоба мохи.

Тоба уза жисми сўзноки,
Бугдой киби кўкси узра чоки.

Андок тани дарднок бирла,
Йўк, йўкки, бу жисми чок бирла

Кўп абри бахордек ўкурди,
Каф сайл киби юзига урди.

Килди аносига мўя оғоз,
Юз дард ила бўлди навха пардоз:

«Ксй жонима кибла, кнблама нур,
Мушкунг бўлуб эмгакимда кофур.

Жоним тараби кўзум чароги,
Кўнглум хуши хотирим фароги.

Сен Каъба мангаву мен тилаб дайр,
Тавфинг сори хеч килмайин сайр.

Солиб санга изтироб хар дам,
Каъбамни килиб хароб хардам.

Каъбам бўлмиш менинг харобим,
Тенгрига не бўлгуси жавобим?

Жисминг садафида чархи авбош,
Солгон эмиш инжу согиниб тош.

Тукконда не бўлгай ўлсам эрди,
Тугмогон ила тенг ўлсам эрди,

Улмай мени мудбири сияхрӯз,
Бўлдум санга чун балойи жонсўз.

Мехримга кўнгулни мойил эттинг,
Кўл маҳдим уза ҳамойил эттинг,

Хар кун ичинга ишимда кайгу,
Хар тун кўзунга харом уйку.

Уйкунгни харом этиб фиғоним,
Тинмай кеча зор йиглагоним.

Кундуз-кеча мехнатимда тинмай,
Ичмакни, емакни ҳам согинмай.

Гар лукмаи нонки айлабон кут,
Андин гаразинг бўлуб манга сут.

Бу навъ умед илаки ногох,
Бўлса санга золи чарх кинхох.

Мехнат юкидин кадинг ҳам этса,
Чин бирла юзунгни дархам этса.

Жисмингга зарурат ўлса бистар,
Бошинг доғи бўлса така истар

Мен ҳам кад ила туруб кошингга,
Гардун киби эврулАуб бошингга.

Кул янглиг ўгуллуғунгни килсам,
Угул киби куллунгунгни килсам.

Харнавъ етишса чархдин банд,
Менинг била кўнглунг ўлса хурсанд.

Чун бўлди бу иш аён хамоно,
Сен зору заифу мен тавоно.

Хам шайбга колди хасга жонинг,
Хам жилвагар ўлди навжувонинг.

Мундоқда мени лаими мудбир,
Бўлмай нафасе бошингда хозир.

Шафкат била тутмайин кўлунгни,

Кўз бирла супурмайин йўлунгни.

Ранжинг тани нотавонга кўймай,
Ушбу миннатни жонга кўймай.

Йўк кам хизматлиг айладим кўп,
Кофири неъматлиг айладим кўп.

Сендин туну-кун жудолиг эттим,
Билмаслигу бевафолиг эттим.

Солгондек ўзумни телбаликка,
Кўнглунг ола олмадим иликка.

Дардингга худ этмадим давойи,
Бу турфаки хар нафас балойи.

Мендин сени нотавонга етти,
Кўнглунг аламимда жопга етти.

Гўёки бу ранжи бегарондин,
Чиктинг гаму дард ила жахондин.

Мен харзясаройи даштпаймой,
Йўкким Мажиуни бесару пой.

Рухунгники равзадур панохи,
Жанноти наим жилвагохи.

Мендин билсамки шод эмасдур,
Ўздин ўзума бу зулм басдур.

Бечорамен ўзга найлагаймен,
Дардимга не чора айлагаймен?».

Деб бўйла суруди бенаволик,
Ё навхаки айлагай азолик.

Машъуф бу навъ сўзпи дерга,
Кўп урди синук бошини ерга.

То заъф килиб яна димоги,
Паст ўлди ер узра жисми доги

Уздин яна ул масоба кетти
Ким, кўни ато-анога етти.

Эй дўст, бошимга бир нафас ет,
Мотамзадаликка боку раҳм эт

Ким, бўлди бу бекасу факиринг,
Хажр ичра ятимингу асиринг.

XXXIV

Мажнуннинг ёр хажри ўтидин куйган танига ато-ано сўги яна икки мухлик дог кўйгон
жихатдин меҳнати каттиг бўлгонин Лайли эшитиб ул сўхтани куйдургон ўтлар тобидин
иситиб дудидин рўзгори хаёти каро бўлгони

Бу сафхани айлаган зарафшон,
Сўз бу сифат этти гавхарафшон

Ким, телбаки бор эди навосиз,
Чун бўлди атосизу аносиз.

Ўртаб эди они ёр доғи,
Зам бўлди бу икки зор доғи.

Хижрон бериб эрди захри котил,
Ўлгунча бу сўги килди бисмил.

Фуркат ушотурга тошин отти,
Сингонни бу сўг хам ушотти.

Дард устига дарди чун узолди,
Ул гўристон ичида колди.

Бор эрди макоми ул хазира,
Олам анга мисли гўр тийра.

Хар кун иши шайну нола килмок,
Юз гамга ўзин хавола килмок.

Уз жонига айламок жафолар,
Тутмок ўзи-ўзига азолар.

Ато-ано фуркати ики дог
Хижрон куюб икки ўт уза ёғ.

Гарчи ики дог эди нихонсўз,
Хижрон ўти эрди барки жонсўз.

Чун мунча гаму бало йигилди,

Ул гамкашу мубтало пикилди.

Заъф ўлди танига ўйла голиб
Ким, ётти хамул даманда колиб.

Боши уза дому дад солиб шўр,
Кийиклар эдию ул колип гўр.

Бўлди анга иш чу бўйла мушкил,
Бу навъ ривоят этти нокил

Ким, андаки гулрухи паризод
Бўлди Мажнуни васлидин шод.

Ул васлни чархи бемухассал,
Килди яна хажр ила мубаддал.

Мархам ярасига ёккач-ўк бот,
Ўт ёкти талашиб они, хайхот.

Ўртар эди бу ўт ул санамни,
Дўзахка солиб гули Ирамни .

Махзун эди жони зори асру,
Бетоб тани низори асру.

Чун ёрига етти бўйла мотам
Ким, ўлди анга ато-апо хам.

Бу дард гамин фузунрок этти,
Андухи йўлин узунрок этти.

Ул вокеаларки даст берди,
Билмиш эдиким сабаб ул эрди.

Мажнун анинг эрди дардноки,
Мажнуннинг ато-ано халоки.

Бу ишгаки чарх килди ходис,
Бир восита бирла эрди боис.

Бу меҳнат ани нажанд килди,
Андух ўтига сипанд килди.

Йиглар эди бу фасонани деб,
Навха била бу таронани деб

Ким, «эй кажрав сипехри худрой,
Зулмунгдин войу юз туман вой!..

Жонимга неча ситам килурсен?
Кўнглумга насиб алам килурсен?

Бир гулга неча тапонча урмок,
Япрогларинн узуб совурмок?

Хар баргки бўйла бўлди холи,
Килмок бор халк поймоли.

Ул барг гам элга бермас эрди,
Бир кавкаби нахсинг эрмас эрди.

Бир сарвга зарби даст бермак,
Хар шохига юз шикаст бермак.

Уртаб ўтунини бетааммул,
Шохин ўту, ўтин айламак кул.

Ул сарв эмас эрди зузанобинг,
Нахсиятидин жахон харобинг?

Бир лаълга печа хора отмок,
Икки тош аросида ушотмок?

Хам бўлмаин иктифо бу поя,
Тошлар аро айламак салоя.

Бахроминга эрмас эрди хамсанг,
Кони била тутмамиш эди ранг.

Чун кўрмак бир газоли мушкин,
Чекмак катлига ханжари кин.

Бисмилдин хам канора килмок,
Хар узвини бошка пора килмок.

Бу бор эди бир газоли хушбў,
Худ шум асадинг эмас эди бу.

Бир турфа тазарв учун кўюб дом
Туткоч катлида тутмай ором.

Юлмокка парин шитоб килмок,

Ут узра ани кабоб килмок.

Не бўлса бу эрди бир тазарв-ўк
Сайд этгучи насри тойиринг йўк.

Лайлийи заифу бепавони,
Юз дарду балога мубталони

Ўлтурмак ила хам этмайин бас,
Хажр ўтига солмок ўйлаким хас.

Бу Лайли эди недур хаёлинг.
Эрмас эди хийла пеша золинг?!

Соврулгасиз, эй раванда афлок!
Кўзголгасиз, эй нужуми бебок!

Жисмимни катил килдингизло!
Жонимни залил килдингизло!

Бугдой киби неча коврuloйин,
Сомон киби неча соврулойин?

Хам хужраи хилкатим бузўлди,
Хам риштаи токатим узулди.

Жисмим гардин учурди охим,
Эй чарх, аримадиму гунохим?!

Бузди кўнглим уйин шиканжинг,
Эй дахр, туганмадиму ранжинг?

Бу дарду шиканж хам мангадур,
Еримдаги ранж хам мангадур.

Онингки ато-аноси ўлмиш,
Гўёки манга бу сўг бўлмиш.

Ул гар бўлуб эрса дардпарвард.
Лекин манга икки ончадур дард,

Анга ато-анонинг гамидур,
Хам бу манга, хам анинг гамидур.

Лайлики балойифуркати бор,
Ики Мажнунча мехнати бор.

Умр анга галат хавасдур охир,
Жон тарки ажаб эмасдур охир!»

Чун навхаси ўти хаддин ошти,
Жисмига харорати тутошти.

Ул ўтдин иситти меҳри гулчехр,
Андокки завол чогида меҳр.

Гул баргика тердин ўлди сероб,
Хам топти иситма ўтидин тоб.

Тер суйи била арак нишин гул
Хуммо ўти бирла оташин гул.

Бор эрди ано ишидин огах,
Чун кизни бу навъ кўрди ногах

Кўнгли иши изтироб бўлди,
Гўё жигари кабоб бўлди.

Багри куяридин ул жигархор,
Килди атосин даги хабардор.

Юзланди анга даги малолат
Ким, кўрди кизида саъб холат.

Йиглаб ато-ано, бал ахиббо,
Бошига кетурдилар атиббо.

Кўп бўлди куёшнинг изтироби,
Юзда сориги танида тоби.

Сиххатка табиб хаста толиб,
Хаста баданида заъф голиб.

Саъй этти хаками Исавий дам,
Бўлмоди кўёш харорати кам.

йўк эрди муолажатда бехбуд,
Чун етти ажал илож несуд?

Хар кун тани заъфи ортар эрди,
Андухи узокка тортар эрди.

Афзун эди дам-бадам судои

Ким, тушти бу сўз хам истимои

Ким, «Дарддин ул асири мотам,
Ўлгудек ўлубтурур дамодам.

Гўристон ичра зору махжур,
Ўлгон кншидек хаётдин дур.

Гох ўзида, гох йўк ўзида,
Маййит киби нур йўк кўзида.

Ўз мотамн бирла жисми ранжон
Дардинг худ олур бу жисмидин жон.

Бўлмиш анга юз гам узра мотам,
Сенсиз иши мотам узра мотам.

Жони гаму дард поймоли,
Хаддин тош эрур хароб холи».

Махваш чу зшитти бу фасона
Ўти бир эди минг ўлди ёна.

Умри кемаси вахалга ботди,
Кўнглини ўлумга кўйди, ётти.

Килмон яна, эй табиб, пархез,
Дардим ўти дам-бадам бўлур тез.

Шарбатдин эрур ичимда тоби,
Бергил илигимга шарбат оби!

XXXV

Хазон ели бог зеболари хаёти шамъин ўчурганда Лайли хаёти бахорининг гулларини ажал хазони тундбоди кўкка совуруб, Мажнуннинг доғи булбули рухи бадан кафасин гулбун узра ташлаб, ул хаволангон гул барги сўнгинча хаво туткони

Чун етти хазон елининг охи,
Бўстон чиройини килди кохи.

Япрок юзи бўлди барча сориг,
Ойин магар ўлди сориг огриг.

Хар баргки хаставор ётти,
Ер бистарида оёғ узотти.

Гўё тубида узун сабоги,
Бўлди узун айлаган оёги.

Ел ўйла етишти махражондин
Ким, барг кўтарди меҳр жондин .

Титратмага кўйди юз шажар хам,
Уй кунжигачекти юк самар хам.

Сарсар солибон чаманга торож,
Бўстон элин айлади ялангоч.

Ул ўтки чинор ичига тушти,
Гардунга шарораси ёвушти.

Бўстон тифли топиб бу хийла,
Ул ўт биладу куйдуруб фатила.

Ел баргин учурса бог сор,
Гулрез тўкуб бори чинори.

Гард айлади богни шабистон,
Яфрог ани килди кавкабистон.

Бу ттурфаки юз туман кавокиб,
Туфрок сори бўлди барча гориб.

Бир кўзгу хар ахтари хужаста,
Зохир килибон сабоги даста.

Юз кўргузмай не келса ўтру,
Ул навъки олтун ўлса кўзгу.

Сориг варақ ол обкашдин,
Ошиқ юзи ашки лаълвашдин.

Ул ашқ чекиб бу юзда хатлар,
Катра киби хар сори нукатлар.

Хар барги шажарга номаи марг
Нукталари янглиг айрилиб барг.

Ел сув уза барги асфарафшон,
Мови вараки ясаб зарафшон .

Йўк, йўкки, оқар сув тиги софи,

Олтундин ўлуб онинг гилофи.

Алвон била ток барги раъно,
Раъно каф аро нигору хинно.

Ул фасл кетибки гулда сунбул,
Очкай гулгун юз узра кокул.

Лола кафига хизоб бергай,
Зулфига бинафша тоб бергай.

Бир вақт етибки тунд сарсар
Впкай сув харири узра мармар.

Гул сўгини бог тоза этгай,
Гардун уза ел хуруши етгай.

Булбул тоимай ўзин азосиз,
Бўлгай пари бўйнига каро кийз

Чун етти бу навъ рўзгори,
Учради хазонга навбахори.

Гулшанга хазон бўлуб ситезон,
Ашжорига солди барг резон.

Гулбаргини килди ер уза паст,
Нахлин кора ерга килди хамдаст.

Хам лоласин этти заъфарони,
Хам килди бахорини хазони,

Чун солди хазон совурди харён,
Гул баргларин учурди харён.

Лайлигаким эрди хусн боги,
Жаннат гули бошидин аёги.

Ул заъф насими тез бўлди,
Бўстонига баргрез бўлди.

Очилди каманд зулфидин тоб,
Жонлар бўйинидин олди куллоб.

Хусни шахин этти заъф ношод,
Туткунларин очиб этти озод.

Озодлар ўлди тез рафтор,
Тек колди ҳамонда бир гирифтор.

Кошлари икки кулочин очиб,
"Ўлди кўзи уйларига хожиб.

Яъники ҳам анда кирмасун ноз,
Ҳам бўлмасун ул улуска танноз,

Кон ёш этти гулини тоза,
Машшотаи марг урди гоза.

Яъни «чу ишк айирса жондин;
Чиккунгдур сурхрў жахондин».

Хай сайлидинул рухи арақнок,
Юб гозау нилу вусмадин пок.

Яъни итуруб хазонда боги,
Гул бирла бинафша, сабза доги.

Шахди лаби тобдин курушти,
Йўк, йўк бири-бирига ёпушти.

Яъни лабин этти нуктадин банд,
Бўлди учуг анда мухр монанд.

Чохи зақан огзин очти дилхох,
Нилин холи кабутари чох.

Яъни бу кабутар ўлгусидур,
Туфрог ила чу кўмулгусидур.

Ёпти чу етишти бўйла банди,
Гул узра бинафшагун паранди.

Яъни уёкурда меҳри дилкаш,
Юзида бинафш абр эрур хуш.

Бу холда нозанин мусофи
р, Килди сакароти мавт зохир.

Жазм эттики кетмаги керакдур.
Жон таркини этмаги керакдур.

Хилват талаб айлабон замоне,

Эл касратидин топиб амоне.

Ўз олига истабон аносин,
Арз этти нухуфта можаросин:

«Кей жонинг ўлуб менинг маконим
Ким, жонинга садка хаста жоним.

Ранжимни ўзунгга олдинг асру,
Дарду аламимга колдинг асру.

Минг йил хам агар тирик бўлойин,
Узрунгни не тил била кўлойин?

Хоссаки гулум хазонга тушти,
Дай ели бу гулистонга тушти,

Бедод сипехр килди ноёб.
Богимда гулу гулум аро об.

Сарвимга ажиб сурат ўлди Ким,
тарки чаман зарурат ўлди.

Хар хол ила кетмагим етибдур,
Бу богда бўлмогим кетибдур.

Бу дамки эрур махалли падруд,
Киссамни яшурмогимда йўк суд.

Сен билдингу айладинг мадоро,
Мен эмди килурмен ошкоро:

Бу лахзки топшуруб вадиат,
Туфрог сори айлагум азимат.

Десамки азога килма кўп майл,
Хар сори окизма ашқдин сайл.

Юз килма тапонча бирла мажрух,
Бедод ила ранжа айлама рух.

Ер тутмагуси бу сўз билурмен,
Бир ўзга васиятинг килурмен

Ким, тутма бу сўг аро азо кўп,
Кийдурма узоринга каро кўп.

То мумкин ўзунгга сабр ёр эт,
Таскину шикёб ихтиёр эт.

Тенгри санга сабр ёр килсун
Хайлинг уза пойдор килсун.

Гул борса чаманга бўлмасун
дард, Кун ботса фалакка етмасун гард».

Кўп бўйла дуолар айлаб они,
Фош айлади нуктаи нихони

Ким, «Бўлса, бу мотам ошкоро,
Фахм этгуси ахли кўху сахро.

Шак йўкки менинг гариби зорим,
Гам шомида тийра рўзгорим,

Жисмида хаёт ёдим ўлгон,
Улмаклиги хайрбодим ўлгон,

Гар дашт уза сайр этар сабодек,
Гар тог аро чирманур садодек;

Бу сўз кулогига етгусидур,
Бу ходисани эшитгусидир.

Юмкинки қачон бу зор эшитгач,
Бу киссаи жонгудоз эшитгач,

Рухум сори рухи истабон йўл
Ўз қолибин айлагай тихи ул .

Ё улқи буён азимат этгай,
Умрум кунидек бошимга етгай.

Ўздин кеториб фирок жаврин,
Кўргузгай улусга ишк таврин.

Туфрогима туфрогини котгай,
Рухини менинг сори узотгай.

Жонсиз бўлубон тани низори,
Туфрог уза ётса жисми зори.

Зинхорқи айлаб эхтиромин,

Ёнимда ясогасен макомин.

Ул жисми шариф худ эрур пок,
Ёшинг била хам юсанг эмас бок,

Кўй кинау лутфу меҳр фан кил,
Жон пардасидин анга кафан кил.

Чирма мени доги ул кафанга,
Бир жинс кафан ики баданга.

Фарзанддек айлаб анга асбоб,
Фарзандинг ила кил они хамхоб.

Чун рух ила рух топти пайванд.
Бир маҳд аро ёткур икки фарзанд».

Юмди тугатиб аносига сўз,
Хам сўздину хам аносидин кўз.

Жонин Мажиун сўзида берди
Харгиз Лайли дегил йўк эрди.

Чун кўрди аноси бу каро кун,
Чекти бу каро гаун ичра бир ун

Ким, багри сипехрнинг тешилди,
Ул нола ўки гузора килди.

Эврулди бошига дилрабонинг,
Андокки ажал бошига онинг.

Кўз кўйди тобони узра йиглаб,
Уйготгали кирпичи кичиглаб.

Яъни: «Эмас уйку вақти кўз оч,
Хандон чскибон аёғни сўз оч».

Гах кўйнига тортибоп кўлин чувт,
Титраб йиглаб кучар эди руст.

Яъни анга уйку хаддин ортиб,
Уйготмок учун кўлини тортиб,

Ошуфта сочин гахи килиб жамъ,
Ул тийра тун ичра кўргузуб шамъ.

Яъни: «Кеча колмади қаронгу,
Кўз очки лқуносиб эрмас уйқу».

Гах оразига юзин тегурди,
Рухсорига ашқдин су урди.

Яъни су тегиб юзига ногох,
Сескангай ўз уйқусидин ул мох.

Кўп урди бу навъ печ ила тоб,
Кўз очмади махваши гаронхоб.

Уйгонмогидин ч,у бўлди навмед,
Тушти қуёшига шоми жовид.

Ок сочини ёйди навха тузди,
Хар нсчаки урди борин узди.

Охидин этиб жахоппи махрур.
Таскинига сепар эрди кофур.

Кўксини якодек этти пора
Ким, кўнглидин урди ўт шарора.

Андокки якони субх этиб чок,
Чеккай шарарини мехри афлок.

Тирногларин чу юзга кўйди,
Тирног, тирногча ерлар ўйди.

Уйгонлар ичиндаким сизиб кон,
Кўз чашмаларидек окизиб кон.

Деб нахва била бу тортибон вой
Ким, «Не огир уйқудур бўтам хой?

Кўз очки эрур хавойи равшан,
Кизларга эрур хавойи гулшан.

Борига тавофи бог майли,
Мавкуфки майл этарму Лайли.

Юз зевару дур токибдурурлар
Йўлунгга сенинг бокибдурурлар.

Маргулаи сунбулунг очойин,

Оламга абиридин сочойин.

Зохир килаин югонда они,
Зулмат аро оби зиндагони.

Очконда ани тарарда кўллар,
Зулматда килай падида йўллар.

Урмак очилурнинг ўлса дафъи,
Ганжинг уза ташлай икки афъи.

Афъи неки анбарин таноби,
Богларга кўнгуллар анда тоби,

Вусмадин этай кошингни рангин,
Кўз туки киличига яшил кин.

Кўзунгга савод сурма тортай,
Эл кўзига дахрни карортай.

Гулгуна чекарга килсам оханг
Зам айлай анга бу чехрадин ранг.

Хар сори узоринга чекиб нил,
ЁМОН кўз учун ани килай мил.

Шахди лабинг остида кўяй хол,
Ул нукта кибики ёзсалар «бол»

Холи кўяйин юзунгга ёна,
Бўстон афрўзи ичра дона.

Сочинг кидай ўйла миъжар оро,
Хам анда нихон, хам ошкоро.

Эгнингга солай либоси гулранг
Ким, рангги хирадни айлагай данг

Ясаб сени офати замона,
Гулшан сори айлайн равона.

Кизлар била ул тараф хиром эт,
Дин ахлига зухдни харом эт.

Мажнун даги интизор тортар,
Бог ичра фигони зор тортар.

Сен кеч бориб ул батанг келса,
Истаб сени бедаранг келса.

Сўз айтса не килай хитобин?
Сўрса сени не берай жавобин?

Хам меии, хам они зор килма,
Андин мени шармсор килма».

Ул бўйла килиб жахонни тийра,
Охи била осмонни тийра.

Ташкори ато яланг килиб бош,
Йиртиб яко, кўксига уруб тош.

Ялгуз ато йўкки кавму хайли,
Тортиб бу азода войи-вайли.

Лайлига солиб бу хол такдир,
Мажнун сўзин айлай эмди такрир:

Етмиш эди ул кубур ичинда,
Урён ахли нушур ичинда.

Гўристон ичра жопи поки,
Гўр ахли киби вужуди хоки.

Лайлига чу бўлди нотавонлиг,
Йикти ани доги хаста жонлиг.

Маъшук чу дарднок бўлди,
Ошикни не де халок бўлди.

Онинг била барча хол бирла,
Гах туш била, гах хаёл бирла.

Гах пок замиру, гох хотиф,
Дилдоридин айлаб они вокиф.

Ул кунга дегинчаким париваш
Бўлди ажал илгидин кадахкаш.

Девонада эрди печ ила тоб.
Титраб кўнгли нечукки сиймоб

Ким, етти кулогига хуруше,

Айтур эди бу хабар суруше:

«Кей дарду бало сипохига шох!
Ишк ахли кошингда хоки даргох!

Хам кишвари дард кахрамони,
Хам зумраи ишк хукмрони.

Ишк ахлига куллугунг хавасдур,
Кўпкилки ётурга вақт эмасдур

Ким, тушти хазонга тоза богинг,
Тонг елига учради чарогинг.

Булбуллугунг ўлса айла парвоз,
Парвоналигингни килгил оғоз

Ёр ўлди сафар ишига машъуф,
Хамрахгадурур валек мавкуф

Хамрахлигинг айлагунгму зохир,
Ё бўлсунму ул ой мусофир?»

Девона чу билдиким недур хол,
Гарчи тани эрди заъфдин нол.

Коплон киби секриди ётогдин,
Ё ўйлаки кўк газоли тогдин.

Юз урди кабила сори холи,
Оғзида тараннуми висоли.

Жон кўлга тутуб нисорликка,
Секриб ўзи жонсипорликка.

Хам ашки нишот анга ёгиндек,
Хам пўяда секриди чокиндек.

Мехри ўти ёритуб жахонни,
Бал меҳр киби тутуб жахонни.

Не кўнглида катлдин хароси,
Не душманидин ичинда поси.

Эл ваҳм килиб салобатидин,
Баъзи даду дом офатидин.

Урди Лайли эшигига гом,
Дадлар тутубон йирокрок ором.

Хайл ичра шукухидин таваххум,
Андокки килиб илик-аёғ гум.

Чун етти ул остонга боши,
Кирди уй ичига бетохоши.

Лайли килибон сафарга ният,
Айларда аносига васият.

Хар нуктаки айлабон гузориш,
Мажнунни кил)ур эди сипориш

Ким, кирди уй ичра ёри жони,
Йўк, йўкки рафики жовндони,

Бир-бирга назар кушод топти.
Хам бу ва хам ул мурод топти.

Жононига ул фидо килиб жон,
Бу жоп берибон нечукки жонон.

Ул азм зтти чу топти йўлдош,
Бу олмади йўлидин аинг бош.

Эл кирди уй ичра бешумора,
Мажнун сори килдилар назора.

Жисми ётиб эрди ерга макрун,
Лайли била бормиш эрди Мажнун

Хайрат килиб ул кабилани лол
Ким, топти вукуъ бўлмогон хол.

Айлаб бори элни ишк поки,
Ишк ичра бу ўлмаги халоки.

Чун таъзият ўтин эттилар паст,
Бу турфа хадис ўтти пайваст

Ким, дафн иши бордурур зарурат,
Ул туткусидур не навъ сурат.

Бори дедилар: «Бу икки гамнок,

Хар шойибаи фасоддин пок

Ким, умрларида ишки котил,
Килмай нафасе аларни хушдил.

Хажр ичра тўюб рамида жондин,
Армон била бордилар жахондин

Чун рухларигадур нихони,
Жаннатда висоли жовидоии.

Нетгай кўшулуб ики бадан хам,
Гўр ўлса аларга бир кафан хам.

Васл ўлди чу рухларга хосил,
Туфрокка туфрок ўлса восил».

Хам шўх васиятин килиб ёд,
Барча бу фасорадин бўлуб шод.

Айлаб не кераклик ўлса мавжуд,
Маййитни ясаб нечукки маъхуд .

Бир наъшка солдилар иковни,
Жонсиз келину, ўлук куёвни.

Кирди ики жисм бир кафанга,
Йўк, йўк, ики рух бир баданга.

Бир наъш ила ул ики дилором,
Андок эдиким ду дона бодом.

Йўк, йўк, дема они икки дона,
Ул дона эмас эди дугона.

Дугоиагаким ики бадандур,
Хар бирига бошка бир кафандур.

Бир дона эди вале ики жузв,
Бир-бирига уйла муттасил узв

Ким, шиддати вахдати висоли,
Бермай анга иккилик мажоли.

Донадек ўлуб ики бадан бир,
Дона кобуги киби кафан бир.

Алкисса ул икки ёри жони,
Топкоч бу висоли жовидони.

Наъш узра ёпиб хариру дебо,
Ранги хушу, накши доги зебо.

Бош устига элтмак килиб фан,
Ул ергачаким бор эрди мадфан.

Тобут ила икки дилрабони,
Мадфан ичига кириб нихони.

Еткурдилар ўз нишонасига,
Туфрок гарибхонасига.

Туфрокка кўюб аларни хайхот,
Чун тийра уй эрди чиктилар бот.

Ёшурди чу ою кун юзин абр,
Чун гўр бир эрди, бўлди бир кабр.

Ишк ахлига ўчти шамъи уммед
Ким, ер куйи ботти ою хуршед.

Не ишк элига шох колди,
Не хусн авжида мох колди.

Лайли атоси аноси бирла,
Хайли даги акрабоси бирла

Хар кун ики вақт эди йигилмок,
Ул кабр бошида навха килмок.

Бир-бир берди мурури айём,
Туфрокка аларга доги ором.

Эй навхагар, айла навха бунёд
Ким, умр биноти келди барбод.

Гар бўлди ул икки ёр озим,
Не мен колгуму, не дилнавозим!

XXXVI

Ишк таърифидаким, айнининг нурлиг тоби туффроғни «айн» килур ва шинининг шароралиг шуъласи кўнгуллар хайлига шайн солур ва кофининг гаронсанг тоғи хар кимга юкланса нобуд этар ва нукталарининг тоза доғи хар чок кўнгулга тушса лоланинг беш барғидек конга бўяр

Э ишк, гариб кимиёсен,
Бал ойинаи жахоннамосен.

Хам зотинга дарж кимиёлик .
Хам ойинаи жахоннамолик.

Буким сангадур бу иккидин зот,
Бир-бир килайин икисин исбот.

Килдим эса кимиё хитобинг
, Андин хам эрур бийик жанобинг.

Берди анга бу натижа гардун,
Ким мисга етишса килгай олтун.

Инсонники халк килди халлок,
Йўк тийнат анга бағайри туфрок.

Сенким анга ошнолик эттинг,
Туфрокка кимиёлиг эттинг.

Олтун килдинг узорин онинг
Балким тани токсорин онинг.

Бу навъ ила доғи килмадинг бас,
Хажр ўтига солдинг ўйлаким хас.

Ул ўтда чу ихтизоз топти
Андокки керак гудоз топти .

Хар гашлигдинки эрди ноқис,
Бўлди бу гудоз бирла холис.

Хам олтун ўлуб бу пайқари хок,
Хам ўлди бу навъ холису пок.

Чун холису поку бегаш ўлди,
Олтун неки кимиёваш ўлди.

Гарчи ситаму жафо килурсен,
Туфрогни кимиё килурсен.

Иккинчи дедим ёругсен асру,
Андокки жахоннамой кўзгу.

Мунда доги топилур тафовут,
Ким очса назар билур тафовут.

Ул ойинаким Скандар этти,
Пўлоддин ўйла пайкар этти,

Ким, Рум аро чекиб манори,
Боктурди ани Фаранг сори.

Чун берди жамолига кушойиш
Кўргузди Фарангдин намойиш.

Топкоч ани бу сифат зиёлик,
Токти отига жахоннамолик.

Бу навъки ул демиш эмасдур,
Менким не дедим хамону басдур.

Хуршеди жахонкушой сен-сен.
Миръоти жахоннамой сен-сен,

Ким килди санга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.

Чун боккали ихтиёр топти,
Хар сорики бокти ёр топти.

Хам накши вужудин этти фони
Хам топти бакойи жовидони

Бу ишкки бахти комрондин
Холи бўлмаи замони ондин.

Гарчи ики навъ ўтти рози,
Аввалгини англагил мажози

Ким, дарду гудозу сўз бирла,
Юз шуълаи жонфурўз бирла.

Чун айлади пок;,,лкка мавсуф,

Ул навъ килур бировга машъуф,

Ким ишк аро фирок ила дард,
Узлукдин этар тамом ани фард.

Бил сўнграги ишкни хакикий
Ким, давлат эрур анинг рафики.

Аввалги вужудин этса зойил,
Чун бўлса икинчисига мойил.

Йўк-йўкки икинчи они чекса,
Кўнглига висол тухмин экса,

Ул навъ кетурса турктози
Ким, колмаса сурати мажози,

Мазхардин кўрмайин нишони,
Мазхарда ўзини топса фони,

Максуд будур, хаётдин бу
, Бал хилкати коинотдин бу.

Мажнунга бири бўлуб мусаллам,
Баҳра топти икинчидин хам.

Эрмас эди ўзидии бу ишлар
Бал ишқдин эрди ул кашишлар.

Харкимгаки ишк юз кетурса,
Ё машъали шавк шуъла урса,

Тог эрсаки сув килур вужудин,
Нобуд этар набуду будин

Тур узра тажалли айлагач фош,
Чайкалди сув янглиг ул катиг тош

Бу шуъла кўнгулга тушса кори,
Куймакда анинг не ихтиёри.

Бу ўт не кишига бўлса рўзи,
Куйдурса не тонг жахонни сўзи.

Ишк ичраки жисми тўлгонур бил,
Ул навъдурурки ўт уза кил.

Тонг йўк бу ўт этса ашк аро гарк,
Ёмгур ёгар андаким тушар барк.

Гар ашк бу ўтни айламас кам,
Ёмгур сувидин чокинга не гам?

Ким зарку риёву шўр бирла,
Ошик этар ўзни зўр бирла,

Ишки ўти бўлмас элга жозиб,
Андокки, зиёда субхи козиб .

Рангин кўпалак эрур дилафрўз
Парвона киби эмас жигарсўз.

Ошик дема кимни кўрсанг асфар
Ким бўлмади заъфарон муасфар,

Бежазб сариг эрур риёлик,
Самг айлай олурму кахраболик.

Сафратда нечаки килса тавбих,
Олтун била тенг бўлурму зирних.

Хар оҳки шайдга ёвукдур
Не иссиг ул оху, не совугдур,

Ошик совуг ох чекса ногох,
Оламга солур ўт ул совук ох.

Чун урди хазон ели совук дам,
Ёпрокни курутди, чўркади хам.

Бедард кишики ашк тўккай,
Ул катрадурурки мушк тўккай.

Сўз аҳли эрур тўкар замон ёш,
Бир шамъки ашкин этса дурпош.

Ишк ўлди кишига боиси дард,
Килмок ики кавн фикридин фард

Парвонани ишк этмаса маст,
Ургайму ўзини ўтка пайваст?

Улдамки куярда кечти жондин,

Не фикри анинг ики жахондин?

Телба ўзин ўтка солса ногох,
Кавнайн ишидин қачондур огох.

Ут секриси тифл эмас хабардор,
Ким хиркатида не навъ асар бор?

Кўрган киши ўт кўрар забона
Куйган киши кўргузур нишона,

Ким ишк насибидур азалдин,
Ул ишк эрур барий халалдин.

Парвонада холлик каноти, Ишк
ўтидин ўлди дог зоти.

Бу догдин ибтидойи ахвол,
Ишк этмади они форигулбол.

Бу ишк ўтига давому бўлгай?
Хар ким тиласа равому бўлгай?

Ёраб, мени дардманди махжур,
Ким ишк ўти жоним этти махрур.

Бу ўтдин кўнглум этма махзун,
Бал шавкини кил дамодам афзун.

Хам ахгаридин таним куруткил,
Хам шуъласидин кўзум ёруткил.

Охимники дудидин нишон эт,
Ул дуд ила кўз ёшим равон эт.

Кўнглум кушиким самандар ойин,
Оташкадасида топти таскин,

Сочкил шараридин анга дона,
Бер хемаси узра ошёна.

Ул дона била тўк айла они
Бу шуъла аро йўк айла они.

ЁК мугбача шуълаи мажуси
Ким, дуди гамимдур обнуси.

Яъники мугона согаринг ол,
Бир согар ила ичимга ўт сол!

XXXVII

Шахзодаи сипехр жаноб ва сипехри хуршед интисоб, яъни Султон Увайс Баходир
мадхида сўз интихоси ва насойих бисотида кўп лаъл ва дурри макнун ва мавоиз хонида
фавоких ва ниами гуно-гун ул хазратка кулокка олмок ва огзига солмокнинг салоси

Эй сокийи давр! Бир кадах тут,
Хузн ахлига согари фарах тут.

Аввал кадахингни айла гардун,
Куйгил анга бодаи шафакгун.

Чун бўлди лаболаб ул пиёла,
Кил они менинг сори хавола.

Кўргач ани хушдин боройин,
Бир дам била они сипкоройин

Ким, тоимасун ул сипехри согар,
Атрофида катрадин бир ахтар.

То сўзда фалак нишонлиг айлай,
Ахтар киби дурфишоилиг айлай.

Топкач дури бахру лаъли кони,
Шахзода нисори айлай они.

Шахзодаи маъдалатшиор ул,
Етти ато шоху шахриёр ул.

Султони замон, Увайс ул шох
Ким, чарх анга келди хоки даргох.

Зотиға сиришта иззу тамкин,
Хам лутф ишида чуст хам кин.

Кин андаки, бўлса разм чоги
, Лутф андаки, ичса базм аёги.

Базм ичра демайки барча авкот,
Махлук анга лутфи махздин зот.

Зотида хаё била адаб хам

Ул навъки амму холу аб хам.

Табъида сахо била шужоат
Дахр этса не тонг анга итоат.

Васфида неча дейилса маъни,
Гардунни бийик демак, не яъни.

Хам акд ила будурур мувофик
Ким, улки сўз ичра бўлса содик,

Сафха уза килк этиб равона,
Ёзгай неча панди мушфикона.

Эй гулшани мулк сарви нози!
Кай нозки, сарви сарфарози!

Чу бир неча сўз кулокка олгил,
Балким неча дур кулокка солгил.

Билким не жахондадур вафое
Не умр биносига бакое.

Хам сув узадур жахон карори,
Хам ел била умрнинг мадори

Ким, тупрогу сувга шод бўлгай,
Елга қачон эътимод бўлгай?

Юз йил киши гар жахонда шахдур,
Йўк эрса гадои хопақадур.

Марг аждари чун огиз очар кенг,
Ютмокка шаху гадо эрур тенг.

Гар айш аро сен ва гар гаму дард,
Хак ёдидин ўлма бир замон фард.

Хам кахрига боку тарсгор ўл,
Хам рахматидин умедвор ўл!

Шахлар десангўлгай олинга паст,
Паст ўл дарвешларга пайваст.

Топсанг неча шахлар узра шахлик
Факр ахлига айла хокирахлик!

Бўл банда ато-анога яксон Ким,
хак деди волидайн эхсон5.

Куллуларип айла расму одат,
Кавнайн аро бил муни саодат.

Давлат талаб айласанг худодин,
Бош тортма шаръи Мустафодин.

Жаннатка борурга истасанг йўл,
Бу жода бирла мустаким ўл.

Нафс айласа фиск ила табахкор,
Хак оллида ўзни бил гунахкор.

Чекса гунах ўти шуъла пайваст,
Кил они надомат ашкидин паст.

Тоат килу кўзга илма они,
Кўрмак била хеч килма они.

Тоатка риёни айласанг зам,
Согинмагил они фискдин кам.

Журмеки ёнидадур надомат,
Ул келди нажотдин аломат.

Ким чекса кадах ниёз бирла,
Хушрокки риё намоз бирла.

Чун тенгрига зохир ўлди тоат,
Хам шаръ тарикига итоат,

Андин сўнг шох хизматин кил,
Ул зилли илох хизматин кил.

Топсанг каю ишта муддаосин,
Саъй айлаю хосил эт ризосин.

Шохики атонг анга агодур,
Ул санга агодур атодур.

Бу икки атога кил ўгуллуқ
Йўк-йўкки, бу икки шахга куллуқ.

Бу навъ ики жахон худованд

Ким, сен бўлдунг аларга фарзанд.

Уздин икисинп айла хушнуд
Ким, дуняю охиратдадур суд.

Кул бўлсанг аларга шохсен-сен,
Доройи жахонпанохсен-сен.

Бўлса биридин ризо багоят
Етса яна биридин иноят

Ким, бир кишварга хукм сурсанг,
Икболу шукух кўсин урсанг,

Зинхорки зулм риштасин уз,
Инсоф ила адл касрини туз.

Мулк ахлига меҳрибонлик айла,
Андок рамага шубонлик айла.

Ким бўрилиқ этса ковла оии,
Ул ер ити бирла овла они.

Бедоди етар замонда асра
Кўйни бўридин амонда асра!

Мазлумга золим этса бедод,
Додин бериб айла хотирин шод.

Максудини айлай олмаса арз,
Такрор ила сўрамогини бил фарз.

Лутф айла ани сўрарда ойин,
Ким топкай изтироби таскин.

Таскин била англа халотини,
Адл айлабон ол малолатини.

Не зулм килурга элни коткил,
Не зулм кўлин ўзунг узоткил.

Кассобдин ўйга гар хўришдур,
Ултургали они парваришдур.

Ўйга не асиг килур бу парвор,
Ким, ўлсау бихи келса харвор .

Эл молин ўзунгга мол билгил,
Хайлин ўзунга аёл билгил.

Яъни нечук асралур аёлинг,
Махфуз нечукки турса молинг.

Андок бори эл аёлии асра,
Ўгридин амонда молин асра.

Бедодга борса халк моли,
Махшар куни шахгадур саволи.

Гар шахрда истасанг раёсат,
Сахрода анингдек эт сиёсат,

Ким дагдага тоимагай мухожир,
Хохи гузарию, хох тожир.

Тожиргаки даст топти рахзан
Ногахдур анинг ёнида кахзан.

Бу турфаки хар не колса андин
Чун шахрга етти бийм жондин,

Тамгочи этиб бошига жавлон,
Хардам тилагай закоти хавлон.

Мундок нималардин эхтиёт эт

Хар фиск хаёли килса хотир,
Тенгрини бошингда англа хозир.

Нафсингга не зулм бўлса максуд
Шахпи илайингда англа мавжуд.

То барча ишинг дегандек ўлгай,
Кўнглунг нечук истагандек ўлгай,

Дунёда ишинг бутуб камохи,
Укбода хам ўлмагай табохи.

Дин жонибидин етиб кушодинг,
Етгай ики дахр аро видодинг.

Сокий, кадахики шахзода,
Туткай манга ул кадахда бода.

Ложуръа бурун ўзи сумургай,
Ул навъ маага даги ичургай.

XXXVIII

Бу дард навхаси итмомининг тараннуми ва бу хасрат номаси ихтитомининг такаллуми ва тартиби авзоининг фасонасин тузмок ва таксими атворининг таронасин кўргузмок ва савху хато аркомига эътироф варзши этиб ҳақдин ул бобда талаби омирзиш килмок

Юз шукрки бу фасонаи дард,
Хар лафзида юз нишонаи дард.

Жон пардаларидин анда аврок,
Жондин бериб ул варакни ушшок.

Ёзгонда мидоди кўз кароси,
Ёзгон кора кайгу можароси.

Хар ёзгон алиф келиб нишонда,
Бир кесган алиф нишони онда.

Нукта асари нихон тикоидин
Йўкким, кора солмогон тугондин.

Хар доли анинг кади хамида,
Дард икки ёнида орамида.

Айни нечаким назарга келган,
Ул наълки хажр аро кесилган.

Сўз бошлари ичра харф бар харф,
Бу кондин ўлуб ёзарда шингарф.

Сафха юзи дард жилвагохи,
Мистар хатн хажр шохрохи .

Андух сипохига тушуб шўр,
Жон мулкин олурга келтуруб зўр.

Хар сатр келиб ясоли анда,
Пархош элидин мисоли анда.

Йўкким, бори меҳнату гам ахли,
Гам дашти ичинда мотам ахли.

Мажнун гамидин бори азолик,

Лайли ўлуми учун каролик.

Яъни бу сифат фироқнома,
Бўлди манга катрарез хома.

Сўгин нечаким узоттим охир,
Йиглай-йиглай тугаттим охир,

Эй боди сабо, қарор тутма,
Тинмокни мизожинга ёвутма.

Кез кишвару, тоғу, дашту, води,
Етмай қўйма жаҳон саводи.

Ишк аҳлига даҳр аро нидо кил,
Бу қисса туганганин адо кил!

Хар қайдаки бўлса беқароре
Оворау тийра рўзгоре,

Барча бу тараф азимат этсун,
Тинмай нафасе қошимга етсун.

Қирсун бу саводи аъзам ичра,
Кезсун бу билоди мотам ичра.

Бу хиттаки ишк кишваридур,
Саргаштаи меҳри ховарийдур.

Ишк аҳли учун мадорис онда.
Дард аҳли тутуб мажолис онда.

Хар қимдаки бор эса ҳаёле
Қасб этмак ишк аро қамоле,

Бу мадрасада ясай висоқин
Хужра аро соз этай яроқин.

Аввал сабақин ниғориш айлай,
Ул мадрасада сипориш айлай

Қим, олига қўюб ул варақни
Десун бирова анга ул сабақни

Хар қимсага улча қобилият,
Қўрсун сабақни гама бақилият.

Бор анда гизо гами жигартоб,
Сув ўрнида катра-катра хуноб.

Кундуз ўкумок бало хадисиин,
Ишк ичра юз ибтило хадисин.

Шом ўлса емак чарог дуди,
Андух ўти бирла дог дуди.

То хар ким иши килиб баромад,
Ишк ахли аро бўлуб саромад.

Магзи аро тушса ишк жўши,
Чикса унидин бало хурўши.

Меҳр ўтига ўртаниб вужуди,
Ёшурса куёш юзини дуди.

Охи ели туфрогин учурса,
Ашки суви ўтини ўчурса.

Хам жисмидин ўлмаса асар ҳеч,
Хам кўнглидин ўлмаса хабар ҳеч.

Бу хиттаниким килиб иморат
Эл кирмагин айладим ишорат

Ул икки ягонаи замона
Ким, ншқда келдилар ягона.

Чун чиктилар ушбу хокдондин
Жаннат сари бордилар жахондин.

Мунда берибон қарор аларга,
Олий ясадим мазор аларга.

Айвон била ток бешумора,
Ул навъки гунбазу манора.

Ул чарх киби рафиъ гуибад
Ким, бўлди алар икковга машҳад.

Кандили ичинда шамъ мастур
Кеча анга баски тўкулуб нур.

Лутф ичра кабутари паридек,

йўк-йўкки, харам кабутаридек.

Ожиз бўлуб ул даги бир ишта,
Азбаски канот уруб фаришта.

Беишкка анда бор бўлмай
Завку тараб ошкор бўлмай.

Беишк кўрунмай анда кўзга
Харён зойир малакдин ўзга.

Бу хайлки тортибон гаму дард,
Харким гами ишк аро чикиб фард

Ким, барча тутуб мусаллам они
Ул пардада йўл топиб нихони.

Чун бу харам ичра бўлди махрам,
Юз файз етиб юзига хар дам.

Ёраб ангаким мурод эрур ишк,
Сармоёи эътикод эрур ишк.

Бу равза сори кетургил они,
Бу мартабага етургил они.

Хар дам яна завку хол бергил,
Ишк ичра анга камол бергил.

Хам ишкини жовидони айла,
Хам ишкда они фони айла.

Ногюкки бўлса ишкдин ёт,
Ошик кўюб эрса ўзига от.

Кон ёш тўкуб ўйлаким сурохи

Кўргузмак нши йилон киби печ,
Йўк захрдин ўзга кўнглида хеч.

Ишк ичра тутуб ўзини номи.
Максуд анга бўлса нафс коми.

Ул ком ила кўнглини овутма,
Бу равза сори ани ёвутма.

Мен хастаки бу ракамни чектим,

Ёзмокта бу ишки жовидона
Максудум эмас эди фасона.

Мазмунига бўлди рух майли,
Афсона эди анинг туфайли.

Лекин чу ракамга келди мазмун,
Афсона анга либоси мавзун.

Бу эрди гаразким ул гурухе
Ким, сўзда аён килиб шукухе,

Бу нома учун бўлуб ракамкаш,
Сафха гозин эттилар мунаккаш.

Гар нукталари жахонни тутти,
Гавголари инсу-жонни тутти,

Чун форси эрди нукта шавки,
Озрок эди анда турк завки,

Ул тил била назм бўлди малфуз.
Ким, форси англари ўлди махзуз.

Мен туркча бошлабон ривоят,
Килдим бу фасонани хикоят

Ким, шухрати чун жахонга тўлгай,
Турк элига доғи бахра бўлгай.

Невчунки букун жахонда атрок.
Кўптур хуштабъу софи идрок.

Гар модда камрак эрса не гам
Чун завқдур асл ул эмас кам.

Инсонга эрур камол матлуб,
Андин дағи дарду хол матлуб,

Хар кимга улум бўлса восил,
Гар дардию холи йўк не хосил?

Ўт солса жахон элига Мажнун,
Бир куйгучи бўлгуси Филотун .

Анкони киши қачон килур ёд,
Ул лахзаки булбул этса фарёд?

Сомиъ неча бўлса дардпарвард.
Афсонада ҳам керакдурур дард.

Эшитгучи бўлса дардпайванд,
Бордур ичи онинг ўтка монанд.

Кил ўтка назораким куяр чоғ,
Сув ўчурур они, ёндурур ёғ.

Мен доғи бу майниким сузубмен,
Туркона суруд анга тузубмен.

Эл кўнглига андин ўлгуси жуб
Ким, келди бу навханинг мунги кўл.

Мунглуг мену мунг била паёмим,
Мунглуг кишилар сўзи каломим.

Шак йўкки қачонки бу ўкулгай,
Ким ўкуса хотири бузулгай.

Кўздин чу окизса ашк сайли,
Мажнун киби ёд этарда Лайли.

Номамки юзин каро килибмен,
Исёну гунаҳ аро қолибмен.

Ул сув етибон югай каросин,
Ёзгон бори журм можаросин.

Ёраб, бу ракамки бўлди маркум
Хар ким ўкумокдин этса маълум.

Харнеки ўкур таамул этса,
Деган гаразим тахайюл этса,

Айб истамак ўлмаса муроди,
Бер борча хунар сори кушоди!

Богла оёғига ишк домин,
Куй бўғзига дарду шавк жомин.

Занжири жуқунга баста айла,

Бу бандин анга хужаста айла.

Килсанг гами ишк ила ани шод,
Бергил мени доги кўнглига ёд!

Шояд бу махал бир ох ургай
Ким, гарди жаройимим учургай.

Ул ел учуруб тани низорим,
Рахмат уйида бериб карорим.

Исёнима афв бўлгай омин.
Ёрабки, бу навъ бўлгай омин.

Тахрир хайъати:

К. ЯШИН, Э. ЮСУПОВ, Иззат СУЛТОН, А. КАЮМОВ, Б. НАЗАРОВ, А. ХАЙИТМЕТОВ, Ф.
СУЛАЙМОНОВА, С. ГАНИЕВА, М. ХАКИМОВ

П. ШАМСИЕВ илмий-танкидий тексти асосида дostonни изохлар билан нашрга
тайёрловчи:

Т. ГАФУРЖОНОВА

Масъул мухаррир С. ГАНИЕВА

Такризчилар:

С. ХАСАНОВ, С. ЭРКИНОВ